

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

**ИСЛОМДАГИ МАЗҲАБЛАР
ВА ОҚИМЛАР**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2012

УДК:297.1.

КБК: 86.38.

И80

Муаллиф: С.Саиджалолов -

Тошкент ислом университети

*Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий
ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси катта ўқитувчиси*

Масъул муҳаррир: А.Ҳасанов

тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

М. Алимова *тарих фанлари номзоди*

И. Бекмирзаев *тарих фанлари номзоди*

Ўқув қўлланма исломда мазҳаб ва оқимларнинг юзага келиш тарихи, сабаблари ва асосларини ёритишга бағишланган. Ҳидоят ва залолат борасида турли қарашлар илгари сурилаётган бир пайтда ислом ақидаси ҳамда фикҳига тааллуқли мактаб ва мазҳаблар, оқим ва ҳаракатлар моҳиятини англашнинг аҳамияти ортиб бормоқда. “Исломдаги мазҳаблар ва оқимлар” ўқув қўлланмаси мазкур масалаларга бағишланган бўлиб, ундан диншунослик, исломшунослик, фикҳшунослик, ислом тарихи ва манбашунослиги соҳаларида истифода қилиш мумкин.

*Тошкент ислом университети Ўқув-услубий кенгашининг 2012
йил 20 март 5-сонли баённомаси ҳамда Илмий Кенгашининг 2012 йил 30
март 8-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмитанинг 2012 йил 2 апрель № 674-рақамли рухсати билан чоп
этилди.*

ISBN 978-9943-390-46-1

© “Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012

КИРИШ. “ИСЛОМДАГИ МАЗҲАБЛАР ВА ОҚИМЛАР” ЎҚУВ КУРСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Мустақиллик йилларида виждон эркинлигининг таъминланиши диний-маърифий соҳада кўплаб ижобий ўзгаришларга муҳим асос бўлди. Минглаб обида ва қадамжоларнинг диндорлар ихтиёрига берилиши, юз минглаб нусхада диний-маърифий нашрларнинг чоп этилиши, муқаддас зиёратга эмин-эркин ҳамда қулай шароитларда бориш имконияти маънавий соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этди.

Инсон эркинликни яхши кўриши табиий. Аммо ҳар қандай эркинликнинг ҳам муайян чегараси бор. Инсон ҳурлигининг чегараси қаерда тугайди дейилса, бошқа инсонлар ҳурлигига дахл қилишни бошлашидан, дея жавоб бериш мумкин. Мухтасар ифода этганда, сизнинг озодлигингиз бошқа инсонлар ҳуқуқларининг поймол қилинишига олиб келмаслиги зарур. Кишилар ўртасидаги муносабатлар қонун асосида ҳал этилиб, мазкур муносабатлар ҳуқуқий асосга қурилишининг ва давлат ҳокимияти томонидан назорат қилинишининг боиси шунда.

Юқоридаги сўзлар бежиз айтилгани йўқ. Айнан истиқлолнинг илк йилларида виждон эркинлиги соҳасида берилган имкониятларни ҳамма ҳам тўғри қабул қилмади. Хусусан, ўтган асрнинг 90-йилларида диндорларга яратилган кенг шароитни суистеъмол қилиш ҳолатлари намоён бўла бошлади. Бу эса диний тушунчаларнинг нотўғри талқин этилишига, муқаддас ислом таълимоти кўрсатмаларини баъзида бойлик орттириш, мансаб, ҳокимият орқасидан қувиш каби ғаразли мақсадларга восита қилинишига олиб келди. Оқибатда, кишилар ўртасида турли ихтилоф ва зиддиятлар кўпайди. Ҳатто, қонли тўқнашувлар рўй берди. Дин ниқоби остидаги экстремизм ва терроризм дея баҳоланган бу ҳаракатлар тинчлик ва барқарорлик учун, аҳолининг саломатлиги ва келажаги учун жиддий хавф-хатарга айланди.

Диёримиз тинчлигига таҳдид солган экстремистик ҳаракатларнинг юзага келишига нималар сабаб бўлди деган саволга, асосан иккита омилни жавоб тариқасида келтириш мумкин: ички ва ташқи.

Ўзбекистондаги тинчлик ва тараққиётни кўра олмайдиган, уни ўз таъсир доирасига олишга уринган хориждаги марказлар томонидан экстремистик ва террористик ғояларнинг экспорт қилинганини ташқи омил дейиш мумкин.

Мустабид тузум даврида динга қарши кураш эълон қилингани, даҳрийлик сиёсати юргизилгани сабаб юртимиз аҳолисида диний билимнинг оз ва саёз бўлгани, оқу қорани, ҳидоят ва залолатни, мутаассиблик ва бағрикенгликни ажрата олмаслик ҳолатининг турли бузғунчи оқимлар фаолиятини тўсишда мураккаблик туғдирганини ички омил дея эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон раҳбарияти экстремизм ва терроризм таҳдидини ўз вақтида англаб, унинг салбий оқибатларини бартараф этиш йўлида жаҳон ҳамжамиятига намуна бўладиган ишларни амалга оширди. Президент Ислом Каримов кўплаб маърузаларида бутун дунё ҳамжамиятини огоҳликка, терроризмдек аср вабосига биргаликда қарши курашишга даъват этди. Шунингдек, бу балонинг олдини олишда кишилардаги билим ва тафаккурга асосланиш муҳим эканига эътибор қаратди. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлигини уқтирди.

Ўзбекистон Президенти таклиф этган бу услубнинг нақадар тўғри эканини йиллар исботламоқда. Бугун мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳити тараққиёт ва фаровонликнинг муҳим таянчига айлангани ҳақиқат.

“Исломдаги мазҳаблар ва оқимлар” ўқув курсининг асосий мақсади ҳам талабаларга диннинг асл моҳияти эзгулик эканини, агар унинг поклик ва мўътадилликка асосланган таълимоти бузиб талқин қилинса, қандай

салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англатишдан иборатдир. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида ўқув курси ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- исломдаги йўналишлар, мазҳаблар ва оқимларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш;
- йўналишларнинг келиб чиқиш сабабларини баён қилиш;
- фикҳ, ижтиҳод ва мужтаҳид каби тушунчаларнинг шаклланиш омиллари ва аҳамиятини очиб бериш;
- мазҳаблар тарихини ва уларнинг шариат илмлари тараққиётидаги ўрнини тушунтириш;
- мазҳаблар ислом оламининг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигида, турли диёрларда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришида муҳим аҳамият касб этиб келаётганига эътибор қаратиш;
- диёримизда ҳанафий мазҳаби таълимоти тараққий этгани, бу эса неча асрлар давомида юртимиздаги турли миллат ва эътиқод вакиллари ўртасида ҳамжиҳатлик барқарор бўлишида беназир ўрин тутганини илмий асослаб бериш;
- оқимлар тарихи ва уларнинг юзага келишига сабаб бўлган омилларни кўрсатиб бериш;
- оқимларнинг салбий оқибатлари, уларнинг ғаразли фаолияти экстремизм ва терроризмга асос бўлишини мисоллар асосида исботлаш;
- оқимлар фаолиятининг олдини олишда, салбий оқибатларини бартараф этишда аҳамият бериш лозим бўлган омилларни қайд этиш.

“Исломдаги мазҳаблар ва оқимлар” ўқув курси олий таълимнинг диншунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқи, ислом тарихи ва манбашунослиги каби йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланмада қуйидаги шартли қисқартмалар ишлатилди:

с.а.в. – соллаллоҳу алайҳи ва саллам

а.с. – алайҳис-салом

р.а. – розияллоҳу анҳу, розияллоҳу анҳум

р.ҳ. – раҳматуллоҳи алайҳи

1-БОБ. ИСЛОМДА ЙЎНАЛИШЛАР ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ САБАБЛАРИ

- 1.1. Суннийлик моҳияти
- 1.2. Хорижийлик – ажралиб чиққан илк йўналиш
- 1.3. Шиаликнинг юзага келиши

1.1. Суннийлик моҳияти

Исломдаги йўналишлар сони тарихий манбаларда турлича берилган. Улардан асосий учтаси – суннийлик, хорижийлик ва шиалик ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Исломдаги йўналиш – деганда муайян эътиқодий масала асосида бирлашган мусулмонлар мажмуаси тушунилади. Масалан, суннийлик йўналиши суннат ва жамоат асосида, хорижийлик ажралиб чиқиш ва қаршилик кўрсатиш, шиалик эса Али (р.а.) ва унинг авлодларини ҳаддан ортиқ эъзозлаш асосида бирлашган. Аввало, суннийлик моҳияти баён этилади.

Пайғамбардан нақл қилинган мусулмон умматининг 73 фирқага бўлиниб кетиши ҳақидаги машҳур ҳадисда, фақат бир йўналиш – у зотнинг суннатларини маҳкам ушлаган ва саҳобалари йўлидан юрган кишиларгина нажот топиши баён қилинган. Уламолар нажот топувчи йўналиш бу “Аҳли сунна вал-жамоа” эканига иттифоқ қилганлар. “Аҳли сунна” ибораси Муҳаммад (а.с.) суннатларига эргашувчиларни, “вал-жамоа” эса мусулмонларнинг кўпчилиги ортидан юрувчиларни билдиради. Демак, “аҳли сунна вал-жамоа” – суннатга ва жамоага эргашувчилар деган маънони англатади. Ҳақиқатан, бугунги кунда мусулмонларнинг аксари, яъни 92.5%и мазкур йўналишга мансубдир. “Аҳли сунна вал-жамоа” номини қисқартириб, “суннийлик йўналиши” деб ҳам юритилади. Ақида

борасида мотуридия ёки ашъария таълимотига, фикҳда эса тўрт мазҳаб: ҳанафий, моликий, шофёеий ва ҳанбалӣ мазҳабларидан бирига мансуб бўлган мусулмонлардан ташкил топган жамоа суннийлик йўналишини ташкил қилади. Шунингдек, чорёрларнинг барчасини қонуний халифа сифатида эътироф этиш ва олти ишончли ҳадислар тўпламларини тан олиш ҳам суннийликдаги асосий мезонлардан ҳисобланади. Бу йўналиш эътиқод борасида қуйидаги тамойилларга таянган:

1. Аллоҳнинг барча исмлари ва сифатларига.
2. Барча пайғамбарларга.
3. Фаришталарга.
4. Муқаддас китобларга.
5. Охират кунига.
6. Яхшилик ва ёмонлик тақдир этилишига.
7. Ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишониш ва тил билан иқроф этиш.
8. Муҳаммад (а.с.)нинг суннатларига эргашиш.
9. Саҳобаларнинг барчасини бирдек ҳурмат қилиш.
10. Тобеинлар эҳтиромини ўрнига қўйиш.
11. Раҳбарларга итоат этиш.
12. Мусулмонларга оқибат кўрсатиш
13. Жамоадан, яъни кўпчиликдан айри бўлмаслик
14. Бирор инсонни кофирликда айблашга интилмаслик.
15. Ўзга дин ва эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенглик кўрсатиш.
16. Яхши ишларга тавсия этиш ва ёмон ишлардан қайтариш.
17. Савоб ишларга интилиш ва гуноҳ ишлардан қочиш.
18. Гуноҳга беъътибор бўлмаслик, аммо гуноҳкорни имонсизга чиқармаслик.
19. Бирор инсонга жаннатий деб шохидлик бермаслик ва бирор инсонни дўзахий деб гувоҳлик бермаслик.

20. Умид ва қўрқув мутаносиблигига риоя қилиш.

Бу асослар бежиз зикр этилмади. Бир қарашда оддий ва тушунарли бўлган бу тамойиллар мазмунини мураккаблаштириш, асл моҳиятидан йироқ тарзда талқин қилиш оқибатида мусулмонлар орасида 72 та фирқа юзага келди. Масалан, мўътазила оқими гуноҳ қилган инсонни имондан чиқишини таъкидлайди, Аллоҳ сифатларининг баъзисини нотўғри талқин этади, яхшиликка буюриш йўлида ҳеч нарсадан қайтмаслик, ҳатто керак бўлса куч ишлатиш зарур, деб ҳисоблайди.

Муржиа оқими инсон ҳар қандай оғир гуноҳ қилса-да, имонига зарар етмайди, деб эътиқод қилади. Аслида, эзгу иш қалбни қанчалик мунаввар қилса, ёмонлик шунчалик дилга қоронғулик келтириши маълум ҳақиқат.

Хорижийлар ҳам юқоридаги тамойиллардан бир нечтасига хилоф ғояларни илгари сурдилар. Масалан, улар гуноҳ қилган инсонни кофирга чиқардилар, раҳбарларга қарши исёнлар уюштирдилар, қанча–қанча беғуноҳ инсонларнинг қонини тўкдилар.

Шиалар суннийликдаги саҳобаларни бирдек ҳурмат қилиш тамойилини қўпол тарзда буздилар. Халифа Али (р.а.)га бўлган муносабатда ҳаддан ортиқ мутаассибликка бордилар ва ҳатто бошқа саҳобаларни ҳақорат қилишдан тап тортмадилар. Оқибатда шиалик, нафақат саҳобаларни ҳурмат этиш тамойилида, балки бошқа масалаларда ҳам суннийликдан тубдан фарқ қилувчи йўналишга айланди. Бу борада ўз ўрнида батафсил баён қилинади.

1.2. Хорижийлик – ажралиб чиққан илк йўналиш

“Хорижий” сўзи араб тилидан таржима қилинганда, икки хил маъно англатишини мутахассислар нақл этганлар ва бу талқинлар ўзаро зид келмайди. Балки, улар мазмун жиҳатдан бир-бирини тўлдиради.

Биринчиси, “хорижий” сўзи араб тилидаги “хаража ала” бирикмасидан олинган бўлса, “–га чиқмоқ” маъносини англатиб, бирор бир инсон ёки

ҳолатга қарши чиқмоқ, қарши бош кўтармоқ маъноларини билдиради. Бинобарин, хорижийлар раҳбарга қарши чиққан, ўз ҳукмдорига қарши бош кўтарган тоифадир.

Мазкур маъно тарихий манбаларда уч хил шарҳланган. Уларга кўра хорижийлар:

Али ибн Аби Толиб (р.а.)га қарши бош кўтарган тоифа.

661-750 йиллар давомида ҳукм сурган Уммавийлар салтанатига қарши ички урушларни олиб борган гуруҳлар.

Умумий маънода, барча раҳбарларга қарши курашган оқимлар.

Мазкур ҳар учала тавсиф ҳам бир-бирини тўлдиради.

Иккинчиси, “хорижий” сўзи араб тилидаги “хаража ан” бирикмасидан олинган бўлса, “–дан чиқмоқ” маъносини англатиб, бирор жойдан ёки ҳолатдан чиқишни билдиради. Демак, хорижийлар мусулмонлар жамоасидан ажралиб чиққан гуруҳдир.

Биринчи ва иккинчи таърифлар бирлаштирилса, қуйидаги мазмун ҳосил бўлади: «Хорижийлар – мусулмонлар орасидан ажралиб чиқиб, раҳбарларга қарши бош кўтарган оқимдир».

Хорижийлар суннийликдан ажралиб чиқишда асосан икки масалада “Аҳли сунна вал-жамоа”га зид қарашларни илгари сурдилар. Бинобарин, хорижийлик таълимоти назарий жиҳатдан икки асосга қурилган:

1. Гуноҳкор инсонни кофирга чиқариш. Масалан, улар Пайғамбар (а.с.) жаннатий деб башорат берган Али (р.а.)ни ва уларнинг иддаоларини қабул қилмаган бошқа саҳобаларни ҳам кофирга чиқардилар.

2. Золим раҳбарга қарши бош кўтаришни вожиб деб билиш. Бунда унинг золим ёки золим эмаслигини ўзларича ҳал қилишган. Масалан, улар Али ибн Али Толиб ва Муовия ибн Аби Суфён (р.а.)га қарши кураш эълон қилдилар. Ваҳоланки, бу икки саҳоба ўз даврининг мухтарам инсонларидан эди.

Юқоридаги сўзлар, фикрлар ва таърифлар куйидаги тарихий ҳодиса билан боғлиқдир. 657 йилда мусулмонлар ўртасида ҳокимият масаласида юзага келган илк ихтилофлардан бири “таҳким” воқеаси билан тугади. “Таҳким” ҳукм чиқариш маъносини англатади. Бу воқеада ўзаро ихтилоф қилган икки тараф орасидан ҳакамлар сайланиб, уларнинг келишуви орқали барчани бирлаштирадиган умумий ҳулосага келинди. Бир томондан Абу Мусо ал-Ашъарий, иккинчи томондан Амр ибн Ос ҳакамлик қилган ушбу воқеада, Али ва Муовия (р.а.) ўрталарида ягона битим юзага келди. Унга кўра Али ибн Аби Толиб Куфада, Муовия ибн Аби Суфён Шомда ҳукмронлик қиладиган бўлди. Таъкидлаш жоиз, мана шу ҳодиса тарихий асарларга “Таҳким воқеаси” номи билан кирди. Бу ҳодисадан кейин суннийликдан икки йўналиш – хорижий ва шиа йўналишлари ажралиб чиқди. Хорижийлар Али ибн Аби Толибнинг битимга қўшилганига норозилик билдирдилар, шиалар унинг тарафини олишда ҳаддан ошиб кетдилар. Хорижий тоифаси ҳакамларнинг келишиб ҳукм чиқаришидан қаттиқ норози бўлиб, “ҳукм фақат Аллоҳга хос”, яъни бандаси ҳукм қилиши мумкин эмас, деган фикрда турди. Бир томондан қаралганда, инсонлар устидан фақат Яратган Парвардигор ҳукм чиқаради, ҳеч ким бировга “сен ундоқ, оқибатинг мундоқ” деб, ўзича тамға ёпиштиришга ҳақи йўқ. Аммо хорижийларнинг мақсади бундай эмасди. “Ҳукм Аллоҳга хос” дейишларидан мақсад бирдамлик эмас, балки жанжал чиқариш ва қонли ихтилофга йўл очиш эди. Уларнинг ғаразларини англаган Али ибн Аби Толиб (р.а.) асрлар давомида бузғунчи оқимларнинг асл қиёфасини очиб берадиган ва бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган машҳур иборани айтди: “Ботил мақсадларни кўзлаган ҳақ сўз!”

Мутаассиб оқимлар турли шиорларни ўзларига байроқ қилиб оладилар. Дунёни адолат ва фаровонликка тўлдиришни, кишиларни эса тўғри жаннатга элтишларини эълон қиладилар. Бу ваъдалар фақат мол-дунё

тўплаш ва ҳокимиятни қўлга олиш каби ғаразли мақсадлар йўлидаги иддаолар эканини тарих ва замон такрор-такрор исботламоқда.

Хорижийлар Али ибн Аби Толибга қарши бош кўтариш билан кифояланмадилар. Балки, ҳакамларнинг келишувига рози бўлганларни кофирга чиқариб, ўлимга ҳукм қилдилар. Оқибатда, кўплаб кишилар, ҳатто аёллар ва болалар шафқатсизларча қатл қилинди. Халифа Али бу ҳолатга чидаб тура олмади: хорижийларга Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) каби саҳобаларни юбориб, уларни тўғри йўлга чақирди. Яна бир машҳур саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) ҳам уларга насихат қилди. Аммо бу ҳаракатлар зое кетиб, исёнчилар ҳаддан ошиб, инсонларга зуғум қилишда давом этаверганидан кейин Али уларга қарши ўз қўшини билан жангга кириб, Кўфа яқинидаги Ҳаруро қишлоғида тўпланган 12 мингга яқин хорижийнинг деярли барчасини кириб ташлади. Хорижийлардан 8 ёки 9 кишигина қочиб қутулди. Эътиборли жиҳати, Али ибн Аби Толиб бундай бузғунчилик қайта содир этилмасин, деган мақсадда ўлдирилганларни жанозасиз кўмишга буюрди.

Буюк фақиҳ Бурҳониддин Марғиновий ўзининг машҳур “Ҳидоя” китобида “Йўлтўсарлик қилган ва раҳбарга қарши бош кўтарган тоифадан бирортаси вафот этса, унга жаноза ўқилмайди” деган ҳукмни баён қилиб, Али (р.а.)нинг хорижийларга жаноза ўқимаганини исбот сифатида келтирган.

Таниқли ислом уламолари бугунги кунда дунёда ислом номидан унга доғ туширишга уринаётган, ўзларини “чин мусулмон” дея атаб, бошқаларни кофирга чиқариб, уларга қарши кураш эълон қилган барча экстремистик гуруҳларни ҳар хил ном билан эмас, балки “хорижийлар” деган ягона исм билан аташ ғоясини илгари сурганлар.

1.3. Шиаликнинг келиб чиқиши

Шиа сўзи луғатда, «тарафкаш» маъносини англатади. Истилоҳий маънода шиа – Али ибн Аби Толиб ва унинг авлодларини барчадан устун қўйиш оқибатида мусулмонлардан ажралиб чиққан йўналиш ҳисобланади.

Илк даврида суннийликдан фақат раҳбарлик масаласидагина фарқ қилган шиалик, бора-бора ақидавий ва фикҳий масалаларда ҳам ундан ажралиб алоҳида йўналишга айланди. Шиалик таълимоти суннийликдан қуйидаги масалаларда фарқ қилади:

Имомат – шиалик бўйича мусулмонларга фақат Али (р.а.) ва унинг авлодларидан бўлган диний арбоб раҳбар бўлиши мумкин.

Исмаат – шиалар ўз имомларини бегуноҳ, маъсум деб ҳисоблайдилар. Суннийлик бўйича маъсумлик инсониятдан фақат пайғамбарларга хос ҳисобланади.

Илҳом – шиалар ўз имомлари ҳақида улар Қуръони каримнинг бошқалар билмаган ботиний маъносини ҳам билади, бу маъноларни имомларимизга Аллоҳ илҳом қилади, илҳом орқали улар жуда кўп илмларни англайдилар, деган фикрдалар.

Ғайбат – шиалар ўзларининг сўнгги имомлари Маҳдийи Мунтазарни ғойибона оламга кетган ва айни пайтда тирик, деб эътиқод қиладилар.

Раҷъат – шиа тоифаси ғайб оламига кетган Маҳдийи Мунтазар вақти келиб, албатта қайтади, деб ҳисоблайди ва доимо сўнгги унинг қайтишига умид билан ҳаёт кечиради.

Васият – Пайғамбар (а.с.) ўзидан сўнг Али (р.а.) халифа бўлишини васият қилган деб ҳисоблайдилар ва шунинг учун ҳам ўз имомларини “авсиё”, яъни васият қилинганлар деб улуғлайдилар.

Ғадир куни – шиаларга хос байрам бўлиб, бу кунда уларнинг эътиқоди бўйича Муҳаммад (а.с.) ўзидан сўнг Али ибн Аби Толибни халифа қилиб тайинлаган.

Тақия – ўз эътиқодини беркитиш, ошкор қилмасликни муҳим амал деб биладилар. Улар “кимнинг тақияси бўлмаса, унинг дини ҳам йўқ”, деб ҳисоблайдилар.

Мутъа – вақтинчалик никоҳни жоиз ва савобли деб биладилар.

Мотам – ҳар йили Муҳаррам ойининг 10 кунда 49/ 680 йилда Ироқнинг Карбало даштида ҳалок бўлган Имом Ҳусайн ибн Алига мотам тутадилар. Бугунги кунда шиалар учун одатий бўлиб қолган ушбу маросим, замонавий адабиётда “шахсей-вахсей” номи билан юритилади. Бу сўз семантик жиҳатдан “Оҳ, Ҳусайн, воҳ, Ҳусайн” деб фарёд урилишининг ўзгарган шаклидир.

Шиалик Пайғамбардан сўнг Али ибн Аби Толиб раҳбар бўлиши керак деган даъво асосида юзага келган бўлса-да, тарихий манбаларда қайд этилишича, Али ибн Аби Толиб (р.а.)нинг ўзи бу ҳолатдан беҳабар бўлган. Бинобарин, мазкур йўналиш сиёсий тарафкашлик сабабли юзага келганини таъкидлаш жоиз.

Асосий таянч тушунчалар:

Исломдаги йўналиш – муайян эътиқодий масала асосида бирлашган мусулмонлар мажмуасидир.

Суннийлик йўналиши – суннатга ва жамоага эргашувчиларни англатади.

Суннийлик йўналишига **мотуридия** ёки **ашъария** ақидавий таълимотига ҳамда тўрт фикҳий мазҳаб: **ҳанафий**, **моликий**, **шофеий** ва **ҳанбалий** мазҳабларидан бирига эргашувчилар киради.

657 йилда мусулмонлар ўртасида ҳокимият масаласида юзага келган илк ихтилофлардан бири, “**тахжим**” воқеаси билан боғлиқ. “**Таҳжим**” ҳукм чиқариш маъносини англатади. Бу ҳодисадан сўнг суннийликдан икки йўналиш– хорижийлик ва шиалик ажралиб чиқди.

Хорижийлар – мусулмонлар орасидан ажралиб чикиб, раҳбарларга қарши бош кўтарган оқимдир. Хорижийлар **асосан икки масалада**, яъни

гуноҳкор мусулмоннинг ҳукми ва раҳбарга итоат масаласида, “Аҳли сунна вал-жамоа”га зид қарашларни илгари сурдилар.

Шиа сўзи луғатда, «тарafkaш» маъносини англатади. Истилоҳий маънода шиа – Али (р.а.) ва унинг авлодларини барчадан устун қўйиш оқибатида мусулмонлардан ажралиб чиққан йўналиш ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Ислomдаги йўналишлар деганда нима тушунилади ва нечта йўналиш мавжуд?
2. Суннийлик моҳияти нимада ва унинг асосий тамойиллари қайсилар?
3. Суннийликка қайси таълимот ва мазҳаблар киради?
4. Суннийликдан икки йўналиш ажралиб чиқишига сабаб бўлган воқеа қандай номланган ва у ҳақда нималарни биласиз?
5. Хорижий сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари қандай?
6. Хорижийлик қандай асосда бирлашган йўналишдир?
7. Шиа атамаси қандай маъноларга эга?
8. Шиаликнинг асосий тамойили нимадан иборат?
9. Бугунги кунда хорижий атамасини кимларга нисбатан ишлатиш мумкин?
10. Олимлар иттифоқига кўра тўғри йўлни тутган дея эътироф қилинган йўналиш қайси?

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. : Ўзбекистон, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрири. – Т.: Адолат, 1998.
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. Хуснидинов З., Абдусатторов А. Ислондаги оқимлар: хорижийлар ва шиалик. Ўқув-услубий қўл. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002.
7. Жўзжоний А. Ислон ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Ўқув қўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002.
8. Абдулвахҳоб Халлоф. Усулул фикҳ : ислом қонунчилиги асослари. – Т.: Мовароуннаҳр, 1999.
9. Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий. Сунани Термизий. – Т.: Адолат, 1999.
10. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ҳадисларнинг биз англаган ва англамаган ҳикматлари. Таржимон: И.Усмонов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2006.
11. Абдуллаев А.Ғ. Қуръоншунослик. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.
12. Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2008.
13. Мансуров А. ва бошқ. Ҳадис илми сабоқлари. Ўқув қўл. – Т.: Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.
14. Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим Ал-Бурсавий. Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди. Масъул муҳаррир ва сўнгсўз муал.: Ҳожи Сайфиддин Сайфуллоҳ. – Т.: Мовароуннаҳр, 1999.
15. Абдулкарим Шаҳристоний. Ал-милал ван-ниҳал. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992.
16. Абдулқоҳир Бағдодий. Ал-фарқ байнал-фирақ. – Байрут: Ал-Мактаба ал-асрия, 1996.

2-БОБ. ИСЛОМДАГИ МАЗҲАБЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

- 2.1. Фикҳ илмининг таракқий этиши
- 2.2. Ислом фикҳи асослари
- 2.3. Ижтиҳод ва мужтаҳидлар
- 2.4. Мазҳабларнинг юзага келиши
- 2.5. Фикҳий мазҳабларга эргашиш ва мазҳабсизликдан сақланиш зарурати

2.1. Фикҳ илмининг таракқий этиши

Исломда мазҳабларнинг юзага келиши бу бевосита фикҳ тарихи билан боғлиқ. “Фикҳ” сўзи луғатда “тушуниш”, “фаҳмлаш” маъносида бўлиб, илм (яъни, билиш)дан кўра чуқурроқ маънони англатади. Унинг луғавий маъноси “бирор нарсани унинг нозик жиҳатларигача тушуниш, англаб етиш”ни билдиради.

Истилоҳда эса фикҳ шаръий далиллардан фаръий ҳукмлар чиқаришни англатади. Шаръий далиллар деганда Қуръони карим ва ҳадиси шариф тушунилади. Фаръий ҳукмлардан мурод эса ибодот ва муомалотга оид ҳукмлардир. Содда ифода этганда, Қуръон оятларида ёки ҳадисларда муайян ишни қилиш ёки қилмаслик баён қилинса, фикҳ мазкур ишни қандай қилиб, қандай ҳолат ва суратда бажариш лозимлигини шарҳлайди. Масалан, исломнинг беш аркони имон, намоз, рўза, закот ва ҳаж ҳақида Қуръонда оятлар бор. Лекин, уларга оид ҳукмлар, хусусан, намоз неча ракаат, рўзанинг суннатлари қайси, закотни адо қилишда ният шартми шарт эмасми, ҳажнинг фарзлари неча каби саволларга фикҳ илми орқали жавоб топилади. Бу илм билан шуғулланган олимлар фақиҳлар деб аталади.

Фақиҳ – фикҳ илми билимдони, шариатнинг моҳиятини англаган ва бошқаларга тушунтириб бера оладиган олим. Зеро, яна бир таърифда: “Фикҳ – бу Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.) орқали нозил қилган шариатни теран фаҳмламоқдир”, дейилган.

Фикҳ илмининг ривож — бу бевосита ислом дини тарихи билан боғлиқдир. Муҳаммад (а.с.) даврида кишиларда бирор ҳукм борасида савол туғилса, у зотга мурожаат қилар эдилар. Пайғамбар бу саволга жавоб берар экан, юзага келган масалаларни ҳал қилиш йўллари ҳақида ўз саҳобаларига таълим берган. Бу борада қуйидаги машҳур ҳадис ривоят қилинган: “Муҳаммад (с.а.в.) Муоз ибн Жабал (р.а.)ни Яманга юбораётганида ундан сўради:

“Агар сен бирор масалани ҳал этишинг лозим бўлса, қандай қилиб ҳукм чиқарасан?”, Муоз : “Аллоҳнинг китоби ила ҳукм чиқараман” деди.

– Аллоҳнинг китобидан ҳукм топа олмасангчи?

– Расулуллоҳ суннати ила ҳукм чиқараман.

– Расулуллоҳ суннатидан ҳам топа олмасангчи?

– Масалани ҳал этиш учун ўз раъйим-тафаккурим билан бор салоҳиятимни ишга солиб ҳаракат қиламан, лекин тўхтаб қолмайман.

Шунда Муҳаммад (с.а.в.): “ Расулуллоҳ элчисини Аллоҳ ва унинг расули рози бўладиган нарсага муваффақ қилган Аллоҳга ҳамду сано бўлсин”, деди.

Мазкур ҳадисдан кўриниб турибдики, илк ислом даврида фикҳ илмига тарғиб ва ташвиқ қилинган. Шу ўринда ислом шариатида масалалар асосий шаръий манбалар бўлмиш Қуръон ва ҳадис асосида, агар бу икки манбада жавоб очик баён қилинмаган бўлса, унда раъй ва ижмоъ, яъни тафаккур ва кўпчилик фақиҳларнинг биргаликда яқдиллик билан қабул қилган қарори орқали ҳал этилишига эътибор қаратиш зарур. Бинобарин, фикҳ илмида асосий манбалар билан бирга рационал тафаккурга ҳам кенг эътибор берилган.

Саҳобалар бир шаҳарда фаолият юритмай, турли ўлкаларга тарқалиб кетганлар. Оқибатда фикҳ илми ҳам турли ўлкалар шароитида, турлича тараққий этган. Шариатнинг асосий манбаларида аниқ баён қилинган масалаларда барча фақиҳлар яқдил бўлишган. Лекин раъй ва қиёс орқали ҳукм чиқарганда, албатта, бири-биридан олисда, турли иқлим ва шароитларда фаолият юритган фақиҳларнинг чиқарган фатволари фарқли бўлиши табиий.

Пайғамбар (а.с.)дан кейин саҳобалар даврида фикҳ илми ривож топди. Лекин, саҳобаларнинг адади машҳур ривоятга кўра юз минг экани, уларнинг орасида ҳам бошқалардан кўра фикҳни яхши билувчилари танилгани ва бирор савол туғилиб қолса мазкур фақиҳ саҳобаларга кўпчилик мурожаат қилганини қайд этиш ўринли. Масалан, саҳобалар орасида “Абодилаи арбаъа”, яъни “Тўрт Абдуллоҳ” номи билан танилган фақиҳлар алоҳида эҳтиромга сазовор бўлган. Улар Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (р.а.)лар эди. Ёки хулафои рошидиндан Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг бошқа саҳобаларга нисбатан илмда устунлиги нақл қилинган. Умар ибн Хаттоб ва Усмон ибн Аффон (р.а.)лар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Али ибн Аби Толибнинг илмда моҳир экани ҳақида эса Умар ибн Хаттоб: “Агар Али бўлмаганида Умар ҳалок бўлар эди”, дея эътироф этгани маълум. Саҳобалар адади кўп бўлса-да, лекин уларнинг орасида баъзилари фикҳ борасида алоҳида танилиб, бошқалар шу саҳобаларга мурожаат қилганлари тарихий манбаларда ўз ифодасини топган.

Саҳобалардан сўнг уларнинг издошлари бўлмиш тобеинлар даврида ҳам фикҳ илми ривож топди. Айнан шу даврда турли ўлкаларда илк фикҳ мактаблари юзага келди. Бу, ўз навбатида, ислом динида бир қанча фикҳий мазҳабларнинг шаклланишига олиб келди.

2.2. Ислом фикҳи асослари

Ислом фикҳининг бирламчи тўрт асоси борасида уламолар иттифок қилганлар:

1. Қуръони карим. Бу Аллоҳ таолонинг ўз пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)га нозил қилган китобидир. Ҳар бир фақиҳ бирор нарсанинг ҳукми қандай эканини билмоқчи бўлса, аввало, Қуръонга мурожаат қилади. Ундаги мавжуд ҳукми ҳеч иккиланмай қабул қилади.

2. Суннат. Муҳаммад (с.а.в.)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари ва тақрирларидир. Расулуллоҳнинг ҳузурида биров бирон ишни қилган бўлса ва унга эътироз билдирмаган бўлсалар, “тақрир” дейилади.

3. Ижмоъ. Бир даврда яшаб ижтиҳод даражасига етган уламоларнинг муайян масалани яқдиллик ила қабул қилишларига “ижмоъ” дейилади.

4. Қиёс. Бирон бир масаланинг жавоби топилмаса, уни ўзига ўхшаш бўлган ҳамда Қуръон ва ҳадисда ечими аниқ баён қилинган масалага солиштириш орқали ҳукм чиқариш қиёс, деб аталади. Ушбу эслатилган тўрт асосий манбадан ташқари фақиҳлар суянадиган қўшимча манбалар ҳам бор.

Эътибор берилса, фикҳ соҳасининг тўрт жиҳати борлигини англаш мумкин.

Биринчи жиҳат — бу фикҳнинг манбалари, асослари. Яъни, Қуръони карим, ҳадиси шариф, ижмоъ ва қиёс.

Иккинчи жиҳат — бу мана шу манбаларни яхши ўзлаштирган, уларнинг маъноларини пухта англаган фақиҳлардир.

Учинчи жиҳат — фақиҳларнинг оят ва ҳадисларни изоҳлаб бериши орқали юзага келган фатво ва ҳукмлар. Масалан, дунёга машҳур “Ҳидоя” асари ана шундай масалалар тўпламидир. Ёки “Мухтасар”, “Ибодати исломия” сингари шаръий масалалар содда ва равон баён этган асарларни бу борада мисол қилиб келтириш мумкин.

Тўртинчи жиҳат – ҳар бир мусулмон учун зарур бўлган фикҳий билим ва кўникмани ҳосил қилишдир. Яъни, оммага тегишли ҳолат. Инсон қайси ишни қилиш ёки қилмаслик лозимлигини билиши, фойда ва зарарни ажрата олиши бу фикҳдир. Имом Аъзам (р.х.) бу тўғрида шундай деган: “Фикҳ бу инсон ўз нафси учун фойдали ва зарарли ҳолатларни билиб олишидир”. Кейинчалик унинг шогирдлари бу таърифга “амалий жиҳатдан” деган иборани қўшдилар. Сабаби, илк ислом даврида фикҳ деганда ақида, тафсир, ҳадис, фароиз ва ҳоказо шариат илмларининг барча соҳалари биргаликда тушунилар эди. Вақт ўтиши билан ҳар бир соҳа алоҳида ёндашув заруратини тақозо қилганидан фикҳ бошқа шаръий билимлардан ажралиб чиқди. Шунинг учун ҳам Имом Аъзамнинг фикҳ илмига берган таърифига шогирдлари “амалий жиҳатдан” деган иборани қўшдилар. Оқибатда “фикҳ” истилоҳи фақат амалий ҳукмларгагина ишлатила бошлади. Аллома Ибн Халдуннинг таърифида ҳам бу мазмун яққол намоён: “Фикҳ мукаллаф бандаларнинг амалларига тааллуқли бўлган Аллоҳнинг вожиб, мамнуъ, мустаҳаб, макруҳ ва мубоҳ каби ҳукмларини билмоқдир”. Кўриниб турибдики, фақиҳлар баён этган фикҳий масалалар асосан уч турга бўлинади:

биринчиси – мусулмон киши амал қилиши лозим бўлган ҳамда эвазига савоб ваъда қилинган ҳукмлар. Улар фарз, вожиб, суннат ва мустаҳаб кабиларга бўлинади;

иккинчиси – мусулмон киши сақланиши лозим бўлган, агар қилса, гуноҳ ва уқубатга сазовор бўладиган ҳукмлар. Улар ҳаром, макруҳ ва муфсид кабиларга бўлинади;

учинчи тур – мубоҳдир. Бу турга кирувчи ишларни қилиш ва қилмаслик баробардир. Бинобарин, мубоҳга савоб ҳам, гуноҳ ҳам йўқ.

2.3. Ижтиҳод ва мужтаҳидлар

Маълумки, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларнинг адади чегараланган. Ҳаётда содир бўладиган турли муаммолар, юзага келадиган ҳар хил саволлар саноғи эса чегараланмаган. Демак, ҳар бир масалага оят ёки ҳадисдан тўғридан тўғри жавоб топиш мушкул. Шунинг учун Қуръон ва ҳадисда ечими бевосита баён қилинмаган масалаларда фикҳ илми олимлари – фақиҳлар учун ижтиҳод қилишга рухсат қилинган.

“Ижтиҳод” сўзи луғатда бирор мақсадга эришиш йўлида бор имкониятни сарфлаш маъносини билдиради. Ижтиҳоднинг истилоҳий маъноси фақиҳнинг бутун салоҳиятини Қуръон ва ҳадисда ҳукми аниқ-равшан баён қилинмаган масаланинг ечимини топишга сарфлашини англатади. Масалан, Қуръони каримда савдо-сотик ҳақида саноқли оят келган. Бу борадаги ҳадислар сони ҳам кўп эмас. Бироқ, олди-сотди масалаларга бағишланган алоҳида китоблар тасниф этилган. Юзага келган минглаб саволларга жавоб берилган. Савдо ҳақида ислом манбаларида далилларнинг кўп эмаслиги эътиборга олинса, олимларнинг ижтиҳоди орқали кўп масалаларга ечим топилганини эътироф этиш мумкин.

Ижтиҳод қилувчи олимга «мужтаҳид» дейилади. Ҳар бир олим ҳам мужтаҳид бўлавермайди. Балки мужтаҳид илмнинг камида бешта соҳасини мукаммал билиши зарур бўлади:

1. Қуръони карим оятларини, уларнинг маънолари ва нозил бўлиш сабабларини энг нозик жиҳатларигача ёддан билиши.
2. Ҳадиси шарифларни, уларнинг маъно-муродлари ҳамда ровийлари билан ёддан билиши.
3. Саҳоба ва тобеинлар ҳамда ўзидан олдин ўтган мужтаҳид олимларнинг фатволарини яхши билиши.
4. Қиёс илмини яхши билиши.
5. Араб тилини мукаммал билиши.

Бу талаблар мужтаҳидликнинг энг қуйи мартабаси учун қўйилган. Айрим манбаларда мужтаҳид даражасига етиш учун илмнинг ўн икки хил соҳасини билиш зарур дейилган. Бунда нафақат диний, балки дунёвий билимлар ҳам назарда тутилган. Масалан, машҳур “Ҳидоя” асарининг таҳорат китобида инсон бурнидан келадиган суюқлик икки турга бўлиниши, биринчи тури миядан келиши, иккинчи тури кўкракдан келиши ҳамда бу суюқликларнинг қайси бири таҳоратни кетказиш-кетказмаслиги тўғрисида баҳс боради. Демак, мазкур масалада мунозара қилган фақиҳлар инсон танасида келадиган ўзгаришлардан, бошқача ифода этганда, бугунги кундаги анатомия, биология каби фан соҳаларидан хабардор бўлганлар. Шунингдек, қиблани топиш, ой кунларини аниқлаш учун астрономияни, мерос масалаларини ҳал этиш учун математикани билиш керак бўлган. Ал-Хоразмий Қуръондаги меросга оид масалаларни ечиш юзасидан ҳисоб-китоб олиб бориб, алгоритмга асос солгани ҳақидаги маълумот барчага яхши танишдир.

Ўтмишда ўтган ҳар бир мужтаҳид ўзи яшаётган диёр шарт-шароитини ҳам яхши билган ва бу муҳит унинг фатволарида ўз аксини топган. Шунинг учун турли диёрлардаги мужтаҳидларнинг баъзи масалалар бўйича берган фатволари ҳам бир-бирига ўхшаш бўлмаган. Масалан, Имом Шофеий (р.х.) Ҳижозда яшаётганида бир фатвони берган бўлса, Мисрга борганидан сўнг у ердаги шарт-шароит тақозосидан келиб чиқиб, бошқача фатво берган. Ёки бир масала бўйича Ироқда яшаган Имом Абу Ҳанифа (р.х.) билан Мадинада яшаган Имом Молик (р.х.)нинг фатволари бир биридан фарқ қилган. Ҳар бир мусулмон ислом ҳукмларига ўз диёрларидаги мужтаҳидларнинг фатволарига мувофиқ амал қилган. Шу йўл билан фикҳий мазҳаблар юзага келган.

2.4. Мазҳабларнинг юзага келиши

Мазҳаб сўзи арабча “йўл, йўналиш” маъносини билдириб, истилоҳда эса “бирор диний масала бўйича муайян мужтаҳид олимнинг фатвосига эргашиш” маъносини билдиради. Илк ислом даврида мазҳаблар кўп бўлган. Аммо вақт ўтиши билан улардан тўрттаси: ҳанафий, моликий, шофеий, ҳанбалий мазҳаблари ажралиб чиққан. Бу тўрт мазҳаб икки ақидавий таълимот: мотуридия ва ашъария билан биргаликда “Аҳли сунна вал жамоа” деб аталадиган суннийлик йўналишини ташкил этади.

Тўртинчи ҳижрий асргача кўплаб мужтаҳидлар фаолият олиб борган, ҳар бирининг ўзига хос услуби, йўналиши бўлган ва кўпларининг ўз мазҳаблари бўлган. Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад аш-Шаъроний (ваф. 973/1565) ўзининг “ал-Мийзан аш-шаъронийя” асарида қуйидаги мазҳабларни зикр қилган:

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) (ваф. 32/653) мазҳаби.

Оиша (р.а.) (ваф.58/678) мазҳаби.

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) (ваф. 73/692) мазҳаби.

Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакам (ваф. 101/720) мазҳаби.

Мужоҳид ибн Жобир (ваф. 104/722) мазҳаби.

Шаъбий (ваф. 103/721) мазҳаби.

Ато ибн Абу Рабоҳ (ваф. 114/732) мазҳаби.

Ал-Аъмаш Сулаймон ибн Меҳрон (ваф. 148/765) мазҳаби.

Имом Аъзам (ваф. 150/767) мазҳаби.

Суфён ас-Саврий (ваф. 161/778) мазҳаби.

Имом Лайс ибн Саъд (ваф. 175/791) мазҳаби.

Имом Молик (ваф. 179/795) мазҳаби.

Суфён ибн Уяйна (ваф. 198/814) мазҳаби.

Имом Шофеий (ваф. 204/820) мазҳаби.

Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Роҳавайҳ (ваф. 238/852) мазҳаби.

Имом Аҳмад (ваф. 241/855) мазҳаби.

Имом Довуд (ваф. 270/884) мазҳаби.

Муҳаммад ибн Жарир Табарий (ваф. 310/923) мазҳаби.

Ушбу мужтаҳидлар асос солган мазҳабларнинг ҳаммаси ҳам ўз вақтида амалда бўлган. Лекин вақт ўтиши билан муайян омилларга кўра уларнинг орасидан тўрт мазҳаб ажралиб чиқди. Тўрт мазҳаб сақланиб қолишининг асосий сабаби бу мазҳаблар таълимотлари бошқа мазҳаблардан кучлироқ экани эмас, балки тўрт мазҳаб бошқа ўн тўрт мазҳаб таълимотини ҳам қамраб олганидир. Масалан, ҳанафий мазҳабининг шаклланишида Абдуллоҳ ибн Масъуд мазҳабининг таъсири кўзга ташланади. Зеро, Абдуллоҳ ибн Масъуд Куфада асос солган фикҳий мактабни унинг шогирди Алқама давом эттирди. Алқамадан Иброҳим Наҳаъий, Наҳаъийдан эса Ҳаммод ибн Аби Сулаймон фикҳ илмини ўрганди. Ҳаммод ибн Аби Сулаймоннинг энг яқин ва асосий шогирди сифатида Имом Аъзам танилди.

Имом Аъзам фикҳ илмини ўрганган устозлари қаторида Умар ибн Хаттоб издошларини зикр этган. Демак, Абу Ҳанифа мазҳаби ўзида Ибн Умар мазҳабини ҳам акс эттирган, деган хулосага келиш ўринли. Имом Молик Нофеъдан, Нофеъ Абдуллоҳ ибн Умардан, Ибн Умарнинг Расул алайҳиссаломдан ривоят қиладиган ҳадислар санади муҳаддислар томонидан “Олтин санад” дея эътироф этилган. Бундан Имом Молик ва Абдуллоҳ ибн Умар мазҳаблари ўртасида ўзига хос боғлиқлик мавжуд бўлгани келиб чиқади. Имом Шофеий ёшлигида Суфён ибн Уяйнанинг илмий мажлисларида иштирок этгани маълум. Шу тарзда мазҳаблар орасидаги боғлиқлик ва ўхшаш жиҳатлар ҳақида кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Ибн Ражаб ал-Ҳанбалий (ваф. 795/1393) ўзининг “Тўрт мазҳабни инкор қилувчиларга раддия” асарида кўплаб мазҳаблар орасидан айнан тўрт мазҳаб сақланиб қолганини Қуръони каримнинг етти қироатидан фақат биттаси қолганига ўхшатади. Маълумки, Пайғамбар (а.с)га Қуръони карим

етти хил лаҳжада нозил бўлган. Кейинчалик ислом дини атрофга кенг ёйилиб, мусулмонларнинг сони ортиб борди ва қироат борасида улар ўртасида баъзи ихтилофлар келиб чиққач, Усмон ибн Аффон (р.а.) етти қироатдан фақат биттасини қолдиришга қарор қилди. Оқибатда бугун ер юзи мусулмонлари Қуръонни фақат бир қироатда ўқийдилар. Демак, кўплаб мазҳаблар орасидан фақат тўрттасининг сақланиб қолгани асрлар давомида инсонларни турли зиддиятлар ва ихтилофлардан ҳимоя этишда асос бўлган.

2.5. Фикҳий мазҳабларга эргашиш ва мазҳабсизликдан сақланиш зарурати

Мусулмонларнинг орасида ҳидоят йўлидан адашмаган, мўътадил ва бағрикенг, мусавффо эътиқодли, покиза диёнатли, Алишер Навоий таъбири билан айтганда “дили поку, тили пок” йўналиш сифатида айнан суннийлик эътироф этилган. Зеро, дил ва тил бирлиги суннийлик асосини ташкил этади. Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, мусулмон киши дунё в охират саодатига эришмоғи учун ақидада ҳам, фикҳда ҳам суннийликдаги бирон-бир мазҳабга мансуб бўлмоғи зарур экан. Лекин, ҳамма ҳам бу ҳақиқатни бирдек тан олмайди. Тарихда ҳам, ҳозирда ҳам мусулмонларни турли адашган фирқаларга чорлаш ҳолатлари учраб тургани, бу ҳолат ҳатто мазҳабларни инкор қилишга олиб келгани маълум. Шунинг учун исломнинг моҳиятини тўғри англаган олимлар, таъбир жоиз бўлса, соҳанинг забардаст мутахассислари тўрт мазҳабдан бирига эргашиш лозим эканини таъкидлаганлар ва мазҳабларни инкор қилувчиларга илмий асосда раддиялар берганлар. Хусусан, суриялик машҳур олим Муҳаммад Саид Рамазон Бутий “Мазҳабсизлик – ислом шариатига таҳдид солувчи энг катта бидъат” дея таъкидлаб, мазкур муаммога бағишланган алоҳида асар таълиф этган. Олим бу асарида мазҳабсизликни динсизликка олиб боровчи кўприк, дея баҳолаган. Сабаби, ислом динининг моҳияти унинг

мазҳабларида ифодалаб берилган. Мазҳабсизлик – исломнинг асл таълимотидан узоқлашиш бўлиб, диннинг асл таълимотидан йироқ бўлиш, оқибатда шу диндан жудо бўлишга олиб бориши маълум.

Олимлар ва фақиҳларнинг асрлар давомида Қуръон ҳамда суннат маъноларини оммага тушунтириб бериш йўлидаги тинимсиз меҳнатлари сабаб мазҳаблар, яъни ислом таълимотидаги асосий йўналишлар юзага келди. Мазҳаблар моҳияти ва аҳамиятини мантиқ ҳамда тафаккур асосида қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Темирдан асбоб-ускуна яшашни бошлаган инсон, замонлар ўтиб бугун ундан самолёт ясамоқда ва самода саёҳат қилмоқда. “Талго” каби тезюар поездларда қисқа муддатда шаҳарлараро қатнамоқда. Энди бир одам шунча мутахассиснинг меҳнاتини инкор қилиб, мен ўз тафаккурим билан поезд ёки самолёт яшашни қайтадан кашф этаман ва олдингиларидан зўр қилиб, мутлақо бошқача шаклда ясайман, уларда ишлатилган технологияларнинг бирортасини ишлатмайман ҳамда ўзим ясаган жиҳоз билангина осмонга учаман ёки узоқларга қатнайман деса тўғри бўладими? Йўқ, албатта. Мазҳабларни инкор қилиш ҳам худди шунинг ўзи.

Тайёр пиширилган нонни емай, ҳар бир одам ўзи учун буғдой экиб, ўриб, тегирмондан ўтказиб, тандир қуриб, хамир қориб, нон ясаб, пишириб, ундан кейингина ейиши мантиқсиздир. Тоққа ҳамма бир йўлдан бориб қайтаверса-ю, кимдир қулай йўлни ташлаб, ҳаётини таҳликага қўйиб, тикка тепаликка ёлғиз ўзи ўрмалашни ўйлаши асоссиздир. Электрни қайтадан кашф қилиш ёки велосипедни қайта ихтиро қилишга ҳожат борми?!

Кўплаб олимлар йиллар давомида меҳнат қилиб, ислом таълимотини кишилар тушунадиган содда шаклда баён қилиб берсалар-да, кимдир буни инкор қилиб, ўзим йўл топмагунча бу олимлар йўлидан юрмайман ва Қуръон маънолари, ҳадиси шарифларнинг ҳукмлари каби ғоят серқирра ва пурмаъно манбалардан ўзим учун қайта фатво оламан, дейиши асоссиздир.

Зеро, дунёнинг таниқли олимлари суннийликдаги мазҳабларнинг ҳақ йўл эканига иттифоқ қилганлар ва уларнинг бу масалада яқдил фикрда экани бир ё икки эмас, ўн асрдан бери давом этиб келаётгани барчага маълум ҳақиқатдир. Энди, тўғри йўл қолиб, “ўзгача” йўлни “таклиф” қилаётганлар холис эмаслиги, албатта, уларда ғараз борлиги яққол кўзга ташланади.

Асосий таянч тушунчалар:

Фикҳ сўзи луғатда “тушуниш” маъносида бўлиб, илм (яъни, билиш)дан кўра чуқурроқ маънони англатади. Унинг луғавий маъноси бирор нарсанинг нозик жойларигача тушуниш, англаб етишни билдиради. Истилоҳда эса фикҳ шаръий далиллардан фаръий ҳукмлар чиқаришни англатади.

Фақиҳ – фикҳ илми билимдони, шариатнинг моҳиятини англаган ва бошқаларга тушунтириб бера оладиган олим.

Ижтиҳод – луғатда бирор мақсадга эришиш йўлида бор имкониятни сарфлаш маъносини билдиради. Ижтиҳоднинг истилоҳий маъноси эса фақиҳнинг бутун салоҳиятини Қуръон ва ҳадисда ҳукми аниқ - равшан баён қилинмаган масаланинг ечимини топишга сарфлашга англатади.

Ижтиҳод қилувчи олимга “**мужтаҳид**” дейилади. Мужтаҳид илмнинг камида бешта соҳасини – Қуръони карим маънолари, ҳадислар мазмуни, ўзидан илгари ўтганлар фатволари, қиёс ва араб тилини мукаммал билиши зарур.

Мазҳаб сўзи арабча “йўл, йўналиш” маъносини, истилоҳда эса бирор диний масала, муаммо бўйича муайян мужтаҳид олим фатвосига эргашиш маъносини билдиради.

Суриялик олим Муҳаммад Саид Рамазон Бутий “**Мазҳабсизлик – ислом шариатига таҳдид солувчи энг катта бидъат**” дея таъкидлаб, мазкур муаммога бағишланган алоҳида асар таълиф этган. Олим бу асарида мазҳабсизликни динсизликка олиб боровчи кўприк, дея баҳолаган.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Фикҳ сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноларини изоҳланг?
2. Шаръий далиллар деганда нималарни тушунасиз?
3. Фаръий ҳукм нима?
4. Фақиҳ атамаси кимларга нисбатан ишлатилади?
5. Ислом фикҳи асосларини ва уларнинг таърифларини баён қилинг?
6. Ижтиҳод атамаси қайси соҳага тегишли ва унинг маъноларини биласизми?
7. Мужтаҳид деганда кимни тушунасиз ва у қайси соҳаларни мукаммал билиши лозим?
8. Мазҳаб сўзининг маънолари ҳақида нималарни биласиз?
9. Мазҳаблар шаклланишининг илк даврида уларнинг сони қанча бўлган?
10. Мазҳаблар асосчилари ҳақида маълумот беринг?
11. Мазҳабсизлик нима ва у қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган

манба ва адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Абдулвахҳоб Халлоф. Усулул-фикҳ. – Т.: Мовароуннаҳр, 1999.
3. Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Ўқув қўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002.
4. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
5. Хуснидинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000.

6. Мухаммад Али ал-Кутб. Основатели четырех мазхабов. – Санкт-Петербург: ДИЛЯ, 2005.
7. Ирмияева Т. История мусульманского мира. От халифата до блистательной поры. – Челябинск: Урал LTD, 2000.
8. Абдулваҳҳоб Зоҳид. Ҳаёт ал-аимма ал-арбаъа. – Чонжу. Жанубий Корея,. 2003.
9. Муҳаммад Абу Заҳра. Тарих ал-мазаҳиб ал-исламия. – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1996

3–БОБ. АҚИДАВИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

3.1. Ақида ва калом ҳақида

3.2. Мотуридия

3.3. Ашъария

3.4. Мотуридия ва ашъария ўртасидаги фарқлар

3.1. Ақида ва калом ҳақида

“Ақида” сўзининг луғавий маъноси, араб тилидан таржима қилганда “бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш” маъносини англатади. Истилоҳий маънода “ақида” – “мусулмон киши ишониши ва тили билан иқрор қилиши зарур бўлган масалалар ҳақида баҳс юритадиган илмдир”.

Ақида илми Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, яхшилик ва ёмонликнинг Аллоҳ томонидан тақдирланиши ва ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишониш, шунингдек, Аллоҳнинг сифатлари, қазо ва қадар масалалари, қабр билан боғлиқ ҳолатлар, жаннат, дўзах, сирот кўприги, амалларнинг тарозида тортилиши каби охиратга оид масалалардан ҳамда раҳбарларга итоат, мусулмонлар ўртасида ўзаро оқибат, ўзга дин вакилларига муносабат сингари дунёвий мавзулардан таркиб топган.

Ақида илмининг турли номлари мавжуд: ақоид, эътиқод, калом, тавҳид, усулуд-дин каби. Булардан ташқари, замонавий тадқиқотларда мазкур илм соҳасининг илоҳиёт, илоҳиётшунослик, ислом назарияси, ислом мафкураси, ислом идеологияси каби номлари қўлланилади.

Исломнинг илк даврида ақида алоҳида фан сифатида шаклланмаган эди. Шунинг учун ҳам Имом Аъзам (р.х.) ўзининг ақида борасида ёзган китобига “Катта фикҳ” дея ном берган. Зеро, Абу Ҳанифа фикҳ илмини икки қисмга бўлган: “Ал-фикҳул-акбар”, яъни “Катта фикҳ” ва “Ал-

фикҳул-асғар”, яъни “Кичик фикҳ”. Бинобарин, дастлабки даврда эътиқодга оид масалалар ақида деб эмас, катта фикҳ деб аталарди. Шунингдек, ислом ҳуқуқшунослигига оид амалий ҳукмлар кичик фикҳ деб аталарди. Кейинчалик ақида соҳаси алоҳида ном билан ажралиб чиқди. Шундан сўнг фикҳ сўзи асосан амалий характер касб эта бошлади.

Ақиданинг алоҳида фан сифатида шаклланишига IX-X асрларда имон-эътиқод борасида юзага келган турли ихтилофлар ҳам муайян даражада таъсир кўрсатди. Мазкур давр олимлари олдида соф эътиқод билан бузғунчи ғояларнинг орасини ажратиб олиш ва бошқаларга ҳам тушунтириб бериш вазифаси кўндаланг бўлди. Мусулмон дунёсининг турли жойларида фаолият олиб борган мўътазилийлар, қадарийлар, жабарийлар каби оқимларнинг “аҳли сунна вал-жамоа”дан ажралиб чиқишига сабаб бўлган омил ҳам ақидавий масаладаги зиддият эди. Масалан, қадарийлар тақдир олдиндан белгиланган эмас қабилидаги кескин фикрлари сабаб, жабарийлар инсонда ҳеч қандай ирода эркинлиги йўқ, у Аллоҳнинг тақдирида нима ёзилган бўлса шуни адо қилади, деган қарашлари сабаб ажралиб чиқдилар ва ҳоказо кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Аҳамиятли жиҳати, бу оқимлар ўз ғояларини исботлаш учун нақлий далилларнинг бузилган талқинига ва ақлий далилларга суяндилар. Оқибатда кишилар ўртасида турли ихтилофлар кўпайиб кетди.

Оқимларнинг ақида борасидаги турли иддаоларига ҳам нақлий, яъни Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифлар, ҳам ақлий далилларга асосланиб раддия бериш асносида калом илми юзага келди. “Калом”сўзи араб тилидан таржима қилинганда “гап”, “жумла” маъноларини билдиради. Истилоҳий маънода “калом” – “ақидавий масалаларни нафақат нақлий, балки ақлий далиллар воситасида асослаб бериш”ни англатади. Калом илми билан шуғулланувчилар мутакаллимлар деб аталади.

Ислом илмлари турли соҳаларга бўлиниб, ўз навбатида ҳар бир соҳа мустақил фан сифатида шаклланганидан сўнг унда турли йўналиш ва

мактаблар юзага келди. Фикҳдаги йўналишлар «мазҳаблар» деб аталса, тасаввуфдаги йўналишлар «тарикатлар» деб аталди. Ақида илми соҳасидаги йўналишлар эса «таълимотлар» дея ном олган.

Суннийлик йўналишида иккита ақидавий таълимот мавжуд:

1. Имом Мотуридий асос солган мотуридия таълимоти
2. Имом Ашъарий асос солган ашъария таълимоти

3.2 Мотуридия

Имом Мотуридийнинг тўлиқ исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. Аллома таваллуд топган сана тарихий манбаларда аниқ зикр этилмаган. Аммо сўнгги тадқиқотлар натижасида Абу Мансур Мотуридийнинг таваллуди милодий 870 йилга тўғри келиши асослаб берилди. У мазкур санада Самарқанднинг Мотурид мавзеида туғилган. Ёшликдан илм-фанга қизиқиб, ўз юртидаги ҳанафий мазҳаби олимларидан таълим олди. Зеро, алломанинг устозлари силсиласи Имом Аъзамга бориб туташади:

Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёзий. Дастлаб, Имом Мотуридий ундан илм ўрганади, кейин эса иккаласи биргаликда Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жўзжонийдан таълим оладилар. Абу Бакр Жўзжоний илмни Абу Сулаймон Жўзжонийдан, у эса Имом Аъзамнинг машҳур шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан ўрганган.

Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий. Имом Мотуридийга устозлик қилган бу зот ўз даврида Рай шаҳрининг қозиси бўлган. Ибн Муқотил ар-Розий ҳам Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан таълим олган, шунингдек, машҳур муҳаддис Вакиъ ибн Жароҳдан ҳадис ривоят қилган. Мотуридийнинг мазкур устозидан Имом Бухорий ва Ҳаким Термизийлар ҳадис ривоят қилганлари эътиборлидир.

Имом Мотуридий яшаган даврда калом соҳасида турли фирқалар юзага келиб, уларнинг ўртасида ақидавий масалаларда кескин баҳслар, ихтилоф

ва зиддиятлар авжга чиққан эди. Устозларидан таълим олиб, илмда юксак чўққиларни забт этган Мотуридий ўз фаолиятини суннийлик таълимотини ҳимоя қилишга, исломнинг мусавффо ақидасини турли хуруж ва ҳамлалардан сақлашга бағишлади. Буни ундан қолган асарлар мазмуни тасдиқлайди.

“Китоб баёни ваҳмил-муътазила” – “Муътазила тоифаси ваҳималарининг баёни ҳақидаги китоб”, “Китоб ар-радд алал-қаромита” – “Қарматийларга раддия келтиришга бағишланган китоб”. “Раддул-имома” - “Имомия тоифасига раддия” ва шунга ўхшаш бугунги кунда номлари маълум бўлган бир қанча асарлари борки, улар фирқа ва оқимларга раддия тарзида ёзилган.

Мотуридийнинг бугунги кунга етиб келган икки машҳур асари “Ат-Тавҳид” ва “Таъвилотул-Қуръон” ҳам асосан суннийлик ақидасини ҳимоя қилиш, уни илмий жиҳатдан асослаш ва ботил эътиқодларга раддия беришга бағишланган.

Имом Мотуридийнинг кишиларни бирдамликка, бағрикенгликка чорловчи таълимоти сабаб ўша даврда Мовароуннаҳрда юзага келган турли ихтилофлар барҳам топди. Бу ҳолат тинчлик ва осойишталикнинг муҳим омили бўлди. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний таъбири билан айтганда, Имом Мотуридий ғоявий бирлик дарғаси сифатида танилди. У асослаб берган таълимот мотуридия номи билан машҳур бўлиб, ислом оламидаги икки ақидавий таълимотнинг бирига айланди. Бугунги кунда ҳам ер юзи мусулмонларининг энг кўп қисмини ташкил қилувчи ҳанафийлар эътиқодга оид масалаларда мотуридияга асосланадилар.

Мотуридия таълимотининг дунё бўйлаб тарқалишида у ёзган асарлар билан бир қаторда, алломанинг шогирдлари ва издошлари фаолияти муҳим ўрин тутган:

1. **Қози Ҳаким Самарқандий** Абул-Исҳоқ ибн Муҳаммад Ибн Зайд. У 342 хижрий, 953 милодий йилда вафот этган ва Чокардиза қабристонида

дафн этилган. Мотуридийнинг йирик шогирди, бир муддат Самарқандда қозилик қилган. Унинг “Саводи аъзам”, “Имон рисоласи” асарлари машҳурдир.

2. **Абулҳасан Рустуфағний** Али ибн Саид. У ҳанафий мазҳаби фикҳи бўйича етук олим сифатида танилган. Илмда юксак даражага етиб, ҳатто устози Мотуридий билан баъзи масалаларда илмий мунозаралар олиб борган. “Иршодул-муҳтадий”, “Аз-завоид вал-фавоид”, “Ал-асъила вал-ажвиба”, “Баёнус-суннати вал-жамоати” сингари асарлар ёзган. 350/961 йилда вафот этган.

3. **Абдулкарим Паздавий** Абу Муҳаммад Абдул-карим ибн Мусо ибн Исо. Насафдан бир оз узоқликдаги Пазда қишлоғидан. Фикҳ илмида машҳур бўлган. Авлодларидан мотуридияга мансуб Абул-Йуср Паздавий, Абулҳасан Паздавий каби йирик уламолар туғилган. 390/ 999 йилда вафот этган.

4. **Абул-Муъин Насафий** Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муътамид ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн Макҳул Абил-Фазл. 438 ҳижрий йилда туғилиб, 508 ҳижрий йилда вафот этган. Мотуридия мактабининг энг йирик намояндаларидан, бири бўлиб, “Табсиратул-адилла” “Баҳрул-калом”, “Тамҳид”, “Маноҳижул-аймма” асарлари орқали мотуридий таълимотини асослаб берган ва унинг ёйилишига улкан ҳисса қўшган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Абул-Муъин Насафий хизматларисиз мотуридияни тасаввур қилиш маҳол.

3.3 Ашъария

Ашъария таълимотининг асосчиси Абул-Ҳасан Али ибн Исмоил Ашъарий 260/873 йилда Басра шаҳрида таваллуд топган ва 337/ 935 санада Бағдодда вафот этган. Тўлиқ номи Али ибн Исмоил ибн Исҳоқ бин Солим ибн Исмоил ибн Абдуллоҳ ибн Аби Бурда ибн Аби Мусо ал-Ашъарий

бўлиб, машхур саҳоба Абу Мусо ал-Ашъарий (р.а.)нинг авлоди ҳисобланади.

Абул-Ҳасан Ашъарий илк даврда муҳаддис ва фақиҳларнинг мажлисларига фаол қатнаган эди. Басра мўътазилийлари раҳбари Абу Али Жубоийдан таҳсил олди ҳамда ақида илмини ўрганди. Шунинг учун қирқ ёшигача мўътазилийлар фикрида бўлди. Сўнг устози билан баъзи масалаларда ихтилоф қилди. Улардан бири “солиҳ ва аслаҳ” масаласидир. Абул-Ҳасан Ашъарий устози Жубоийга: “бири ёшлигида вафот этган, иккинчиси улғайиб солиҳ кишилардан бўлган, учинчиси эса кофир бўлиб дунёдан ўтган уч ака-укаларга қандай ҳукм қиласиз? Агар ёш ўлгани Аллоҳдан: “Мени нима учун акам манзиласига етгунимча ҳаётда қолдирмадинг?” – деб сўраса Аллоҳ унга нима деб жавоб беради?” дея савол берди. Жубоий шундай деди: “Аллоҳ: “Сенинг бошқа аканг каби кофир бўлиб ўтишингни билган эдим. Сенга яхшиси ёшлигингда ўлганингдир”, деб жавоб беради”. Абул-Ҳасан: “Агар учинчиси: “Эй, Роббим, нима учун ёшлигимда ўлдирмадинг, мен укам манзиласига рози эдим деса-чи, Аллоҳ унга нима дейди?” деб сўраганида Жубоийнинг ранги ўчиб кетди ва жавоб беришга ожиз қолди. Шу каби мўътазиланинг бошқа масалаларида ҳам унинг тафаккурида бир қатор саволлар уйғонди ва ўзида сунний йўналишидаги олимларнинг фикрларига майл сезди. Бир муддат уйидан чиқмай икки томон далилларини солиштирди. Ниҳоят, қаноат ҳосил қилгач, Басра жоме масжидига чиқиб, минбардан туриб: “Эй одамлар! Мени билганлар билади, билмаганлар билмайди, билмайдиганларга ўзимни таништираман: мен фалончи Қуръонни яратилган деб, Аллоҳ кўз билан кўрилмайди, ёмон ишларни мен ўзимча (яъни, Аллоҳнинг иродасисиз) қиламан деб гапирар эдим. Ҳозир менбу қарашларимдан тавба қилдим, мўътазилийларни рад қилишга киришаман. Ҳамма далилларни ўрганиб чиқдим. Ҳеч нарса бошқасининг устидан кучли бўлиб чиқмади, сўнг Аллоҳдан ҳидоят сўрадим, у менга ҳидоят

берди. Шунинг учун ҳам бир қанча вақт сизлар билан бирга бўлмадим. Аллоҳ мени мана шу ёзган ақидаларимга бошлади. Мен илгари эътиқод қилган нарсаларимни, шу кийимимни ечганим каби ечаман”, деб устки кийимини ечди ва ўзи ёзган нарсаларини муҳаддис ва фақиҳлар жамоасига берди.

Ашъарий умрининг охиригача мўътазилий каби оқимлар фикрларини таъқиб қилишда давом этди ва шу сабаб “аҳли сунна имоми”, “аҳли сунна ёрдамчиси” деган номга сазовор бўлди.

Имом Ашъарийнинг ёзган нарсаларини ўқиб чиққан илм аҳллари уни ўзларига раҳнамо қилиб олдилар, ўзлари эргашган таълимотни унинг номи билан атаб, ашъарийлар номи билан машҳур бўлдилар.

Абул-Ҳасан Ашъарийнинг юзга яқин рисоаларидан қуйидагилари сақланиб қолган:

1. Мақолатул- ислабийин.
2. Ал-Лумаъ.
3. Ал-Ибана ан усулид-дийана.

3.4 Мотуридия ва ашъария ўртасидаги фарқлар

Имом Мотуридий ва Имом Ашъарий таълимотлари деярли бир вақтда юзага келди. Бу икки аллома замондош бўлганлар. Имом Мотуридий асосан Самарқандда яшаб, фаолият кўрсатган бўлса, имом Ашъарий ўз таълимотига Ироқда (аввал Басра, кейин Бағдодда) асос солган. Мотуридия ва ашъария таълимотларини бирлаштирувчи жиҳатлар кўп. Аввало, ҳар иккала таълимотнинг асослари бир хил: Қуръони карим, ҳадиси шариф. Мотуридий ҳам, Ашъарий ҳам мусулмон оламида турли ақидавий зиддиятлар авж олган даврда яшади. Иккаласи ҳам бу ихтилофларга барҳам бериш йўлида хизмат қилди. Исломнинг мусаффо эътиқодини илмий жиҳатдан асослаб берди. Бу борада нақлий далилларнинг маъноларини тўғри англашга эътибор қаратди. Ақлий

далиллардан ҳам кези келганда истифода қилди. Энг асосийси, Абу Мансур Мотуридий ва Абул-Ҳасан Ашъарий “Аҳли сунна вал-жамоа”ни ҳимоя қилдилар ва суннийлик йўналиши имомлари сифатида танилдилар. Немис олими Ульрих Рудольф асарида қуйидаги маълумот келтирилган: “Ашъария ва мотуридия таълимотларидаги ўхшашликлар битта рақибга қарши бўлганидандир. Бу икки олим мўътазилийларга қарши чиққанлар”.

Иккала таълимот ҳам “Аҳли сунна вал-жамоа”дан деб эътироф этилган экан, уларнинг асосий ақидавий масалалардаги қарашлари бир хилдир. Юқорида “Суннийлик моҳияти” бўлимида эътиқодий тамойиллар баён қилинган эди. Бинобарин, бу тамойиллар мотуридия ва ашъарияда ҳам ўз аксини топган. Лекин, баъзи масалаларда икки таълимот ўртасида жузъий фарқлар мавжуд.

Тожуддин Абу Наср Абдулвахҳоб Субкий ўз асарида икки буюк мутакаллимнинг таълимотлари орасидаги ўн учта фарқни келтирган. Мазкур фарқларга бағишланган рисоалардан яна бири олим Ҳасан ибн Абдулмуҳсин ибн Аби Узбанинг қаламига мансубдир. Асар “Ар-Равза ал-баҳийя фийма байнал-ашъаира вал-мотуридийя”, яъни “Мотуридия ва ашъария таълимотлари ўртасидаги саодатли бўстон” деб аталади. Бу мўъжаз асар биринчи марта 1904 (ҳижрий 1322) йилда Ҳайдаробод (Ҳиндистон)да нашр этилган бўлиб, 76 саҳифадан иборат. Рисолада бу икки мактаб ақидасини чуқур билиши учун зарур бўлган манба ва асарлар ҳам санаб ўтилган, иккала имом ҳақида маълумотлар келтирилган. Муаллифнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “Билгилки, “аҳли сунна вал-жамоа”нинг барча ақидалари мотуридия ва ашъария атрофида айланади ҳамда бу икки таълимотнинг бирига эргашган кишининг ақидаси фасод ва нотўғри йўлга оғишдан саломат бўлади”. Икки буюк мутакаллим - Абу Мансур Мотуридий ва Абул-Ҳасан Ашъарий таълимотлари ўртасидаги жузъий фарқлар асосан икки бобга ажратилган бўлиб, биридан лафзий

ихтилофлар ўрин олган бўлса, иккинчисидagi фарқлар маънавий тусга эгадир.

Биринчи бобдаги лафзий ихтилофларнинг сони еттитадан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Имонда истисно масаласи.
2. Жаннатий дўзахийга, дўзахий эса жаннатийга айланиши мумкинми ?
3. Кофир кишининг хайрли ва савобли ишларига ҳам савоб бериладими?
4. Пайғамбарлар вафотларидан кейин ҳам пайғамбарлик рутбасида қоладиларми ёки йўқми?
5. Ирода билан ризолик ўртасидagi боғлиқлик.
6. Тақлидий имон, яъни бирор кишига тақлид қилиб, ўзини мўмин ҳисоблаш масаласи.
7. Касбий (ҳаракат билан топиш) билиш масаласи.

Рисоланинг иккинчи бўлими мотуридия ва ашъария таълимотлари ўртасидagi мазмуний фарқларга бағишланган бўлиб, улар қуйидаги олтита масаладан иборатдир:

1. Аллоҳ таоло ўз итоаткор бандасини азоб-уқубатга солиши жоизми ёки ножоизми?
2. Аллоҳ таолони билиш шаръий вожибми ёки ақл йўли билан бўладими?
3. Аллоҳ таолонинг феълий сифатлари азалийми ёки кейин пайдо бўлганми?
4. Аллоҳ таолонинг каломи эшитиладими ёки эшитил-майдими?
5. Инсон қодир бўлмаган ишни унинг зиммасига юкланиши жоизми ёки ножоизми?
6. Пайғамбарларнинг катта ва кичик гуноҳлардан холи бўлишлари вожибми ёки вожиб эмасми?

Мазкур масалаларнинг барчаси бўйича Қуръони карим, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари ва кўплаб алломаларнинг қарашларидан фойдаланилган ҳолда аниқ хулосалар чиқарилган. Шунингдек, мотуридия ва ашъария ўртасида имон рукнлари масаласида фарқ бўлиб, ашъарияда: “Имон тил билан иқрор бўлиш, дил билан тасдиқлаш ва амал қилишдир”, деб учта рукнга бўлинади. Мотуридий эса Абу Ҳанифа изидан бориб, “Имон - бу тил иқрори ва қалб тасдиғидир. Имоннинг икки рукнини адо этиб, амалларни бажармаган киши кофир бўлмайди, балки фақат гуноҳкор бўлади”, - деган фикрни илгари суради.

Асосий таянч тушунчалар:

Ақида сўзининг луғавий маъноси, араб тилидан таржима қилганда “бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш” маъносини англатади. Истилоҳий маънода **ақида** – мусулмон киши ишониши ва тили билан иқрор қилиши зарур бўлган масалалар ҳақида баҳс юритадиган илмдир.

Ақида илмининг турли номлари мавжуд: ақоид, эътиқод, калом, тавҳид, усулуд-дин кабилар. Бундан ташқари, мазкур илм соҳасининг илоҳиёт, илоҳиётшунослик, ислом назарияси, ислом мафкураси, ислом идеологияси каби номлари ҳам замонавий тадқиқотларда қўлланилади.

Калом сўзи араб тилидан таржима қилинганда гап, жумла маъносини билдиради. Истилоҳий маънода **калом** – ақидавий масалаларни нафақат нақлий, балки ақлий далиллар воситасида асослаб беришни англатади.

Мотуридия асосчиси – 870-944 йилларда Самарқандда яшаб ўтган Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир.

Ашъария асосчиси 873 йилда Басрада туғилиб, 935 йилда Бағдодда вафот этган Абул-Ҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарийдир.

Мотуридия ва ашъария таълимотлари ҳам **“Аҳли сунна вал-жамоа”**дан деб эътироф этилган экан, улар асосий ақидавий масалаларда бир хил қарашга эгадир.

Икки таълимот орасидаги жузъий фарқларга бағишланган рисоалардан бири олим Ҳасан ибн Абдулмуҳсин ибн Аби Узбанинг қаламига мансубдир. Асар “Ар-Равза ал-баҳийя фийма байнал-ашъаира вал-мотуридийя”, яъни **“Мотуридия ва ашъария таълимотлари ўртасидаги саодатли бўстон”** деб аталади.

Асарнинг биринчи бўлимида икки таълимот ўртасидаги баъзи масалаларга оид **еттита лафзий**, иккинчи бўлимида эса **олтита маънавий** фарқлар келтирилган.

Ашъарияда “имон тил билан иқроф бўлиш, дил билан тасдиқлаш ва амал қилишдир”, дея аталадиган **учта рукн**га бўлинади.

Мотуридий эса Абу Ҳанифа изидан бориб, “Имон — бу тил иқрори ва қалб тасдиғидир. Имоннинг **икки рукни**ни адо этиб, амалларни бажармаган киши кофир бўлмайди, балки фақат гуноҳкор бўлади”, дейди.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Ақида сўзининг маънолари ҳақида нималарни биласиз?
2. Ақидавий таълимот деганда нима тушунилади?
3. Ақидавий таълимотлар ҳақида маълумот беринг?
4. Абу Мансур Мотуридий ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлаб беринг?
5. Мотуридийнинг устоз ва шогирдлари кимлар?
6. Абу Мансур Мотуридий қаламига мансуб асарларни келтиринг?
7. Мотуридия таълимоти ҳақида нималарни биласиз?
8. Абул-Ҳасан Ашъарий ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот беринг?
9. Ашъария таълимоти ҳақида нималарни биласиз?
10. Мотуридия ва Ашъария ўртасидаги фарқларни тушунтириб беринг?

**Фойдаланиш учун тавсия этилаётган
манба ва адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда : “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. – Т. : Ўзбекистон, 1999. – 32 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т. : Ўзбекистон, 2008.
3. Алимов У. IX–XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши. – Т.: Мовароуннахр, 2008.
4. Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг X-XII асрларда Мовароуннахр маданиятида тутган ўрни. Маърузалар тўплами. – Т.: 1999.
5. Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи ва таржимон: Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.
6. Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000.
7. Оқилов С. Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва Мотуридия таълимоти. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
8. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: Имом Ал-Бухорий халқаро жамғармаси, Фридрих Эберт жамғармаси, 2002.
9. Уватов У. Имом Мотуридий меросининг моҳияти. – Т.: Маънавият, 2000.
10. Ҳасанов А. Ислом тарихи. Ўқув қўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
11. Абдулкарим Шахристоний. Ал-милал ван-нихал. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992.

12. Муҳаммад Абу Заҳра. Тарих ал-мазаҳиб ал-исламия. – Қоҳира:
Дор ал-фикр ал-арабий, 1996.

МАЗҲАБЛАР ТАРИХИ

4-БОБ. ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ

- 4.1. Имом Аъзам ҳаёти ва фаолияти
- 4.2. Имом Аъзам мероси
- 4.3. Имом Аъзам шогирдлари ва издошлари
- 4.4. Ҳанафий мазҳаби таълимоти

4.1. Имом Аъзам ҳаёти ва фаолияти

Ҳанафийлик асосчиси Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собитдир. У ҳижрий 80-150 милодий 699-767 йилларда ҳаёт кечирган. Кўфа шаҳрида вояга етган. Зириклий “Ал-Аълам” китобида Имом Аъзамнинг отаси Собит ҳақида қуйидагиларни қайд этган: “Собитнинг отаси Зутий Али (р.а.)нинг олдига боради ва унга ҳадя бериб, ўғли Собитнинг ҳақида дуо сўрайди. Али ибн Толиб унинг ва авлодларининг ҳақида барака тилаб дуо қилади”.

Собит солиҳ, художўй инсон бўлиб вояга етди. Нақл қилинишича, Собит бировнинг олмасидан бир тишламни рухсатсиз егани учун эгасидан ҳалоллик сўраганида, унинг имони пок эканини кўрган олма соҳиби унга қизини никоҳлаб беради ва кейинчалик бу никоҳ сабаб дунёга келган фарзандга Нўъмон деб исм қўйдилар.

Нўъмон ибн Собит Кўфа шаҳрида илм аҳллари орасида вояга етди. Билими чуқур инсон сифатида танилди. Ўз касби орқасидан кун кечирар эди. Чунки отасидан унга катта бойлик мерос қолган эди ва уни тижоратга сарф этиб, даромадини илму маърифат йўлида сарф этарди. У тарихга икки шарафли ном билан кирди:

1. Абу Ҳанифа, яъни тўғри йўлда собит турувчилар раҳнамоси.

2. Имом Аъзам, яъни буюк имом.

Абу Ҳанифа ёшлик чоғидаёқ Қуръони каримни ёдлади ва унинг маъноларини тушунишга интилди. Кейинчалик мантиқ ва калом илми билан шуғулланиб, бу борада атрофдагилардан ўзиб кетди. У Ҳаммод ибн Абу Сулаймон (р.х.) билан учрашганидан сўнг фикҳ илмига қизиқади ва Ҳаммоддан 18 йил давомида таҳсил олади. Умри давомида 55 марта ҳаж қилди. Ҳар бир ҳажда кўплаб илм аҳллари билан мулоқотга киришди.

Имом Аъзам (р.х.) устозларининг адади 4000 га етгани манбаларда қайд этилган. Улардан 8 таси саҳоба, 39 таси тобеъин эди. Ҳофиз ас-Солиҳий эса «Уқуд ал-жуман» китобида: “Имом Абу Ҳанифа саккиз саҳобий ва бир аёлдан ҳадис ривоят қилган”, дейди ва уларнинг номларини келтиради. Булар:

1. Анас ибн Молик, Амр ибн Ҳорис, Абдуллоҳ ибн Анис, Абдуллоҳ ибн Ҳорис, Ибн Жузь аз-Зубайдий, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Аби Авфо, Воила ибн Асқоъ, Ойша бинт Ажрад (р.а.).

“Бағдод тарихи” китобида келтирилишича, Абу Ҳанифа ҳукмдор Абу Жаъфар Мансур ҳузурига кирганида унинг олдида ўтирган Исо ибн Мусо ҳукмдор Мансурга: «Бугунги кунда дунёнинг энг етук олими ушбу Абу Ҳанифадир», деди. Шунда Мансур Абу Ҳанифага: ”Эй Нўъмон! Таълимни кимдан олгансан?” деди. У : «Умарнинг издошлари орқали Умардан, Алининг издошлари орқали Алидан, Абдуллоҳнинг издошлари орқали Абдуллоҳ ибн Масъуддан олдим. Ибн Аббос даврида ер юзида ундан кўра олимроқ киши йўқ эди (яъни, ибн Аббос шогирдларидан ҳам таълим олганликларини айтмоқчилар)», деди. Шунда Абу Жаъфар Мансур: «Ҳақиқатан ҳам сен ўзингга кучли ҳужжат тўплаган экансан», деди.

Имом Аъзам (р.х.) ўз даврининг кўзга кўринган факих ва муҳаддис олимларидан таълим олди. Жумладан, машҳур муҳаддис Имом Аъмашдан ҳадисларни ўрганар ва ёд олар эди. Абу Ҳанифа Имом Аъмашнинг олдида бир одамнинг фикҳ борасидаги саволига жавоб берди. Шунда Аъмаш:

“Нимага асосланиб бундай жавоб бердинг?” дея сўради. Имом Аъзам: “Ўзингиз ривоят қилган ҳадисларга асосланиб” деб, бир нечта ҳадисни санаб берди. Имом Аъмаш шогирдининг заковатига қойил қолиб: “Эй фақиҳлар жамоаси, сизлар табиб, биз муҳаддислар эса доришунос эканмиз”, деди.

Ҳақиқатан, оят ва ҳадислардан ҳар ким ҳам ҳукм чиқара билмайди. Балки, бу мужтаҳид ва фақиҳларга хосдир. Афсуски, бугунги кунда ислом манбаларидан ўзича фатво олишга интилиб, мазҳабларга, ўтган олимларнинг хизматига беписандлик қилаётганлар турли ихтилоф ва зиддиятларга сабабчи бўлмоқдалар.

4.2. Имом Аъзам мероси

Имом Аъзам (р.х.) ҳам ақидавий таълимотга ҳам фикҳий мазҳабга асос солди. Маълумки, билим соҳаси вақт ўтиши билан физика, математика, химия каби аниқ фанлар ва тарих, география, ҳуқуқшунослик каби ижтимоий фанларга ажратилган. Шунга ўхшаш, Имом Аъзам ҳам биринчи бўлиб, фикҳни бобларга бўлди. Эътиқод соҳасида биринчи бўлиб «Ал-фикҳул-акбар», яъни «Катта фикҳ» деган китобини ёзди. Бу китобда исломдаги мусавффо эътиқод таълимоти ўз ифодасини топган. Кейинчалик Имом Аъзамнинг мазкур асарига кўплаб шарҳлар битилган. Баъзи манбаларда қайд қилинишича, Имом Аъзамнинг ушбу «Ал-фикҳул-акбар» китобига буюк ватандошимиз Имом Мотуридий (р.х.) ҳам шарҳ ёзган. Бу нарсани баъзи бир тарихчилар инкор этадилар. Лекин, Имом Мотуридий ўз таълимотини яратишда Имом Аъзамнинг эътиқод борасидаги қарашларига таянгани, Мотуридийнинг устозлари Имом Аъзам издошлари экани манбаларда ўзининг аниқ ифодасини топган.

«Муъжамул-мусаннифин», яъни «Мусаннифлар қомуси» китобининг муаллифи айтадики, Имом Абу Ҳанифа (р.х.) калом, фикҳ, ҳадис илмларига тегишли бир неча китоблар ёзган, шулар жумласидан: «Китоб

ас-солат» (Намоз аҳкомлари китоби), «Китоб ал-Маносик» (Ҳаж китоби), «Китоб аш-шурут» (Шартномалар ҳақида китоб), «Китоб ал-фароиз» (Мерос илми ҳақида китоб), «Китоб ал-олим вал-мутааллим» (Устоз ва шогирд ҳақида китоб), «Китоб ал-фиқҳ ал-акбар» (Катта фиқҳ китоби), «Китоб ал-васия» (Васият китоби) ва бошқалар.

Абу Ҳанифанинг мазкур асарлари ҳақида қисқача маълумот:

1. «Китоб ас-солат» - Абу Муқотилдан ривоят қилинганки, у айтди: «Абу Ҳанифанинг биринчи китоби ушбу китобдир».

2. «Китоб ал-Маносик» - Абу Ҳанифа устози Имом Аъмаш (р.х.) ҳажга боришни ният қилган вақтида унга атаб ёзган. Чунки Аъмаш Али ибн Мусъирни Имом Абу Ҳанифага юбориб, ундан ҳажнинг тартиби ва ҳукмлари ҳақида китоб таълиф қилиб беришни сўраган. Шунда Абу Ҳанифа бу китобни ёзиб, Али ибн Мусъирдан Аъмашга бериб юборган. Шу боис бу китоб ҳаж маносиклари ҳақида ёзилган биринчи китоб ҳисобланади.

3. «Китоб ал-фароиз» - Ал-Муваффақ айтишича, мерос илмида биринчи ёзилган китоблардандир.

4. «Китоб аш-шурут» - Имом Қудурийнинг устози шайх Абу Абдуллоҳ айтишича, Абу Ҳанифанинг шартномалар ҳақидаги ушбу асари бу мавзуда битилган биринчи китобдир.

5. «Китоб ал-олим вал мутааллим» - савол ва жавоб тариқасида битилган китобдир.

6. «Китоб ал-фиқҳ ал-акбар» - суннийлик ақидаси бўйича битилган машҳур китобдир.

7. «Китоб ал-васия» - қозиларга панду насиҳатдан иборат бўлиб, Имом Абу Юсуф (р.х.) ва бошқаларга атаб таълиф этилган.

4.3. Имом Аъзам шогирдлари

Имом Абу Ҳанифа 40 ёшида дарс беришни бошлади. Унинг дарс ҳалқаси ҳар доим талабалар ва мухлислар билан гавжум бўлиб, узоқ жойлардан ундаги баҳс-мунозараларни эшитиб фойдаланиш учун келардилар. Ҳиндистонлик машҳур олим Маҳмуд Ҳасанхон Тункий ўзининг 60 жилдлик (20 минг саҳифа) қомусий асари «Мажмаул-мусаннифин»да Абу Ҳанифа (р.х.) шогирдларининг сонини 882 та деб кўрсатган. Шайх Аҳмад Маккий Хоразмийнинг айтишича, Имом Аъзамдан ривоят қилган олимлар сони 730 тага етиб борарди. Уларнинг ҳаммаси мусулмон ўлкаларнинг машойихи сифатида турли минтақаларда Абу Ҳанифадан ривоят қилиб, у ҳақда сўзлаб берардилар.

Имом Аъзам шогирдларининг кўпчилиги Мовароуннаҳр, Хуросон, айниқса, Балх, Ҳирот ва Бустдан бўлиб, ҳанафий мазҳабини тарқатиш йўлида тинимсиз фаолият олиб борганлар. Уларнинг аксари Абу Ҳанифанинг дарс ҳалқасида бир муддат ўтириб, унинг йўл-йўриқлари ва фикҳий услубини ўзлаштиргандан кейин ўз ватанларига қайтиб кетардилар, айримлари ҳар доим Абу Ҳанифа билан бирга бўлиб, унинг доимий шогирдлари ҳисобланардилар.

Асад ибн Фурот ривоятига кўра, бундай шогирдлар сони 40 тага етиб борган бўлса, Ибнул-Баззозий “Маноқиб”ида уларнинг сони 36 та эркак деб кўрсатилган. Улардан 28 киши қозилик ваколатига, 6 таси фатво бериш салоҳиятига эга эди, иккитаси, яъни Абу Юсуф ва Зуфар ҳам қозилик вазифасини бажариш, ҳам фатво бериш бўйича иқтидорли олим эди.

Абу Ҳанифанинг машҳур шогирдлари: бири – Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим ал-Ансорий (р.х.), иккинчиси – Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний (р.х.)дир. Абу Ҳанифанинг бу икки шогирди ундан кейин хайрли ишларини давом эттириб, замоналаридаги олимларга устозлик қилдилар. Уларнинг исмлари устозлари Абу Ҳанифа исмлари билан доимо бирга зикр қилинади. Абдулҳалим Жундий «Абу Ҳанифа озодлик

қахрамони» номли китобида: “Бу икки шогирд - Абу Юсуф ва Муҳаммадлар Абу Ҳанифанинг етук шогирдларидан бўлиб, тарихда Абу Ҳанифанинг асҳоблари номи билан машҳур бўлганлар”, дея қайд этган.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний яна бир мазҳаббоши Молик ибн Анасдан ҳам таълим олган ва ўз навбатида, Имом Шофеийга устозлик қилган, Имом Шофеий эса Имом Аҳмад ибн Ҳанбалга таълим берган. Демак, тўртала мазҳаб Имом Муҳаммад орқали бир-бирларига боғланади.

Абу Ҳанифанинг кўзга кўринган етук шогирдларидан яна бири Зуфар ибн Ҳузайл (р.х.) эди. Ҳадисга мутахассис бўлиб, ҳадисларни саралашга ниҳоятда моҳир эди. Бирон масалага ҳужжат сўралса, тўхтамасдан, дарҳол далил келтириш қобилиятига эга эди.

Шогирдларидан яна бири Ҳасан ибн Зиёд ал-Луълуий (р.х.) бўлиб, Абу Ҳанифа вафотидан сўнг Абу Юсуф ва Муҳаммадлардан таълим олди. У Абу Ҳанифадан нақл қилинган «Ал-Мужаррад», «Қозининг одоби», “Нафақалар», «Фароиз (Мерос илми)», «Хислатлар» каби китобларни ёзиб тугатди.

Имом Абзамнинг ўғли Ҳаммод ҳам шогирдларидан биридир. Абу Ҳанифа ўз фарзандининг одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаб, етук олим, фозил пешво даражасига чиқишига сабабчи бўлган. Ҳаммод (р.х.) аввал Кўфа шаҳрида, сўнгра ва ундан кейин Басра шаҳарларида қозилик мансабида ишлади.

Ҳаммоднинг ўғли Исмоил ҳам отасидан бобоси Абу Ҳанифанинг илмини ўрганди, шунингдек, Абу Юсуф ва Ҳасан ибн Зиёдлардан таълим олиб, етук алломалардан бўлди ва шаръий ҳукмлар бўйича қозилик мансабида ишлади.

Абу Ҳанифанинг Абдуллоҳ ибн ал-Муборак (р.х.) исмли шогирди ҳам таниқли олим, буюк муҳаддис ва фақиҳ бўлиб, ҳадис ҳамда фикҳ илмларида пешво эди. У Хуросонда биринчи бўлиб ҳадисни ёзган зотдир. Ибн Муборак «Аз-зуҳд вар-рақоик» номли китобнинг муаллифидир.

Абу Ҳанифанинг Ҳафс ибн Муборак (р.х.) исмли шогирди Ҳорун ар-Рашид даврида ўн уч йил мобайнида Кўфада, икки йил Бағдодда қозилик мансабида ишлаган.

Мазкур алломалар Имом Аъзам асос солган ҳанафий мазҳабининг шаклланиши ва тараққий этишида улкан хизмат қилдилар.

4.4. Ҳанафий мазҳаби таълимоти

Имом Абу Ҳанифа имомларнинг пешвоси, фақиҳларнинг устози, Имом Шофеий таъбири билан айтганда, барча одамлар фикҳда унинг боқимандалари бўлган зот эди. Аллоҳ таоло унга ноёб заковат, етук ақл, ўткир фикр ато этган бўлиб, ҳар бир ишни чуқур таҳлил қилар, ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолмайдиган даражадаги аниқ ҳужжат ва далиллар асосида ҳукм чиқарар эди. Унинг илми бутун оламга ёйилиб, олимлар ҳам, омма халқ ҳам таълимотини зўр эътибор ва очик кўнгиллик билан ўрганиб келмоқдалар.

Имом Абу Ҳанифа (р.х.) ўз мазҳабини бино қилишда ислом шариатининг асоси деб эътироф этган манбаларга - Қуръони карим, суннати набавия, ижмоъ, қиёс ва саҳобаларнинг қавллари ҳамда урфга суянди: “Мен, аввало, ҳукми Аллоҳнинг китобидан оламан, ундан топмасам, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатларидан оламан. Агар Аллоҳнинг китобидан ҳам, пайғамбарнинг суннатларидан ҳам топа олмасам, саҳобаларнинг гапидан оламан, агарда булар ихтилоф қилган бўлсалар, уларнинг сўзидан Қуръон ва ҳадисга яқинроғини оламан, уларнинг гапидан бошқаникини олмайман. Агарда саҳобаларнинг сўзидан ҳам топа олмасам ва гап тобеинларга етиб келса, ўзим уларга ўхшаб ижтиҳод қиламан”, деди.

Абу Ҳанифа наздида фикҳий ҳукм олишда асосий манба Қуръони карим бўлиб, бошқа бирон нарса унга баробар бўла олмайди, чунки у Аллоҳ таолонинг каломи, мусулмонлар учун қатъий ҳужжатдир. Шунинг

учун оҳод йўли билан келган ҳадислар Қуръони карим ҳукмини насх (бекор) қила олмайди, чунки оҳод суннатлар Пайғамбардан етиб келиши жиҳатидан ҳаммаси зоннийдир. («Суннати оҳод» деб Расулуллоҳдан ривоят қилган ровийлар адади ҳамма табақаларда мутавотир ададига етмаган, яъни учтадан кам одам бўлган ҳолда ривоят қилинган ҳадисга айтилади). Шу боисдан ҳам Абу Ҳанифа Қуръони карим оятига маъноси зид бўлган ҳадисларни олмаган.

Абу Ҳанифа суннати набавияни шариат аҳкомларининг иккинчи асоси деб эътибор қилган. Шу билан бирга қовлий суннатни (Расулуллоҳ сўзларини) феълий суннатдан (Расулуллоҳнинг қилган ишларидан) кўра авлороқ деб қарайди. Чунки Расулуллоҳнинг қилган ишлари ўзларига хос амаллар бўлиш эҳтимоли мавжуд. Шунингдек, мутавотир суннат билан оҳод суннат маънолари бир-бирига зид бўлиб қолса ва уларни ҳеч бир йўл билан бир-бирига мослаштириш (келиштириш) иложи бўлмаса, Абу Ҳанифа мутавотир суннатни оҳоддан муқаддам қўйган. Мутавотир суннатда ўз маъносига кўра Расулуллоҳдан бошлаб то охиргача ровийлар силсиласининг ададлари кўп бўлганидан уларнинг ёлғонга кетишлари, адашишлари мумкин эмас.

Абу Ҳанифа юқорида таъкидланганидек, бирон шаръий ҳукм олмоқчи бўлса, аввало, Аллоҳнинг каломига - Қуръони каримга мурожаат қилган, ундан жавоб топа олмаса, эътиборини суннатга қараган, мабодо ҳадислардан ҳам далил топа олмаса, саҳобаи киромлар сўзларидан далил ахтарган. Имом Сарахсий ўзининг “Усулул-фикҳ” китобида таъкидлаганидек, Абу Ҳанифа саҳобаи киромлар сўзини қўйиб қиёсга асло ўтмас эди.

Абу Мутиъ ал-Балхий Абу Ҳанифадан: «Менга айтинг-чи, бирон масалада сиз бир фикрда бўлсангиз-да, Абу Бакр Сиддикнинг фикри бу масалада бошқача бўлса, сиз унинг фикрини қабул қилиб, ўз фикрингиздан қайтасизми ё йўқми?» деб сўради. Абу Ҳанифа: «Албатта, фикримдан

қайтаман», деди. У яна: «Айтинг-чи, агар бир масалада сизнинг фикрингиз бошқа бўлса ва Умар ибн Хаттобнинг фикри бошқа бўлса, сиз ўз фикрингизни қўйиб, унинг фикрини оласизми?!» деб сўради. Абу Ҳанифа: «Ҳа, унинг фикрини қабул қиламан», деди. Сўнгра у яна Усмон ибн Аффон ва Али ибн Аби Толиб тўғриларида ҳам сўраган эди, Абу Ҳанифа яна буларнинг фикрларини ҳам олишини айтиб, мен барча саҳобаларнинг фикрини қабул қилиб, ўз фикримдан воз кечаман, деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз ҳадисларининг бирида: «Менинг умматларим хато (адашиш)га иттифок қилмайдилар, агарда бирон масалада ихтилофни кўрсангизлар, кўпчилик томонида бўлингизлар», деган. Яъни, қайси даврда бўлса ҳам, бирон шаръий ҳукм борасида ихтилоф сезилганда обрў-эътиборли кўпчилик томонининг фикрини маъқуллаш лозим бўлади, Кўпчиликнинг фикрини «ижмоъ» дейилади ва Абу Ҳанифа (р.х.) ҳам ижмоъни шаръий ҳукмларга асос бўлишини айтган.

Абу Ҳанифа: «Агарда саҳобалар бирон масалада турли фикрда бўлсалар, Қуръон ва суннатга яқинроқ бўлган фикрни оламан, саҳобалар фикрини қўйиб, бошқасини олмайман», деганида, ижтиҳод этиб, саҳобаларнинг сўзларини Қуръонга ва суннатга қиёс қилишини, аввало, Қуръонга мувофиқ келган фикрни, агар унга мувофиқ бўлмаса, ҳадисга мувофиқ бўлганини олишини назарда тутган эди. Ва агарда бу икки асосга ҳам мувофиқ бўлмаса, улардан хоҳлаганининг фикрини қабул қилишини ва уларнинг фикрини ташлаб, ўз фикрларича ҳукм қилмаслигини баён қилган эди.

Абу Ҳанифа (р.х.) ҳадиси мурсални, ҳатто заиф ҳадисни ҳам қиёсдан устун қўяди ва бу даражадаги ҳадислар бор бўлганда, қиёсни ишлатмайди. Нақл қилинишича, Абу Ҳанифанинг ўзи бу ҳақда: «Аллоҳга қасамки, ким бизни қиёсни ҳадисдан устун қўяди деса, ёлғон айтибди ва бизга тухмат қилибди. Ҳадис бўлгандан кейин қиёсга ҳожат қолар эдими?!» деди. Шунингдек, Абу Ҳанифа аниқ, равшан қилиб: «Биз ўта зарурат бўлган

вақтдагина қиёсга мурожаат қиламиз. Чунки бирор масалага далил ахтарсак, биз, аввало Қуръонга, ундан кейин суннатга ва қолаверса, саҳобаи киромлар фатволарига мурожаат қиламиз, агарда ушбу манбалардан далил топа олмасак, шундагина далили йўқ масалани ўзига ўхшаш ва далили мавжуд масалага қиёс қиламиз» дея таъкидлади.

«Истехсон» луғатда «бир нарсани яхши деб, ҳисоблаш» маъносида ишлатилади. Яъни, бир нарсанинг яхшисини, гўзалини, мустаҳкамини излаш демакдир. Аллоҳ таоло айтади: «Эй Муҳаммад, Менинг бандаларимга - сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига эргашадиган зотларга хушхабар беринг!» (Зумар,17). Усул истилоҳида эса, истехсон деганда « мужтахиднинг очиқ-равшан қиёсдан махфий қиёсга, куллий ҳукмдан жузъий ҳукмга ўтиши» тушунилади. Яъни, бир ишни нассга (шаръий ҳукм асосларига) қиёс этиш имкони бўлмаса, фақиҳ ижтиҳод қилиб, одамларга осон бўлиши мақсадида истехсон қоидаси билан ҳукм чиқаради. Имом Абу Ҳанифа шаръий ҳукм олишда истехсонга асосланиб ҳукм чиқаришни қабул қилган.

«Урф» деб кишилар ўрганиб-одатланиб қолганлари туфайли қиладиган ва шариат таълимотига зид бўлмаган ишларига айтилади. Фақиқлар урфнинг шаръий далиллигини эътироф этиб, уни қабул қилишган. Абу Ҳанифа (р.х.) ҳам Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисга асосланиб урфни қабул қилган. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Мусулмонларнинг кўпчилиги нимани яхши деб билса, у Аллоҳ ҳузурида ҳам яхшидир». Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (р.х.) ҳам урфни шаръий далил деб қабул қилган.

Мана шундай асосларга барпо қилинган ҳанафий мазҳаби таълимотида барча фикҳий масалалар аниқ ва равшан баён қилинган. Ҳуқукий муаммолар жуда содда равишда ўз ечимини топган. Ҳар бир масаланинг нозик жиҳатларигача эътибор қилинган. Чунки, бу мазҳаб мужтахидлари ҳам диний, ҳам дунёвий фанларни чуқур билишган. Масалан, мусулмон

киши учун қибла, яъни Макка шаҳридаги Каъба биноси жойлашган тарафни топиш муҳимдир. Қадимда ҳозиргидек турли астрономик воситалар бўлмаган пайтда Каъба йўналишини топиш муаммоси юзага келган. Мужтаҳид уламолар бу масалани жиддий ўрганиб, Мовароуннаҳрда ҳижрий-қамарий ҳисобига кўра биринчи ҳамал, яъни 21 март куни ва биринчи мезон, яъни 23 сентябрь куни қуёш айнан қибла тарафига ботишини исбот қилишган. Йилнинг бошқа кунлари эса тунда доим шимолга қараб турувчи Қутб юлдузи орқали қиблани топишни тавсия қилганлар.

Умуман, ҳанафий мазҳаби мўътадиллиги, илмий асосларининг пухталиги ва ҳуқуқий муаммоларни осонлик билан ҳал этгани каби хусусиятлари туфайли ислом оламининг кўплаб ҳудудларига тарқалди. Натижада мазҳаблар ичида катта ва кенг ёйилган мазҳабга айланди

Асосий таянч тушунчалар:

Ҳанафийлик асосчиси **Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собитдир**. У ҳижрий **80-150**, милодий **699-767** йилларда ҳаёт кечирган.

Имом Аъзам **устозларининг адади 4000** га етиши манбаларда қайд этилган. Улардан **8 таси саҳоба, 39 таси тобеъин** эди.

Нўмон ибн Собит тарихга икки шарафли ном билан кирди:

- 1. Абу Ҳанифа**, яъни тўғри йўлда собит турувчилар раҳнамоси.
- 2. Имом Аъзам**, яъни буюк имом.

Ҳукмдор Мансур Абу Ҳанифа мазҳабининг асослари ҳақида эшитиб, унга: «Ҳақиқатан ҳам сен ўзингга кучли ҳужжат тўплаган экансан» деган.

Имом Аъмаш шогирди Абу Ҳанифанинг заковатига қойил қолиб фикҳ аҳлини шарафловчи қуйидаги машҳур иборани айтган: “Эй фақиҳлар жамоаси, сизлар табиб, биз муҳаддислар эса доришунос эканмиз”.

Ҳиндистонлик машҳур олим **Маҳмуд Ҳасанхон Тункий** ўзининг 60 жилдлик (20 минг саҳифа) қомусий асари «Мажмаул-мусаннифин»да Абу Ҳанифа шогирдлари сони **882** та деб кўрсатган.

Асад ибн Фурот ривоятига кўра, бундай шогирдлар сони **40** тага етиб борган бўлса, Ибнул-Баззозий “Маноқиб”ида уларнинг сони **36 та эркак** деб кўрсатилган. Улардан **28 киши** қозилик ваколатига, **6 таси** фатво бериш салоҳиятига эга эди, иккитаси, яъни Абу Юсуф ва Зуфар ҳам қозилик вазифасини бажариш, ҳам фатво бериш бўйича иқтидорли олим эди.

Имом Абу Ҳанифа (р.х.) ўз мазҳабини бино қилишда **Қуръони каримга, суннати набавияга, ижмоъга, қиёсга ва саҳобаларнинг қавлларига ҳамда урфга** суянди

Ҳанафий мазҳаби мўътадиллиги, илмий асосларининг пухталиги ва ҳуқуқий муаммоларни осонлик билан ҳал этгани каби хусусиятлари туфайли ислом оламининг кўплаб ҳудудларига тарқалди.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Имом Аъзам қайси йилларда ҳаёт кечирган?
2. Абу Ҳанифанинг ёшлик йиллари ҳақида маълумот беринг?
3. Абу Ҳанифа исмининг маъноси нимани англатади?
4. Имом Аъзам устозлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Абу Ҳанифа асарлари ҳақида маълумот беринг?
6. “Ал-фикҳул акбар” қайси соҳага тегишли?
7. Ҳанафий мазҳабининг асосларини баён қилинг?
8. Ҳанафий мазҳабида қиёснинг ўрни қандай?
9. Имом Аъзам шогирдлари сони нечта ва улар ҳақида нималарни биласиз?
10. Ҳанафий мазҳабининг ислом оламининг кўплаб ҳудудларига тарқалиши сабаблари нимада?

**Фойдаланиш учун тавсия этилаётган
манба ва адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда: “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. : Ўзбекистон, 2008.
3. Алоуддин Мансур. Имоми Аъзам–буюк имомимиз. – Тошкент: Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашр., 1999.
4. Бегматов А. Бир мазҳаб тарихи. – Т.: 1997.
5. Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Ўқув кўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002.
6. Имоми Аъзам (Абу Ҳанифа). Ал-фикҳ ул-акбар – Тошкент : Адолат, 2003.
7. Самарқандий Васлий. Имом Аъзам тарихи: Ал-каломул-афҳам фи манақиби имоми Аъзам / масъул муҳаррир: Алибек Рустам. – Тошкент : Ёзувчи, 1995.
8. Муҳаммад Али ал-Кутб. Основатели четырех мазхабов. – Санкт-Петербург: ДИЛЯ, 2005.
9. Муҳаммад Абу Захра. Абу Ҳанифа: ҳаётуҳу ва асруҳу ва ороуҳул-фикҳия – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1997.
10. Our Greet Ancestors / responsible editor: Z.Islamov. –Т.: Publishing house of Tashkent islamic university, 2002.

5–БОБ. МОЛИКИЙ МАЗҲАБИ

5.1 Имом Молик ҳаёти ва фаолияти

5.2 Имом Молик мероси ва издошлари

5.3 Моликий мазҳаби таълимоти

5.1. Имом Молик ҳаёти ва фаолияти

Моликий мазҳабининг асосчиси Имом Молик ибн Анасдир. Абу Абдуллоҳ Молик ибн Анас ал-Асбахий (р.х.) 93/713 – 179/795 йилларда ҳаёт кечирган. Мадина шаҳрида туғилиб, шу ерда вафот этган. Унинг бобоси Ҳорис Зий Асбах бўлгани учун Имом Молик Асбахий нисбасини олган. Моликнинг отаси бўлмиш Анаснинг Абу Омир исмли бобоси Пайғамбар (а.с.)нинг саҳобаларидан эди. Моликнинг бобоси Абу Анас эса тобеинлардан бўлиб, Усмон (р.а.)ни ғусл қилдириб, дафн қилишда иштирок этганлардан бири эди.

Имом Молик (р.х.) Мадинадаги йирик уламо ва муҳаддислардан таълим олди. Нофеъ, ал-Мақбарий, Наъим ал-Мужмир, Зухрий, Омир ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абдуллоҳ ибн Динор, Ибн Мункадир, Ато ибн Рабоҳ, Абдуллоҳ ибн Аҳмад кабилардан илм ўрганди.

Молик ибн Анас бутун умри давомида фақат бир маротаба ҳаж қилиш муносабати билангина Мадинаи мунавварани тарк қилган. Ҳадис илми билан кўпроқ машғул бўлган. Ҳадис ривоят қилувчи энг сиқа (ишончли) ровийлардан ҳисобланади. Имом Моликнинг устози Нофеъдан, Нофеънинг эса Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилган ҳадислар силсиласи муҳаддислар ўрталарида “олтин санад” деб юритилади.

Молик ибн Анас ҳам муҳаддис, ҳам фақиҳ бўлган. У Ҳижоз ўлкаси (Арабистон ярим оролининг ғарбий соҳиллари)даги эътироф этилган олим

сифатида танилиб, “Имомул-Мадина”, “Имому дорил-хижра”, яъни Мадина шаҳрининг имоми деган унвонга мушарраф бўлган.

Имом Молик (р.х.) Имом Абу Ҳанифа ва унинг шогирди Абу Юсуф билан мулоқотда бўлган. У моликий мазҳабининг асосчиси бўлиб танилди. Зотан, Молик ибн Анас асос солган бу таълимот Арабистон ярим ороли ва Африка минтақаси аҳолиси учун мувофиқ келди.

Имом Молик умрининг 40 йилини сарфлаб, “Муватто” номли улкан китобни ёзди. Мазкур асарида у фикҳий масалаларга доир ўз ечимларини баён қилган ва уларнинг исботи сифатида Пайғамбар (а.с.)нинг жуда кўплаб ҳадисларини нақл этган. Бу китобда нафақат ҳадислар, балки ўша замондаги саҳобаларнинг фикрлари ва сўзлари ҳам ривоят қилинган. Ундаги ҳадислар ададининг кўплиги баъзи уламолар тарафидан “Муватто”нинг фикҳга эмас, балки ҳадисга доир китоб деб қабул қилинишига сабаб бўлди.

Молик ибн Анас (р.х.) ўз замонининг йирик муҳаддиси бўлган. Ўша вақтда ҳадисларни жамлаш ҳаракати энди тараққий қила бошлаган бир пайтда “Муватто” кўплаб ҳадисларни ўзида жамлаган ягона китоб эди. Имом Молик мадрасаларида асосан ҳадисдан дарс берилган, бу мадраса тингловчилари ҳам муҳаддислар бўлишган. Бу инкор этилмаган ҳақиқатдир. Лекин, Молик ибн Анаснинг бошқа фаолияти, яъни ижтиҳодини назарга олмаслик мумкин эмас. У ҳар бир ҳадисни таҳқиқ этишда мулоҳаза билан, ҳадиснинг тарихини, мақсадини мукаммал ўрганган ва шундан кейин ўз нуқтаи назарини баён қилган. Шу тариқа моликий мазҳаби фикҳий қоидалари шаклланган.

Бошқа мужтаҳидлар истифода қилганларидек, Имом Молик ҳам моликий мазҳаби таълимотига ислом фикҳининг тўрт асосий манбалари Қуръони карим, суннат, қиёс ва ижмоъдан фойдаланган ҳолда асос солган.

Имом Моликдан ўша даврнинг йирик уламолари Имом Авзоъий, Имом Шофеий, Имом Абу Ҳанифанинг маслакдоши ва шогирди Имом Муҳаммад ибн Ҳасан ва бошқалар таълим олганлар.

5.2. Имом Молик мероси ва издошлари

Имом Молик (р.х.) кўплаб асарлар ёзди. Уларнинг ичида энг машҳури ва аҳамиятлиси “Муватто” китобидир. Бундан ташқари Имом Молиkning Ҳорун ар-Рашидга ёзган 23 саҳифали рисоласи, Ибн Ваҳбга ёзган “Қадария фирқасига тақдир масаласида раддия ҳақидаги рисола”, шунингдек, баъзи бир қозилар учун ёзилган 10 жузлик “Қозилик ҳақидаги китоб”, Ғассон Муҳаммадга ёзилган “Фатво ҳақидаги рисола” каби асарлари бўлгани ҳақида манбаларда маълумот берилади.

Имом Молик шогирдларининг саноғига етиш мушкул: улардан Абдуллоҳ ибн Муборак, Ибнул Маҳдий, Абдуллоҳ ибни Юсуф кабилар. Имом Шофеий Имом Молиkning ҳузурига келиб “Муватто”ни ёдлаб берган ва у: “Агар бир киши нажот топса ҳам мана шу бола нажот топади” дегани тарихчилар томонидан нақл қилинган. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан ҳам Имом Моликдан бир неча йил таълим олган. У ҳақда имоми Шофеий шундай деган экан: “Қачонки, уламолар зикр қилинса, Имом Молик улар ичидаги юлдузdir”. Имоми Шофеийдан нақл қилинган яна бир ривоятда у Молик ибн Анасни ўз замонасининг энг билимдони дея баҳо берган.

Ибн Ваҳб шундай ривоят қилади: “Мадина шаҳрида бир жарчини қуйидагача нидо қилаётганини эшитдим: “Кишиларга Молик ибн Анас ва Ибн Аби Зиъбдан бошқа ҳеч ким фатво бермасин”. Ҳатто ўша давр уламолари орасида шундай ибора юрарди: “Имом Молик Мадинада бўла туриб, фалончи фатво беряптими?”.

Имом Шофеий Имом Молиқни Ҳижоз илмини зое бўлишдан сақлаб қолгувчилардан деб ҳисоблар эди. У шундай деган: “Молик ва Ибн Уяйна

бўлмаганда илм Ҳижозда сақланиб қолмасди”. Абдурахмон ибн Маҳдий шундай дейди: “Кишилар эргашадиган ҳадис илми имомлари тўртта:

1. Кўфада Суфён Саврий.
2. Ҳижозда Имом Молик.
3. Шомда Имом Авзоъий.
4. Басрада Ҳаммод ибн Зайд.

У сўзларини давом эттириб, яна шуни қўшимча қилди: “Саврий – ҳадис илмининг имоми, аммо суннат илмининг эмас. Авзоъий–суннат илмининг имомидир, ҳадис илмининг эмас. Молик – ҳам ҳадис, ҳам суннат илмининг имомидир”. Заҳабий шундай дейди: “Имом Моликда мен бошқа кишиларда биргаликда учратмаган қуйидаги хислатлар жам бўлган эди:

- 1 Умрининг узоқлиги ва ривоятларнинг олий даражадалиги.
2. Ўткир зеҳн, фаҳм ва чуқур билим.
3. Ривоятларининг ишончлигига имомларнинг иттифоқ қилгани.
4. Диёнатли, адолатли, суннатга эргашувчи эканига уламолар яқдиллик билан гувоҳлик бергани.
5. Фикҳда, фатвода пешқадам ва усул қоидаларнинг ишончилиги.

“Муваддо” китобини шарҳлаган Имом Зарқоний шундай деди:

“Имом Молик (р.х.) 900 шайхдан илм ўрганди, 70 та имом у кишига рухсат бергандан сўнггина фатво беришни бошлади. Ўз қўли билан 100 мингта ҳадисни ёзди, 17 ёшида дарс беришни бошлаган эди”.

Саволларга жудаям эҳтиёткорлик билан жавоб берар эди. Бир куни ундан 80 саволнинг жавоби сўралганда 32 тасига билмайман деб жавоб бергани манбаларда қайд этилган.

5.3. Моликий мазҳаби таълимоти

Имом Молик умрининг асосий қисми Мадинада ўтди. У яшаган даврда илм бобларга бўлинмаган ва ягона тартибга келтирилмаган эди. Шунинг учун ҳам Имом Молик (р.х.) ўз мазҳабига асос солишда қандай фикҳий

усулдан фойдаланганини тарихий китоблардан топа олмаймиз. Фақат кейинги даврда фаолият кўрсатган моликий уламолар бу мазҳабнинг усул қоидаларини шакллантирдилар. Лекин уларда Имом Моликдан ташқари, бу мазҳабдаги бошқа мужтаҳидларнинг фикрлари ҳам аралаш ҳолда баён қилинган эди. Шундай бўлса-да, Имом Моликнинг асосий асари бўлмиш “Муватто”га қараганда, моликий мазҳабининг асослари қуйидагилардир:

1. Қуръони карим.
2. Суннат набавия.
3. Саҳобалар сўзлари.
4. Ижтиҳод ва қиёс.
5. Истеҳсон.
6. Ал-маслаҳа ал-мурсала.
7. Урф.

Эътиборли жиҳати, Имом Молик ижмоъдан манба сифатида фойдаланишда, асосан, Мадина аҳлининг ижмоъсини назарда тутган. Негаки, Молик ибн Анас ушбу шаҳар аҳлини пайғамбар ҳамда саҳобалар йўл-йўриқларини билиб олган ва унга асосланиб келган деб ҳисобларди.

Асосий таянч тушунчалар:

Моликий мазҳабининг асосчиси **Абу Абдуллоҳ Молик ибн Анас ал-Асбахий** (р.х.) **93/ 713 –179/795**-йилларда яшаган.

Имом Молик ҳам муҳаддис, ҳам фақиҳ бўлиб, “Имомул-Мадина”, “Имому дорил-хижра”, яъни Мадина шаҳрининг имоми деган унвонга мушарраф бўлган.

Имом Молик Ҳорун ар-Рашидга бағишланган **23 саҳифали рисола**, Ибн Ваҳбга ёзган **“Қадария фирқасига тақдир масаласида раддия”** ҳақидаги рисола, қозилар учун ёзилган **10 жузлик “Қозилик ҳақидаги китоб”**, Ғассон Муҳаммадга ёзилган **“Фатво ҳақидаги”** рисола каби

асарлар муаллифидир. Уларнинг ичида энг машхури ва муҳими **“Муваддо”** китобидир.

Имом Молик Абдуллоҳ ибн Муборак, Ибнул Маҳдий, Абдуллоҳ ибни Юсуф, Имом Шофеий, Имом Муҳаммад ибн Ҳасан кабиларга устозлик қилган.

Имом Зарқоний: “Имом Молик (р.х.) **900** шайхдан илм ўрганди, **70** та имом у кишига рухсат бергандан сўнггина фатво беришни бошлади. Ўз қўли билан **100** мингта ҳадисни ёзди, **17** ёшида дарс беришни бошлаган эди”, дея таъкидлаган.

Моликий мазҳабининг асослари қуйидагилардир: Қуръони карим, саҳобалар сўзлари, ижтиҳод ва қиёс, истехсон, ал-маслаҳа ал-мурсала, урф.

Имом Молик ижмоъни асос қилиб олишда, асосан, Мадина аҳлининг ижмоъсини назарда тутган. Негаки, Молик ибн Анас ушбу шаҳар аҳлини пайғамбар ва саҳобалар йўл-йўриқларини билиб олган ва унга асосланиб келган деб ҳисобларди.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Имом Молик қайси йилларда ҳаёт кечирган?
2. Имом Моликнинг насл-насаби ва ёшлик йиллари ҳақида маълумот беринг?
3. Имом Моликнинг илм олиши ва устозлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Имом Молик асарлари ҳақида маълумот беринг?
5. Имом Моликнинг машхур асари қайси ?
6. “Олтин санад” нима?
7. Имом Моликнинг шогирдлари ҳақида нималарни биласиз?
8. Моликий мазҳабининг асосларини баён қилинг?
9. Моликий мазҳабида ижмоънинг ўрни қандай ?

**Фойдаланиш учун тавсия этилаётган
манба ва адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. : Ўзбекистон, 2008.
2. Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Ўқув қўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002.
3. Уинтер Т. (Абдулҳаким Мурод) ХХІ асрда ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш) – Тошкент : Шарқ, 2005.
4. Ҳасанов А. Ислом тарихи. Ўқув қўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
5. Хуснидинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
6. Муҳаммад Али ал-Кутб. Основатели четырех мазхабов. – Санкт-Петербург: ДИЛЯ, 2005.
7. Муҳаммад Абу Заҳра. Молик: ҳаётуҳу ва асруҳу ва ороуҳул-фикҳия – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1997.
8. Муҳаммад Абу Заҳра. Тарих ал-мазаҳиб ал-исламия. – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1996.
9. Абдулваҳҳоб Зоҳид. Ҳаёт ал-аимма ал-арбаъа. – Чонжу. Жанубия Корея,. 2003.
10. Абдулкарим Шаҳристоний. Ал-милал ван-ниҳал. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992.
11. Абдулқоҳир Бағдодий. Ал-фарқ байнал-фирақ. – Байрут: Ал-Мактаба ал-асрия, 1996.

6–БОБ. ШОФЕЙИЙ МАЗҲАБИ

6.1. Имом Шофейий ҳаёти ва фаолияти

6.2. Имом Шофейий мероси, шогирдлари ва издошлари

6.3. Шофейий мазҳаби таълимоти

6.1. Имом Шофейий ҳаёти ва фаолияти

Шофейий мазҳаби асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон Шофеййдур. У 150/767 – 204/ 820-йиллар давомида ҳаёт кечирди. Насаби пайғамбарнинг амакиси бўлмиш Ҳошим ибн Мутталибга бориб тақалади. Шофейий номи бобоси Шофиъ исми билан боғлиқдир. Заҳабий айтишича, Имом Шофейий (р.х.) Фаластиннинг Ғазо минтақасида туғилган. Икки ёшлигида отаси вафот этади, онаси унинг олийжаноб наслини сақлаб қолиш ниятида Маккага қариндошлар олдига олиб кетади, у ерда то Қуръонни ёд олиб, араб тили ва шеърятини мукаммал ўргангунича яшаб қолади. Шундан сўнг у саҳрога - Ҳузайл қабиласига юборилади. Бу қабила эса ўзининг суҳанзабонлиги ва шеърӣ анъанаси билан машҳур эди. Муҳаммад ибн Идрис кейинчалик Мадинага бориб Имом Молик даврасида фикҳни ўрганди.

Имом Шофейий (р.х.) илм ўрганишга жудаям қизиқувчан эди. Ўз давридаги таниқли олимларнинг сўзларини ривоят қилган.

Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний, Муҳаммад ибн Холид Жундий, Муслим ибн Холид Занжий, Марвон ибн Муовия, улуғ имомлардан бири бўлмиш Вакеъ ибн Жароҳ каби кўплаб олимлар Шофейийга устозлик қилдилар. Макка қориси Исмоил ибн Қустантиндан Қуръонни тажвид билан ўқишни ўрганди. Илм талабида кўп сафар қилар эди. Ёш пайтларида машҳур олим Сўфён бин Уяйна мажлисида ўтирар

эди. Ундан тафсир ёки фатво ҳақида бирор масала сўраб келишса, Шофеийга ўгирилиб: “Мана шу йигитдан сўранглар!” дер эди.

Шофеий Имом Молик вафотидан сўнг Яманда фаолият олиб боради. “Алийчи”ларга хайрихоҳликда айбланиб, Ироққа халифа Ҳорун ар-Рашид саройига олиб келиниб сўроққа тутилади. У ўзини моҳирона ҳимоя қилиши ва Имом Аъзам шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ҳомийлиги сабабли омон қолади.

Шофеий ҳадис ва фикҳ борасида улкан даражаларга эришди. Илм излаб жуда кўп марта сафар қилди. Ҳамидий айтади: “Бир гал Шофеий Ямандан келганида ёнида 20 минг динар бор эди ва Макка ташқарисига чодир қуриб, то ана шу 20 минг динарни эҳсон қилиб, сарфлагунича ўша ерда яшади”. У тиламчини ёки ундан бирон нарсани сўрагани рад қилишдан ҳаё этарди. Рабиъ айтади: “Имом Шофеий (р.х.) ундан бирон нарсасини бериб юборишга шошиларди. Уни кишилар ҳақини биладиган, уларга хусни хулқ билан муомала қиладиган жудаям одобли киши сифатида билар эдик”.

Шофеий ўзининг илм олиши ҳақида шундай деган: “Мен Қуръондан, ҳадисдан, наҳвдан ёки шунга ўхшаш бошқа илмлардан бирор нарсани ўрганадиган бўлсам, бу ўрганиш жараёнида ҳамиша одоб - ахлоққа риоя қилар эдим, Мадинага келгунимча бу менинг одатим эди. Унда мен Имом Моликни кўрдим. Унингдек илмни улуғлайдиган, салобатли кишини учратмаган эдим. Одоб - ахлоққа бўлган аҳамиятим шу даражада ошдики, Имом Молик дарсларида ул киши варақ шитирлашини эшитмасликлари учун китобни ниҳоятда мулойимлик билан варақлар эдим”.

6.2. Имом Шофеий мероси, шогирдлари ва издошлари

Имом Шофеийнинг устозлари кўп бўлгани каби шогирдлари ҳам кўпдир. Ундан Имом Аҳмад ибн Ханбал, Ҳамидий, Абу Убайд, Абу Савр, Робиъ ал-Муродий, Заъфароний каби кўплаб илм пешволари таълим олганлар. Исҳоқ ибн Роҳавайҳ айтадилар: “Маккада Аҳмад ибн Ханбал менга: “Бу ёққа кел, мен сенга ҳали кўзларинг ўхшашини умуман кўрмаган бир кишини кўрсатаман”- деб, мени Имом Шофеийни олдига олиб борди. Демак, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ Шофеийдан таълим олган, Аҳмад ибн Ханбал эса унинг энг етук шогирдларидандир.

Имом Шофеий (р.х.) ёшлик чоғиданоқ уламолар томонидан кучли зеҳн ва заковат соҳиби дея тавсифланган. Шофеий Имом Моликнинг олдига бориб, “Муватто” китобини ёддан айтиб берганида у шундай деган экан: “Агар бир киши нажот топса ҳам мана шу йигит бўлади”. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ҳам Шофеийни кўрганида уни улуғлаб, иззат-икром қилар эди. Бу ҳақда Абу Ҳасан аз-Зиёдий шундай дейди: “Имом Муҳаммад ибн Ҳасаннинг аҳли илмлар орасида бирор кишини Шофеийчалик иззат-икром қилганини кўрмадим”. Аҳмад ибн Ханбал шундай деган: “Бирон киши қалам ёки сиёҳдон ушлайдиган бўлса, у албатта Шофеийдан миннатдор бўлиши керак”.

Тарихий манбаларда Имом Шофеийнинг асарлари ҳақида маълумотлар қайд этилган. У ёзган биринчи китоб “Ҳужжат” деб аталади. Унда ҳадис фикҳи, айнан Мадина аҳли фикҳи ҳақида сўз юритилади. Имом Шофеий (р.х.) Мисрга келганидан сўнг ўзининг “Ал-Умм” деган машҳур китобини ёзди. Шунингдек, “Амалил-кубро”, “Имлоус-сағир” каби асарларини ҳам таълиф қилди. Рабиъ ибн Сулаймон айтади: “Имом Шофеий бу ерда, яъни Мисрда яшаган тўрт йил муддат ичида бир ярим минг варақ ҳажми миқдорида асарлар ёзди. Бундан ташқари “ал-Умм” китоби икки минг варақ эди ва ҳоказо кўплаб асарлар ёзди”.

6.3. Шофейй мазҳаби таълимоти

Имом Шофейй ҳижрий иккинчи асрнинг ўрталарида ҳаёт кечирди. Мадинада имоми Молик ибн Анасдан таълим олиб “Муваатто” китобини ёдлади. Сўнг Ироқда истиқомат қилган чоғида Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибни Ҳасан Шайбонийдан фикҳ илми бўйича Ироқ аҳли йўналишини ўрганди. Бу орқали Имом Абу Ҳанифанинг илмини ва фикҳий усулини ёд олди. Натижада Шофейй (р.х.) ҳижозликлар илми билан ироқликлар илмини жамлашга муваффақ бўлди. Илмда юксак мартабага эришган Муҳаммад ибн Идрис биринчи бўлиб фикҳий усулларни тартибга солди ва бу борада унинг илк китоби айнан шу эди. Шофейй бу китобда шундай дейди: “Илм икки хилдир: тақлид ва истинбот (яъни мустақил фатво чиқариш). Тақлид - ҳукм олишда Қуръони каримга, агар ундан топилмаса суннатга, агар ундан ҳам топилмаса, солиҳ олимларнинг кўпчилигига эргашишдир. Агар ундан ҳам топилмаса, Қуръони карим оятларига қиёс қилинади. Ундан ҳам топилмаса, кўпчилик салафларнинг сўзларига қиёс қилинади. Агар қиёс қилишда ихтилоф қилишгача борилса, ҳар ким ўзича ижтиҳод қилади”.

Юқоридаги сўзлардан шофейй мазҳабининг манбалари қуйидагилар экани маълум бўлади:

- 1.Қуръони карим.
- 2.Суннати мутоҳҳара.
- 3.Саҳобалар қавллари.
- 4.Қиёс.
- 5.Ижтиҳод.

“Исломда ҳуқуқ” китоби муаллифлари фикрича, унинг даврида ҳуқуқий истидлол, яъни фатволарни далиллар билан асослаш жуда ривожланади. Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадисларга бўлган чуқур ишонч Шофеййга бошқа бирор ҳадисни очиқ шаклда рад қилиш имконини

бермайди. У фақат ривоятга қарши ривоят топилгандагина бундай имкониятга эга бўларди.

Асосий таянч тушунчалар:

Шофеий мазҳаби асосчиси **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон Шофеий**дир.

Шофеий (р.х.) **150/767 – 204/ 820**-йиллар давомида яшаган.

Насаби пайғамбарнинг амакилари бўлмиш Ҳошим ибн Мутталибга бориб тақалади. Шофеий Фаластиннинг Ғазо минтақасида туғилган.

Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Шайбоний, Муҳаммад ибн Холид ал-Жундий, Муслим ибн Холид аз-Занжий, Марвон ибн Муовия, Сўфён бин Уяйна, улуғ имомлардан бири бўлмиш Вакеъ ибн Жароҳ, Макка қориси Исмоил ибн Қустантин каби кўплаб уламолар Шофеийга устозлик қилдилар.

Имом Шофеийдан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Ҳамидий, Абу Убайд, Абу Савр, Робий ал-Муродий, Заъфароний, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ каби кўплаб илм пешволари таълим олганлар.

Имом Шофеий **“Ҳужжат”, “Ал-Умм” “Амалил-кубро”, “Имлоус-сағир”** каби асарларни тасниф қилган.

Шофеий ҳижозликлар илми билан ироқликлар илмини жамлашга муваффақ бўлди. Шофеий мазҳабининг манбалари қуйидагилар:

- 1.Қуръони карим.
- 2.Суннати мутоҳҳара.
- 3.Саҳобалар қавллари.
- 4.Қиёс.
- 5.Ижтиҳод.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Имом Шофеийнинг тўлиқ исми ва насл-насаби ҳақида маълумот беринг?
2. Шофеий қайси йилларда ҳаёт кечирган?
3. Шофеийнинг устозлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Шофеий илм олиш йилларида моликий ва ҳанафий мазҳабларининг қайси вакилларидан таълим олди ?
5. Имом Шофеий асарлари ҳақида маълумот беринг?
6. Имом Шофеий шогирдлари ва издошларидан кимларни биласиз?
7. Шофеий мазҳаби таълимоти нималарга асосланади?
8. Шофеий мазҳабида истехсоннинг ўрни ҳақида маълумот беринг?

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган

манба ва адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т. : Ўзбекистон, 2008.
2. Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Ўқув қўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002.
3. Ҳасанов А. Ислом тарихи. Ўқув қўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
4. Хуснидинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.: Мовароуннахр, 2000.
5. Муҳаммад Али ал-Кутб. Основатели четырех мазхабов. – Санкт-Петербург: ДИЛЯ, 2005.
6. Муҳаммад Абу Захра. Аш-Шафийй: ҳаётуху ва асруху ва ороухул-фикҳия – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1997.
7. Муҳаммад Абу Захра. Тарих ал-мазаҳиб ал-исламия. – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1996.

8. Абдулваҳҳоб Зоҳид. Ҳаёт ал-аимма ал-арбаъа. – Чонжу. Жанубия Корея,. 2003.
9. Абдулкарим Шаҳристоний. Ал-милал ван-ниҳал. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992.
10. Абдулқоҳир Бағдодий. Ал-фарқ байнал-фирақ. – Байрут: Ал-Мактаба ал-асрия, 1996.

7–БОБ. ҲАНБАЛИЙ МАЗҲАБИ

7.1 Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳаёти ва фаолияти

7.2 Имом Аҳмад мероси, шогирдлари ва издошлари

7.3 Ҳанбалий мазҳаби таълимоти

7.1 Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳаёти ва фаолияти

Ҳанбалийлик асосчиси Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдир. У 164/780 – 241/855-йилларда ҳаёт кечирган. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг тўлиқ исми – Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн Асад аз-Зухалий ал-Марвазий ал-Бағдодийдир. Келиб чиқиши араблардан бўлмиш Аҳмад ибн Ҳанбалнинг наслу насаби Робиа Аднония исмли машҳур аёл мансуб бўлган Шайбон қабиласига бориб тақалади. Шайбоннинг насаби Наззор ибн Маъд ибн Аднонда Муҳаммад (а.с.) насаби билан туташади. Аҳмад ибн Ҳанбал отасидан эрта айрилади ва унинг тарбияси билан онаси шуғулланди.

Абу Заҳра шундай дейди” :Аҳмад ибн Ҳанбал) р.х (.Бағдодда ўсиб вояга етди ва у ерда ўзининг илк таълим тарбиясини олди .Бағдод ўша пайтда фикҳ, ҳадис, луғат, фалсафа ва бошқа илм соҳаларнинг олимлари билан тўлқинланиб турарди”.

Аҳмад ибн Ҳанбал Бағдод шайхларидан таълим олгач, кўплаб мамлакатларга сафар қилди: Ҳижоз, Яман, Шом. Аҳмад ибн Ҳанбал (р.х.)нинг устозларини санаб адоғига етиш қийин: Ҳаммод ибн Холид, Усмон ибн Умар, Муҳаммад ибн Язид, Язид ибн Ҳорун, Абдурахмон ибн Маҳдий, Вакиъ ибн Жароҳ, Муҳаммад ибн Идрис Шофеий, Иброҳим ибн Саъд Зухрий. Имом Абу Ҳанифанинг энг яқин шогирдларидан бўлмиш Имом Абу Юсуфдан ҳанафий фикҳини ўрганди. Имом Шофеийни устоз

деб билиб, ундан ҳам фикҳ илмини ўрганди. Шунингдек, Яманга бориб Абдураззоқ ибн Хумордан таълим олди.

Мана шундай илм муҳитида ўсган Аҳмад ибн Ҳанбал фикҳ ва ҳадис имомларидан бирига ҳамда бутун ислом оламида эргашиладиган мазҳаб соҳибига айланди. У ҳусни хулқ соҳиби бўлиб, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ростгўй эди. Ривоят қилинишича, аббосийлар сулоласи вакили Мутаваккил ўз ходимидан Аҳмад ибн Ҳанбалга салом айтиб, 10 минг дирҳам бериб юборади. Имом Аҳмад тухфани олиб келган ходимга: “Сен буларнинг ҳаммасини эҳсон қилиб юбор”, - деб пулларни қабул қилмайди. Шунда ходим: “Эй, Абу Абдуллоҳ, агар сен бу пулларни қайтарсанг, ҳукмдор билан ўрталарингга низо тушиб қолишидан қўрқаман. Сенга маслаҳатим, уларни қабул қил”,-дея уларни Имом Аҳмаднинг олдига қўяди ва ўзи кетади. Тун охирлаб қолганда Имом Аҳмад ўз аҳли аёлларини, амакиларининг ўғилларини чақиртириб, уларга шундай деди: “Мен бу кеча ухлай олмадим”. Улар биргаликда Басра ва Бағдоддаги илм аҳлларида муҳтож кишиларнинг исмларини ёзиб чиқдилар. Тонг отгандан сўнг Аҳмад ибн Ҳанбал (р.х.) ҳар бир кишига эллик дирҳамдан то юз-икки юз дирҳамгача бериб, пулларни тарқатиб юборди. Ўзида бирор дирҳам ҳам қолмади.

7.2 Имом Аҳмад мероси, шогирдлари ва издошлари

Аҳмад ибн Ҳанбал кўплаб шогирдларга устозлик қилди. Зеро, ундан катта бир жамоа ҳадис ривоят қилган. Шогирдлари саналмиш Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Муслимнинг ўғли Абдуллоҳ ибн Муслим, Абу Довуд, Абу Заръа, Абдуллоҳ ибн Аҳмад, Абулқосим, Мусо ибн Ҳорун ва ҳаказо кўплаб кишилар Аҳмад ибн Ҳанбал (р.х.)дан эшитган ва ўрганганларини ривоят қилган.

Али ибн Мадиний шундай деган экан: “Бизнинг орамизда Аҳмад ибн Ҳанбалдан кўпроқ илмни ёд билувчи кимса йўқдир”. Замондошлари Ал-

Қосим ибн Салом шундай дейди: “Тўрт киши мукаммал илм соҳибидир. Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн Мадиний, Яҳё ибн Муъин ва Абу Бакр ибн Аби Шайба”. Аҳмад ибн Ҳанбал уларнинг энг фақиҳидур. Мен ундан кўра суннатни яхшироқ биладиган кишини кўрмадим”. У билан сафарда ва ватанда бирга бўлган соҳиблари шундай дейди: “Аллоҳга қасамки, биз Аҳмад қодир бўлган нарсага қодир эмасмиз ва унинг йўлидан юра олмаймиз”. Уламолар Аҳмад ибн Ҳанбал ҳақида ёмон фикр билдирганларнинг дини ва мусулмончилигига шубҳа билан қараганлар. Аҳмад ибн Иброҳим шундай дейдилар: “Кимки Имом Аҳмадни ёмонлаётганини эшитсангиз унинг мусулмончилигига шубҳа қилаверинг”.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (р.х.) фикҳ билан бирга ҳадиси шарифни ўрганишга берилган бўлиб, кўплаб ҳадисларни ёдлар эди. У яшаган даврда бирор бир масала топилмас эдики, у тўғрисида Абу Ҳанифа, Молик, Шофеий каби машойихлар фатво бермаган бўлсин. Шундан бўлса керак, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал фақат зарур деб ҳисоблаган баъзи масалалар бўйичагина фатво берган ва ўзининг фикҳий масалаларини тўплаб китоб қилишга ботина олмаган. Аммо, бошқа мавзуларда кўплаб китоблар ёзган. Ибн Надим ал-Бағдодий Аҳмад ибн Ҳанбал тасниф қилган қуйидаги асарларни санаб ўтган:

1. Амал китоби.
2. Тафсир китоби.
3. Носих ва мансух китоби.
4. Зухд китоби.
5. Масалалар китоби.
6. Фазилатлар китоби.
7. Маносик китоби.
8. Имон китоби.

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг энг машҳур асари “Муснад” бўлиб, у ўз ичига ўттиз мингдан ортиқ ҳадисни жамлаган.

7.3 Ҳанбалӣ мазҳаби таълимоти

Аҳмад ибн Ҳанбал ҳадисшунослик бўйича катта шуҳрат қозонди. Бир гуруҳ машҳур муҳаддислар, жумладан, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Муслим ибн Ҳажжож кабилар ундан ҳадис ривоят қилганлар. У ўзига хос фикҳий қарашларга эга эди ва мазкур қарашлари билан бошқа мазҳаб тарафдорларидан ажралиб турарди. Гуноҳи кабираларга қўл урган киши ҳақида мўътазила тоифасининг гуноҳ қилган киши мўмин эмас, деган фикрини рад қилди.

Аҳмад ибн Ҳанбал (р.х.) ўз услубига таянган ҳолда ҳанбалӣ мазҳабига асос солди ва уни ривожлантиришда Маккада Ибн Аббос орқали куртаклари ўса бошлаган илк ҳуқуқий мактабдан фойдаланди. У Қуръон, суннат, саҳобалар сўзлари ва ижмоъга асосий эътиборни қаратиб, қатъий зарурат бўлмаса қиёсдан фойдаланмаган. Барча ҳадисларни, ҳатто оҳод хабар ва саҳобалар қавлини қиёсдан устун қўярди.

Ҳанбалӣларга биноан фикҳ асослари бешта:

1. Қуръон ва сунна матнлари.
2. Саҳобаларнинг фатволари.
3. Қуръон ва суннага мувофиқ бўлса, айрим саҳобанинг қавллари.
4. Исноди заиф ёки оҳод ҳадислар.
5. Мутлақо иложсиз қолганда, қиёс бўйича ҳукм чиқариш.

Асосий таянч тушунчалар:

Ҳанбалӣлик асосчиси **Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдир**. У ҳижрий 164/780- 241/855-йилларда ҳаёт кечирган

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг тўлиқ исми - **Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн Асад аз-Зухалий ал-Марвазий ал-Бағдодийдир**.

Имом Шофеий, Имом Абу Юсуф, Ҳаммод ибн Холид, Усмон ибн Умар, Муҳаммад ибн Язид, Язид ибн Ҳорун, Абдурахмон ибн Маҳдий, Вакеъ

ибн Жароҳ, Иброҳим ибн Саъд Зухрийлар Аҳмад ибн Ҳанбал (р.х.)нинг устозларидир.

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг машҳур шогирдлари: Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Муслимнинг ўғли Абдуллоҳ ибн Муслим, Абу Довуд, Абу Заръа, Абдуллоҳ ибн Аҳмад, Мусо ибн Ҳорун кабилар.

Ибн Надим ал-Бағдодий ўз китобида Аҳмад ибн Ҳанбал (р.х.) тасниф қилган қуйидаги асарларни санаб ўтган: **“Амал китоби”, “Тафсир китоби”, “Носих ва мансук китоби”, “Зухд китоби”, “Масалалар китоби”, “Фазилатлар китоби”, “Маносик китоби”, “Имон китоби”**. Унинг энг машҳур китоби **“Муснад”** бўлиб, у ўз ичига ўттиз мингдан ортиқ ҳадисни жамлаган.

Ҳанбалийларга биноан фикҳ асослари бешта: 1.Қуръон ва сунна матнлари. 2.Саҳобаларнинг фатволари. 3.Қуръон ва суннага мувофиқ бўлса, айрим саҳобанинг қавллари. 4. Исноди заиф ёки оҳод ҳадислар. 5. Мутлақо иложсиз қолганда, қиёс бўйича ҳукм чиқариш.

Аҳмад ибн Ҳанбал яшаган даврда бирор бир масала топилмас эдики, у тўғрисида Абу Ҳанифа, Молик, Шофеий каби мужтаҳидлар фатво бермаган бўлсин. Шундан бўлса керак, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал фақат зарур деб ҳисоблаган баъзи масалалар бўйичагина ижтиҳод қилиб фатво берган ва ўзининг фикҳий масалаларини тўплаб китоб қилишга ботина олмаган.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Аҳмад ибн Ҳанбал қайси йилларда ҳаёт кечирган?
2. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг тўлиқ исми ва насл-насаби ҳақида маълумот беринг?
3. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг илм олиши ва устозлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг устозлари орасида мазҳаб асосчилари борми ?

5. Аҳмад ибн Ҳанбал мероси ҳақида нималарни биласиз?
6. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг машҳур асари ҳақида маълумот беринг?
7. Ҳанбалий мазҳаби асосларини баён қилинг?
8. Ҳанбалий мазҳаби таълимотининг бошқа мазҳабларга нисбатан кам тарқалганининг сабаби нима?

**Фойдаланиш учун тавсия этилаётган
манба ва адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Ўқув кўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002.
3. Ҳасанов А. Ислом тарихи. Ўқув кўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
4. Хуснидинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.: Мовароуннахр, 2000.
5. Муҳаммад Али ал-Кутб. Основатели четырех мазхабов. – Санкт-Петербург: ДИЛЯ, 2005.
6. Муҳаммад Абу Заҳра. Ибн Ҳанбал: ҳаётуҳу ва асруҳу ва ороуҳул-фикҳия. – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1997.
7. Муҳаммад Абу Заҳра. Тарих ал-мазаҳиб ал-исламия. – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1996.
8. Абдулваҳҳоб Зоҳид. Ҳаёт ал-аимма ал-арбаъа. – Чонжу. Жанубий Корея, 2003.
9. Абдулкарим Шахристоний. Ал-милал ван-нихал. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992.

10. Абдулқоҳир Бағдодий. Ал-фарқ байнал-фирақ. – Байрут: Ал-Мактаба ал-асрия, 1996.

ОҚИМЛАР ТАРИХИ

8-БОБ. VIII-XI АСРЛАРДА ЮЗАГА КЕЛГАН ОҚИМЛАР

8.1. Хорижийликка мансуб оқимлар

8.2. Шиалик оқимлари

8.3. Мўътазилийлар

8.4. Муржийлар

8.5. Қадарийлар

8.6. Жаҳмийлар

8.1. Хорижийликка мансуб оқимлар

Йўналишларга бағишланган бобда хорижийлар ҳақида сўз борган эди. Шу ўринда бир мулоҳаза. Оқим сўзи араб тилида “фирқа” сўзига маънодош бўлиб, ажралиб чиқувчи деган маънони билдиради. Исломда оқим–фирқаларга бўлиниш ман қилинган. Қуръони каримда Аллоҳ бандаларини тафриқа, яъни фирқа-гуруҳларга бўлинишдан қайтарган. Эътиборли жиҳати, мусулмонлар жамоасидан ажралиб чиққан оқимнинг ўзи ҳам яхлит эмас. Балки, ҳар бир оқим ўз ичидан яна турли тоифа ва гуруҳларга бўлинишини кузатиш мумкин. Мусулмонларнинг 73 оқимга бўлиниб кетиши, биттасидан бошқа ҳаммаси тўғри йўлдан адашиши ҳақида ҳадис борлиги маълум. Лекин, 73 оқим деганда барча жиҳатда бир-биридан тамомила фарқ қилувчи гуруҳларни тушуниш керак эмас. Балки, 73 оқимнинг асосий қисмини ички жиҳатдан ўнлаб кичик тоифаларга бўлиниб кетган йўналишлар ташкил қилади. Улардан бири – хорижийлардир. Манбаларда қайд этилишича, хорижийлар 20 тоифага бўлиниб кетган. Уларнинг ичидан машҳурларини зикр қилиш ўринли:

1. Азракийлар. Хорижийларнинг ашаддий тоифаси. Нофеъ ибн Азракга эргашганлар. Ўзларига мухолиф бўлганларни дўзахда абадий қолувчи мушрик деб ҳисоблайдилар. Улар билан урушиш, ҳатто аёллари ва болаларини ҳам қатл қилиш мумкин, деб даъво қиладилар. Бу тоифа мухолифларининг болаларини ҳам гуноҳкор ва дўзахий деб эълон қилган. Азракийлар бузғунчиликлари узоқ давом этмай, уммавийлар таъқиби остида тугатилди.

2. Нажадот. Нажда ибн Уваймирга эргашганлар. Улар агар кишилар келишиб яшаса, раҳбарнинг кераги йўқ деган ғояни илгари сурдилар. Шиаларга ўхшаб “тақия”ни жоиз деб билдилар. Яъни, ўз эътиқодини яширишини ва ўзлари учун муносиб пайт келмагунча уни ошкора қилмасликни ихтиёр этдилар. Кейинчалик, ораларидан ихтилоф чиқиб, нажадотнинг ўзи уч оқимга бўлиниб кетди. Улардан бирига Абу Фадик деган киши бошчилик қиларди ва энг бебош фирқага айланди. Бу тоифанинг устига Абдумалик ибн Марвон қўшин юбориб, тор-мор қилди. Нажадотнинг бошқа гуруҳлари ҳам аста-секин йўқ бўлиб кетди.

3. Суфрийлар. Зиёд ибн ал-Асфарга эргашганлар. Уларнинг қарашлари азракийларчалик ашаддий бўлмаса-да, хорижийларнинг бошқа оқимларига нисбатан кескинроқдир. Масалан, азракийлар гуноҳ кабира қилган инсонни мушрикка чиқарадилар, суфрийлар эса бундай қарашда эмас. Суфрийлар асосан ҳукумат қўшинига қарши кураш олиб борган тоифадир. Бора-бора уларнинг раҳнаmolари ҳам, аскарлари ҳам жангу жадалларда йўқ бўлиб кетди. Ҳозирги даврда бу тоифа мавжуд эмас.

4. Ибозийлар. Абдуллоҳ ибн Ибозга эргашганлар. Бу тоифа хорижийлар ичида нисбатан ювош ва муросачи ҳисобланади. Бу фирқа хорижий бошқа мусулмонлар билан оила курса ва мерос олса бўлади, деб ҳисоблайди. Ибозийлар ҳозир ҳам араб мағрибида яшаб келмоқдалар.

5. Қаъадийлар. Араб тилидаги “қаъада”, яъни ўтирмак сўзидан олинган. Қаъадийлар уйда ўтирса-да, давлат раҳбарига қарши ташвиқот

қилувчилардир. Ислом тарихи билимдонлари мазкур тоифа ҳақида хабар берар экан, мазкур фирқанинг хорижийлар ичидаги энг зарарли оқим дея эътироф этилганини таъкидлайдилар. Сабаби, азракий, суфрий каби хорижийларнинг ашаддий тоифаларини ажратиб олиш қийин бўлмаган. Чунки улар ошкора қаршилик кўрсатганлар. Ошкора қаршилик кўрсатганларни топиб, жазолаш нисбатан осон бўлган. Аммо, қаъадийлар давлатга қарши очик-ойдин фаолият олиб бормас эдилар, балки кишилар орасида юриб, ҳукуматни ёмонлаб, иғво ва фитна тарқатардилар. Бу қилмиш эса инсонларнинг гуруҳларга бўлиниб кетишига ва халқ орасида жуда катта зиддият ва ихтилофлар, ҳатто қонли тўқнашувларнинг келиб чиқишига олиб келадиган оғир иллатдир.

Аҳмад ибн Ҳанбал даврида Солиҳ ибн Ҳасан ибн Ҳай деган обид ўзининг ибодати ва тақвоси билан машҳур бўлди. Лекин, давлатга қарши гапларни тарқатарди. Шунда Аҳмад ибн Ҳанбал Солиҳ ибн Ҳасаннинг бу ишини танқид қилиб: “У ибодат орқали топган обрўси билан инсонларни фитнага рўпара қилди” дея иғво тарқатиш қанчалик зарарли эканини таъкидлади.

8.2. Шиалик оқимлари

Шиаликни суннийликдан ажратган асосий масала имомат, яъни муслмонларга ким раҳбар бўлиши эди. Айнан шу масалада шиаликнинг ўзи ҳам ички жиҳатдан бир қанча кичик фирқаларга бўлиниб кетди. Эътиборлиси, бу бўлиниш кейинчалик, нафақат кимнинг имом бўлиши борасида, балки бошқа масалаларда ҳам фарқланишга олиб келди.

Сабаия. Абдуллоҳ ибн Сабаъ тарафдорлари. Усмон ибн Аффон даврида унга қарши адоватни тарқатганлардан. Ибн Сабаъ кишилар орасида юриб, турли хил иғво ва фитна гапларни қўзғаб юрар эди. Гўёки “Таврот”да ҳар бир пайғамбарнинг васийси, яъни ўзидан сўнг бир инсонни васият қилиб қолдириши ёзилган, Али (р.а.) ҳам Муҳаммад (а.с.)нинг

васийси ҳамда олдин ўтган васийларнинг энг яхшиси қабилидаги гапларни тарқатар эди. Шунингдек, Исо пайғамбар қайтиб келиши каби Муҳаммад (а.с.) ҳам ҳали дунёга қайтиб келади каби иддаоларни одамлар орасида ёярди. Ибн Сабаъ бундай миш-мишларни тарқатишда шу даражага чикдики, ҳатто Алини худо дейишгача борди. Али ибн Аби Толиб бу гаплардан хабар топганида Ибн Сабаъни тутиб, жазоламоқчи бўлди, лекин саҳобалар кишилар ўртасида ихтилоф ва зиддиятлар кўпайиб кетиши хавфи мавжудлигини айтганларидан сўнг бу фикридан қайтди ва уни Мадоин шаҳрига сургун қилди.

Али ибн Аби Толиб (р.а.) вафотидан сўнг Ибн Сабаънинг фитнаси кучайиб кетди, у одамларни Али ўлмаган, балки унинг суратига кириб олган шайтон ўлган, Али қайтиб келади, деб ишонтиришга ҳаракат қиларди. Ибн Сабаъ осмондаги момоқалдироқни Алининг товуши, чакмоқни эса унинг табассуми дер эди. Сабаъийлар хурофотда шу даражага етдиларки, агар момоқалдироқ гумбурласа, самога қараб: “Ассалому алайкум эй, амирал—муъминийн”, деб салом беришгача бордилар.

Ғуробия. Бу тоифанинг даъвоси ажабланарли. “Ғуроб” сўзи “қарға” деган маънони англатади. Ғуробиянинг фикрича, Муҳаммад (а.с) Алига худди қарға қарғага ўхшагани каби ўхшар эди. Бинобарин, Жаброил фаришта ваҳий олиб келишда Муҳаммадни Али билан адаштириб қўйган, деган иддаони илгари сурди. Бу фикрлар мантиқ ва ҳақиқатдан йироқ эканини олимлар асослаб берганлар. Биринчидан, Муҳаммад (с.а.в.) ва Али (р.а.) кўрганда адаштириб қўядиган даражада ўхшаш бўлишмаган. Бу тарихий манбаларда акс этган. Иккинчидан, агар улар жуда ўхшаш бўлган тақдирда ҳам, Муҳаммад (а.с.)га ваҳий келганида у киши 40 ёшда, Али 9 ёшда бўлган. 40 ёшли инсон билан 9 ёшли болани бир хил кўринишли дейиш ишонарли эмаслиги маълум.

Кайсония. Мухтор ибн Абийд Сақафий тарафдорлари. У аввалда хорижий эди. Кейин шиалар тарафига ўтди. Кайсон Мухторнинг лақаби. У ўзини Али (р.а.)нинг ўғли бўлмиш Муҳаммад ибн Ҳанафиянинг вакили деб эълон қиларди. Имом Ҳусайн ўлдирилгач, кайсонийлар унинг қотилини жазолаш талаби билан фаолиятини кучайтирди. Мухтор Имом Ҳусайн учун даъво қилишга Муҳаммад ибн Ҳанафия ҳақли, у ҳақиқий васий ҳамда Маҳдийдир ва мен унинг вакилиман, дерди. Муҳаммад ибн Ҳанафияга бу гаплар етиб боргач, уларни инкор қилди ва Мухторни вакил қилмагани маълум бўлди. Шундай бўлса-да, шиаларнинг ашаддий тарафдорлари кайсонийларга қўшилиб, Ҳусайнни ўлдирганларга қарши кураш олиб бордилар. Кайсонийлар имомларни муқаддаслаштириш, уларни хато қилмайдиган маъсум инсонлар деб ҳисоблаш, Муҳаммад ибн Ҳанафия ўлмаган, у қайтиб келади деб эътиқод қилиш, ҳиндуийлар каби рух бир одамдан бошқасига кўчиб ўтади деган маънодаги таносух таълимотига ишониш сингари қарашлари билан ажралиб турувчи шиалик фирқасидир. Ҳозирги пайтда уларнинг тарафдорлари қолмаган.

Зайдия. Зайд ибн Али Зайнулобидинга эргашувчилар. Шиаларнинг нисбатан мўътадил ва суннийликка яқин фирқаси ҳисобланади. Улар бошқа шиаларга ўхшаб, саҳобаларни куфрда айбламадилар, Абу Бакр, Умар ва Усмоннинг халифалигини инкор қилмадилар. Шиаларнинг бошқа фирқалари сингари Муҳаммад (а.с.) ўзларидан сўнг аниқ бир имомнинг исмини айтиб тайин қилган деб эмас, балки унинг сифатларини айтган деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, шиалик фақат бир имомга эргашишни лозим деса, зайдийлар бир вақтнинг ўзида мусулмонлар орасида иккита имомнинг бўлиши жоиз деб ҳисоблайдилар ва шиаликдаги тақияни (шароит оғирлашган пайтда эътиқодни сир тутишни) жоиз эмас, дейдилар.

Зайдийлар гуноҳкорнинг дўзахда абадий қолиши ва Муҳаммад (а.с.) дан сўнг инсоният афзали Али (р.а.) каби эътиқодлари билан суннийликдан фарқланадилар.

Имом Зайд ибн Алининг «Мажмуъ» номли китобидаги қарашлари зайдия фикҳининг асосини ташкил қилади. У ҳам бошқа фақиҳлар каби биринчи ўринда Қуръонни, кейин эса сунна, ижмоъ, қиёс, истехсон, сўнгра ақлни шариат асосларидан деб ҳисоблайди.

Зайдия фикҳининг ўзига хос томонлари қуйидагича:

–аҳли китоб (самовий китобга эга бўлган бошқа дин вакиллари: яҳудийлар, христианлар) томонидан сўйилган ҳайвон гўштини ейиш, улар билан қуда-андачилик қилиш ҳаром, ваҳоланки, суннийликда жоиз.

–маҳси(оёқ кийим)га масҳ тортиш жоиз эмас, суннийликда эса унинг жоизлиги далиллар асосида исботланган.

Зайд ибн Али вафотидан сўнг зайдийлар заифлашиб, бошқа шиаларга араллашиб кетди ва иккига бўлинди. Биринчиси – аввалгилар, яъни Абу Бакр, Умар ва Усмоннинг халифалигини инкор қилмайдиганлардир. Иккинчиси – кейингилар, яъни мазкур халифаларни инкор қиладиганлар. Улар рофизийлар деб аталди. Рофизий сўзи семантик жиҳатдан инкор қилувчи деган маънони англатади.

Ҳозирги пайтда зайдийлар Яманда сақланиб қолган ва улар аввалгилар каби эътиқодда, дея эътироф этилган.

Имомия. Бугунги кунда шиаларнинг асосий қисмини ташкил этувчи ва энг кўп тарқалган тоифаси. Имомийларнинг яна бир номи исноашарийлар, араб тилидан таржима қилганда “ўн икки” маъносини англатади. Улар ўн иккита имомга эътиқод қилганлари учун шундай номланганлар. Имомийлар ўзларини жаъфарийлар деб атайдилар. Сабаби, бу тоифа фикҳий масалаларда Имом Жаъфар Содикқа эргашишни даъво қилади. Ушбу фирқа эътиқодича, ўн икки имомлик Али ибн Аби Толиб (р.а.)дан бошланади, сўнг унинг Фотимадан бўлган ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайнга ўтади ва ниҳоят ўн иккинчи имом Муҳаммад Махдийга бориб тугайди.

Имомийлар эътиқод қиладиган ўн икки имом қуйидагилар:

1) Али ибн Аби Толиб (ал-Муртазо);

- 2) Ал-Ҳасан ибн Али (ал-Мужтабо);
- 3) Ал-Ҳусайн ибн Али (аш-Шаҳид);
- 4) Али Зайн ал-‘Абидин ибн ал-Ҳусайн (Ас-Сажжод);
- 5) Муҳаммад ал-Боқир ибн Али Зайн ал-‘Абидин (ал-Боқир);
- 6.) Жаъфар ас-Содик ибн Муҳаммад ал-Боқир (ас-Содик);
- 7) Мусо ал-Козим ибн Жаъфар ас-Содик (Ал-Козим);
- 8) Али ар-Ридо ибн Мусо ал-Козим (Ар-Ридо);
- 9) Муҳаммад ал-Жавод ибн Али ар-Ридо (Ат-Тақий);
- 10) Али ал-ҳоди Муҳаммад ал-Жавод (Ан-Нақий);
- 11) Ал-Ҳасан ал-Аскарӣ ибн Али ал-Ҳоди (Аз-Зақий);
- 12) Муҳаммад ал-Маҳдий ибн ал-Ҳасан ал-Аскарӣ(ал-хужжатул қоимул Мунтазир).

Имомийлар эътиқодича, ўн иккинчи имом Муҳаммад Маҳдий ҳали ўлмаган, балки, у 260/873 йилда ғойиб бўлган ва охир замонда пайдо бўлиб, зулм ва фасодга тўлган ер юзини тинчлик ва адолатга тўлдиради. Улар имомларни хато ва гуноҳдан маъсум (пок) деб ҳисоблайдилар. Бунга сабаб, уларнинг эътиқодларича, имомларга илоҳий илҳом келади ёки Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз замонида баён этишига ҳожат бўлмаган илмни уларга қолдирган. Шу боис улар имомга имон келтиришни мусулмонлик шартларидан бири деб ҳисоблайдилар ва имомга шундай тавсиф берадилар: «Имом хатодан, адашишдан йироқ бўлган, тўғри йўлдаги, тақволи ва Аллоҳ қўллаган маъсум кишидир. Аллоҳ ва бандаларнинг ўртасида ҳужжат бўлиши учун Аллоҳ уларга шу хусусиятларни берди».

Имомийлар ўз имомларини Аллоҳнинг Пайғамбаридан кейинги ҳужжатлари деб эътиқод қилиб, уларнинг буйруқлари Пайғамбарнинг буйруғи, тақиқлари Пайғамбарнинг тақиқи, имомларга итоат қилиш – Пайғамбарга итоат қилиш, уларга бўйсунмаслик – Пайғамбарга исён қилиш қабилидаги фикрларни билдирадилар. Имомия фирқаси суннийлик

мазҳабларидан, нафақат эътиқод масалаларида, балки ибодат масалаларида фарқланади. Бунга бир неча мисол келтириш мумкин:

1) Қуръони каримнинг зоҳири (ташқи томони) ва ботини (ички томони) бор бўлиб, инсонлар фақат зоҳиринигина биладилар, ботинини эса, имомлардан бошқа ҳеч ким билмайди;

2) Мутъа никоҳи (вақтинча никоҳ) қонуний;

3.)Талок икки гувоҳ олдидагина қабул бўлади;

4) Оҳод хабарлар қабул қилинмайди.

Исмоилийлар. Шиалик фирқалари асосан, кимнинг имом бўлиши ва кимдан кейин имом бўлиши масаласида бир-биридан фарқ қилади. Бу ҳолат сабаийлар, кайсонийлар, зайдийлар ва имомийлар мисолида кўрилди. Исмоилия фирқаси ҳам шундай. Улар имомийлардаги еттинчи имом – Мусо Козимни инкор қилишиб, Жаъфар Содикдан сўнг унинг Мусо Козим исмли эмас, Исмоил исмли ўғли еттинчи имом бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Жаъфар Содик ўзидан сўнг Исмоилни имом қилиб тайинлаган эди, бироқ унинг вафоти сабаб бу нарсаси ошкор бўлмади, дейдилар. Исмоилийлар еттинчи имом деб ҳисоблаган Исмоилнинг Муҳаммад исмли ўғли бўлиб, у яширинган. Шунинг учун Муҳаммад ибн Исмоилни Мактум, яъни яширин имом деб атайдилар. Бу тоифа эътиқодича, имом яширинган бўлса—да, унга итоат қилиш вожибдир. Муҳаммад Мактумдан сўнг ўғли Жаъфар, ундан сўнг Жаъфарнинг ўғли Муҳаммад Ҳабиб, кейин ўғли Убайдуллоҳ Маҳдий имомдир дейдилар. Маълумки, Убайдуллоҳ Маҳдий 909 йилда Шимолий Африкада Фотимийлар давлатига асос солган.

Исмоилийларнинг яна бир номи ботинийлардир. Сабаби, улар ўз таълимотларини яширишга уринганлар. Бирор нарсаси ёзсалар, уни ёзган котибнинг исмини ёзишмаган. Ботинийлар деб ном олишларининг яна бир сабаби, ўз имомларини ботиний илм эгаси деб ҳисоблашларидир. Улар Қуръоннинг кўпчилик билиши мумкин бўлган зоҳир, яъни ташқи маъноси

ва фақат имомлар биладиган ботин, яъни ички маъноси бор, деб ҳисоблайдилар.

Исмоилий оқимининг турли ўлкаларга тарқалиши ва ҳиндуийлик, буддавийлик ҳамда қадимги форс эътиқодларига рўпара келиши унинг бир қанча майда гуруҳларга бўлинишига олиб келди. Уларнинг баъзилари ҳатто ислом динидан узоқлашиб кетди. Баъзилари эса мусулмонлар орасида бўлса-да, ўзига хос қарашлари билан ажралиб турди. Мана шундай тоифалардан бири тарихда ўзининг ашаддий мутаассиблиги ва экстремистик–террористик ҳаракатлари билан ажралиб чиққан қарматийлардир.

Қарматийлар. Баҳрайнда вужудга келган. Асосчиси куфалик Ҳамдон Қарматдир. Исмоилия арбобларидан Ҳусайн ал-Аҳвзий вафот қилгач, Ҳамдон бошқарувни ўз қўлига олди. Қарматийлар сиёсий-ғоявий ҳаракати Куфа атрофида бошланиб, IX аср охирларига келиб таҳдид солувчи ва кишилар қалбига қўрқув тарқатувчи ҳаракатга айланди. Кейинчалик улар Басра, Куфа ва Шомнинг баъзи ноҳияларига ҳужум қилдилар ҳамда Яман ва Баҳрайн ҳудудларига ёйилдилар. Натижада улар Баҳрайнда Абу Саид Жанобий бошчилигида кучли давлатга асос солдилар. Қарматийлар ўша даврда Аббосийлар билан бир қанча жанглар ўтказиб, зафар ҳам қозондилар. Ҳаж мавсумларида карвонларга ҳужум қилиб, босқинчилик ва талон-тарож билан шуғулландилар. Улар фаолиятининг кучайган даври 929 йил ҳисобланади. Шу йили Абу Тоҳир Сулаймон бошчилигидаги қарматийлар Маккага кириб, ҳожиларни ўлдириб, жасадларини замзам қудуғига ташладилар ҳамда Каъбани бузиб, “ҳажарул асвад” (қора тош)ни ўз пойтахтлари Баҳрайнга олиб кетдилар. Ибн Касир ўзининг “ал-Бидайн ван-ниҳайн” асарида зикр қилишича, “ҳажарул асвад” қарматийлар қўлида 22 йилдан ортиқ қолиб, 951 йилда қайтарилган. Қарматийлар фаолияти узоқ муддат давом этганидан сўнг заифлашиб, 1077 йилда бутунлай йўқолиб кетган.

Ҳокимийлар ва друзлар. Исмоилийларнинг ислом дини қарашларига зид бўлган ақидалари ҳақида аниқ далиллар йўқ. Бироқ, улар ботиний, яъни яширин эътиқодда бўлганлари сабабли бу фирқа бағрида қарашлари ислом таълимотига мутлақо зид бўлган баъзи тоифалар шаклланди. Улардан бири ҳокимийлардир. Бу тоифа имомларни муқаддаслаштириб, шу даражада ҳаддан ошдики, худо имом билан бирлашиб кетган деб, имомга ибодат қилишгача борди. Биринчи марта шу даъвони қилган имом Ҳоким Биамриллах Фотимий бўлди. У Худо мен билан бирлашди ва менга ибодат қилинглари, деб инсонларни куфрона эътиқодга чорлади. Унга эргашувчилар ҳокимийлар деб аталди. Ҳоким Биамриллах сўзи қаттиқ нафратга дучор бўлди ва унинг ўзи тез орада ҳалок бўлди. Унга эргашган ҳокимийлар тоифаси ўз пешволарининг ўлганига ишонмай, уни мудом тирик ва қайтиб келади, деб ҳисобладилар. Ҳокимийларга яқин бўлган яна бир тоифа друзлардир. Баъзи манбаларда нақл қилинишича, Ҳоким Биамриллахга худолик даъвосини уқтирган кимсанинг исми Ҳамза Друзий бўлган. Друзлар айна пайтда ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз эътиқод ва фаолиятларини яширадилар.

Нусайрия (Алавийлар). Ҳокимийларга Шомда қўшничилик қилган тоифа. Нусайрия тоифаси ўзини исмоилийлар билан боғламаса-да, унинг қарашлари мазкур фирқага яқинлиги боис, баъзи тарихчилар уларни исмоилийлардан ажралиб чиққан, деб ҳисоблайдилар. Нусайрийлар ботинийлар каби шариатнинг зоҳири ва ботини бор деб эътиқод қиладилар. Сабаийлар каби Али ибн Аби Толиб ўлмаган, балки тирик деб илоҳийлаштирадилар ва унга ибодат қиладилар. Нусайрийларнинг ўзлари ушбу номни ёқтирмайдилар ва ўзларини “Алавийлар” деб таништирадилар.

8.3. Мўътазилийлар

Мўътазила сўзининг маъноси ажралиб чиққан деганидир. Кунлардан бирида машхур тобейи Ҳасан Басрийдан унинг шогирди Восил ибн Ато гуноҳкорнинг ҳолати ҳақида сўрайди. Шунда Ҳасан Басрий мусулмон киши гуноҳ қилгани билан исломдан чиқиб кетмаслигини баён қилади. Бу фикрдан норози бўлган Восил устози ҳузуридан чиқиб кетади. Ҳасан Басрий: “У биздан иътизол бўлди, яъни ажралди” деди ва “иътизол” сўзидан мўътазилий номи келиб чиқди. Яни бир ривоятга кўра Қатода раҳматуллоҳи алайҳи ва бошқалар уларни: “Анавилар, “мўътазилалар” - четга чиққанлар”, деб номлаганлар. Мазкур оқим вакиллари жамоадан четга чиққанлари учун шу номни олган.

Мўътазила таълимоти беш асосга бино қилинган:

1. Адл. Унга кўра, Аллоҳ таоло одилдир. Жабр қилмас. Аллоҳ яхши ишларнигина яратади. ёмонликни яратмайди ҳам, унга ҳукм ҳам қилмайди. Чунки, агар Аллоҳ ёмонликни яратиб туриб, сўнгра уни қилганларни азобласа, бу адолатга тўғри келмайди, деган ғояни илгари сурдилар. Мўътазиланинг бу қараши тақдирни инкор қилишга олиб боради.

Суннийликка кўра, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам яратувчиси ёлғиз Аллоҳдир, фақат савоб ишларни рози бўлиб, гуноҳ ишларни норози бўлиб яратади. Мотуридия таълимотида инсонда ирода эркинлиги мавжудлиги исбот этилган. Унга кўра инсон яхшилик ва ёмонликни танлаш ихтиёрига эга.

2. Тавҳид. Аллоҳни яккаю ёлғизлигини эътироф этиш. Бу эътиқод исломнинг барча йўналишларида мавжуд. Лекин, мўътазила тоифаси тавҳидни суннийликдан бошқача таъвил этди. Аллоҳнинг калом сифатини изоҳлар экан мўътазила Қуръонни яратилган, деган даъвои илгари сурди.

Суннийлик таълимоти бўйича Қуръон Аллоҳнинг каломи, Аллоҳнинг каломи эса яратилган бўлиши мумкин эмас. Калом унинг азалий ва абадий сифатидир.

Мўътазилийлар Аллоҳни кўриш мумкинлигини ҳам инкор этдилар. Агар Аллоҳни кўриш мумкин бўлса, унинг тавҳид сифатига футур етади, деб ҳисобладилар. Суннийликда эса Аллоҳни кўриш мумкинлиги Қуръони карим ояти ва ҳадиси шарифлар асосида собит бўлган.

3. Ваъд ва ваъийд. Араб тилидан таржима қилганда ваъд сўзи ижобий ишларни қилишга бўлган ваъдани англатади, «ваъийд» эса жазо ҳақида қўрқитишни билдиради. Ислом таълимотига кўра Аллоҳнинг ваъдаси ва ваъийди бор. Яъни, Аллоҳ яхшиликка мукофот ваъда қилган, ёмонликни эса жазо билан қўрқитган.

Аҳли сунна ва мўътазила ўртасидаги баҳс шундан иборатки, суннийликка кўра Аллоҳ гуноҳкорни хоҳласа азоблайди, хоҳласа гуноҳини кечиради. Шунинг учун ҳам ўтганларга раҳмат ва мағфират сўраб дуо қилинади. Мўътазила тоифаси эса гуноҳкорни Аллоҳ жазолаши шарт, агар жазоламаса Аллоҳнинг ваъиди амалга ошмайди, деган ғояни илгари сурди. Бу ғоя асоссиз ва мантиқсиз экани олимлар томонидан исботланган. Хусусан, Имом Мотуридий ва Имом Ашъарий буни ўз асарларида баён қилганлар.

4. Икки манзила ўртасидаги манзила. Мўътазила тоифаси гуноҳи кабира қилган одам имон манзиласи билан куфр манзиласи ўртасидаги манзилада бўлади деган ғояни илгари сурди. Унга кўра гуноҳкор имонсиздир. Бу эса оғир гап. Мотуридия таълимотида инсон оғир гуноҳ қилгани билан имонсиз бўлиб қолмайди, дейилган.

5. Амри маъруф ва наҳйи мункар. Ислом таълимотидаги амру маъруф ва наҳйи мункар, яъни яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш тамойилини мўътазила ўзича талқин қилди. Мотуридияга кўра амру маъруф ва наҳйи мункарни инсон ўз қўл остидагиларига қилиш лозим. Лекин, мўътазилийлар инсон фақат қўл остидагиларга эмас, балки мансаб жиҳатидан ўзидан юқорида турувчи раҳбарларга амру маъруф қилиши шарт, керак бўлса уни қилич билан бўлса ҳам амалга ошириши

лозим деган иддао билан ҳокимларга қарши уруш олиб бориш ғоясини илгари сурдилар.

Суннийлик таълимотига кўра, Қуръони карим Нисо сурасининг 59-оятида айтилганидек, мусулмон киши ўз диний ва дунёвий раҳбарларига итоат қилиши вожибдир. Уларга қарши чиқиши оғир гуноҳ ҳисобланади.

8.4. Муржийлар

“Муржиа” сўзининг луғавий маъноси “умид қилдирувчи” ва “ортга сурувчи” деган икки хил ифодадан иборатдир. Бу тоифага мансуб кишилар мусулмон киши ҳар қанча гуноҳ қилса ҳам имони мукаммал тураверади, гуноҳнинг имонга мутлақо зарари йўқ, деган ғояни илгари сурдилар. Муржиа оқимининг асосчиси ва режали ишлаб чиққан таълимоти йўқ. Муржиа ўзига хос қарашлар мажмуи сифатида кишилар орасида тарқалган фикрий йўналишни акс эттирди. Яъни, муржиа бу алоҳида шаклланган фирқа бўлмай, балки инсонлар орасида тарқалган таълимотдир. Лекин, «аҳли сунна вал жамоа»га зиддир.

Муржийлик хорижийлар билан кураш асносида юзага келди. Хорижийлар гуноҳкорни кофирга чиқардилар. Сунний уламолар эса, гуноҳ қилгани билан мусулмон кофир бўлиб қолмайди, деган эътиқодни ҳимоя қилдилар. Лекин хорижийларнинг бузук ақидаларини рад қилиш асносида, бир тоифа ҳаддан ошиб кетиб, гуноҳнинг имонга мутлақо зарари йўқ, инсон ҳар қанча оғир гуноҳ қилса ҳам, имони покиза тураверади ва у жаннатга киради деган ғояни илгари сурди. Бошида дил ва тил бирлиги билан имон юзага келади деган бу фирқа бора-бора, мусулмон киши тили билан куфрона гапларни айтса ҳам имондан чиқмайди дейишгача борди. Мусулмоннинг қанча гуноҳи бўлса ҳам Аллоҳ кечиб юборади, дегани учун шу ном билан «Муржиа» – “умид қилдирувчи” деб номланди. Шунингдек, «гуноҳ қилган мусулмонларнинг ишини ортга сурамиз, Аллоҳ Ўзи билиб

муомаласини қилади», дегани учун, «Муржиа» – «ортга сурувчилар» ҳам дейилди.

Мотуридия таълимоти бўйича, гуноҳ билан киши имондан чиқмайди, бироқ дили қораяди. Гуноҳ кўпайган сари имони заифлашиб бораверади, аксинча савоб ишларни қилиши билан имони мустаҳкамланади. Гуноҳ қилган мўминни Аллоҳ гуноҳини кечмаса дўзахда гуноҳига яраша азобланади, кейин жаннатга дохил бўлади. Шунинг учун гуноҳнинг имонга зарари йўқ дейиш асоссиздир.

Таъкидлаш керак, муржианинг асосчиси ва вакиллари, китоблари ва бундай таълимот асосида фаолият олиб борганлар ҳақида маълумот йўқ. Балки бу фикрлар мажмуаси эди, хорижийларга қарши кураш асносида юзага келди ва айна пайтда бу фирқага эргашувчилар учрамайди .

8.5. Қадарийлар

Қадар сўзи тақдир маъносини англатади. Маълумки, ҳар бир инсоннинг Аллоҳ томонидан белгиланган тақдири бўлади. Мотуридияга кўра, Аллоҳ ҳар бир инсон учун яхшилик ва ёмонликни тақдир қилиб, инсонга уни танлаш ҳуқуқини берди. Қадария фирқаси тақдир масаласида суннийлик таълимотига зид қарашларни илгари сургани учун шундай ном олди. Қадарийлар банда ўз ишларини қилишга қодирдир, уларни яратувчидир деган даъвои кўтариб чиқдилар. Улар ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик Аллоҳнинг тақдири сабаб юзага келишини инкор қилдилар. Қадарийларнинг бу қарашлари ислом таълимотига зид экани илмий далиллар асосида исботланган. Мотуридий, Таҳовий каби суннийлик йўналиши уламолари қадарийларни рад этиб, бу борада кўплаб асарлар таълиф этганлар.

8.6. Жабарийлар.

Бу тоифа қарашларини биринчи бўлиб, Жаъд ибн Дирҳам ва унинг шогирди Жаҳм ибн Сафвон акс эттирди. Жабарийлар Аллоҳнинг сифатларини инкор қилдилар. Фирқанинг номи араб тилидаги «жабр», яъни мажбурлаш сўзидан олинган. Уммавийлар даврида юзага келган бу тоифа инсон тақдирида белгиланган нарсани қилишга мажбур, унда ҳеч қандай эркинлик йўқ, гуноҳни ҳам, савобни ҳам Аллоҳ иродаси билан қилади. Пешонасига нима ёзилган бўлса, ўша албатта бўлади, деган ғояни илгари сурдилар.

Жабарийлар ўз қарашларини беўхшов ва мантиқсиз далиллар билан исботлашга уриндилар. Масалан, сув оқди, дарахт гуллади, инсон вафот этди дейилади, лекин сувда ва дарахтда ихтиёр йўқ-ку, инсон ҳам ўз иродаси билан ўлмайди-ку қабилидаги далилларни келтирдилар. Бу эса кишилар ўртасида фитна-фасод, бузуқ ва ботил ишларни авж олдириб, баҳонасини тақдирга ҳавола қилишга олиб келар эди.

Инсон ёмон ва яхши ишларининг эгаси бўлмаса, жиноятчилар қандай жазоланади ёки меҳнаткашлар қандай мукофотланади? Бинобарин, жабарийларнинг қарашлари нақлдан ҳам, ақлдан ҳам қанчалик йироқлиги аён. Шунинг учун кўплаб олимлар ўз асарларида жабарийлар қарашларини рад этдилар.

Жабарийларга қарши ёзилган илк асарлар сифатида Абдуллоҳ ибн Аббос ва Ҳасан Басрийларнинг рисоаларини қайд этиш мумкин. Мазкур тоифа фитнаси авж олгач Холид ибн Абдуллоҳ номли амир жабарийлар раҳнамоси Жаъд ибн Дирҳамни ўлимга маҳкум этди. Ҳозирги пайтда бу оқим издошлари йўқдир.

Асосий таянч тушунчалар:

Азракийлар. Хорижийларнинг энг ашаддий тоифаси. Нофеъ ибн Азракга эргашганлар. Улар ўзларига мухолиф бўлганларни дўзахда абадий қолувчи мушрик деб ҳисоблашади.

Нажадот. Нажда ибн Уваймирга эргашганлар. Улар агар кишилар келишиб яшаса, раҳбарнинг кераги йўқ деган ғояни илгари сурдилар. Шиаларга ўхшаб “тақия”ни жоиз деб билдилар.

Суфрийлар. Зиёд ибн ал-Асфарга эргашганлар. Уларнинг қарашлари азракийларларчалик ашаддий бўлмаса-да, хорижийларнинг бошқа оқимларига нисбатан кескинроқдир.

Ибозийлар. Абдуллоҳ ибн Ибозга эргашганлар. Бу фирқа хорижийлар ичидаги нисбатан ювош ва мурасачи ҳисобланади

Қаъадийлар. Араб тилидаги “қаъада”, яъни ўтирмақ сўзидан олинган. Қаъадийлар уйда ўтириб, давлат раҳбарига қарши ташвиқот қилувчилардир.

Сабаъийлар. Абдуллоҳ ибн Сабаъ тарафдорлари. Ибн Сабаъ кишилар орасида юриб, гўёки “Таврот”да ҳар бир пайғамбарнинг васийси, яъни ўзидан сўнг бир инсонни васият қилиб қолдириши ёзилган, Али (р.а.) ҳам Муҳаммад (а.с.)нинг васийси ҳамда олдин ўтган васийларнинг энг яхшиси қабилидаги гапларни тарқатар эди.

Ғуробия. Бу тоифанинг даъвоси ажабланарли. “Ғуроб” сўзи “қарға” деган маънони англатади. Ғуробиянинг фикрича, Муҳаммад (с.а.в.) Алига худди қарға қарғага ўхшагани каби ўхшар эди. Бинобарин, Жаброил фаришта ваҳий олиб келишда Муҳаммадни Али билан адаштириб қўйган, деган иддаони илгари сурди.

Кайсония. Мухтор ибн Абийд Сақафий тарафдорлари. У аввалда хорижий эди. Кейин шиалар тарафига ўтди. Кайсон Мухторнинг лақаби. У ўзини Али (р.а.)нинг ўғли бўлмиш Муҳаммад ибн Ҳанафиянинг вакили деб эълон қиларди.

Зайдия. Зайд ибн Али Зайнулобидинга эргашувчилар. Шиаларнинг нисбатан мўътадил ва суннийликка яқин фирқаси ҳисобланади. Улар бошқа шиаларга ўхшаб, саҳобаларни куфрда айбламадилар, Абу Бакр, Умар ва Усмоннинг халифалигини инкор қилмадилар. Шиаларнинг бошқа фирқалари сингари Муҳаммад алайҳиссалом ўзларидан сўнг аниқ бир имомни исмини айтиб тайин қилган деб эмас, балки унинг сифатларини айтган деб ҳисоблайдилар.

Имомия. Бугунги кунда шиаларнинг асосий қисмини ташкил этувчи ва энг кўп тарқалган тоифаси. Имомийларнинг яна бир номи исноашарийлар, араб тилидан таржима қилганда “ўн икки” маъносини англатади. Улар ўн иккита имомга эътиқод қилганлари учун шундай номланганлар.

Исмоилия. Улар имомийлардаги еттинчи имом – Мусо Козимни инкор қилишиб, Жаъфар Содикдан сўнг унинг Мусо Козим исмли эмас, Исмоил исмли ўғли еттинчи имом бўлиши керак деб ҳисоблайдилар.

Ботинийлар исмоилийларнинг яна бир номидир. Сабаби, улар ўз таълимотларини яширишга уринганлар. Бирор нарса ёзсалар, уни ёзган котибни исмини ёзмаганлар.

Ҳокимийлар имомларни муқаддаслаштириб, шу даражада ҳаддан ошдики, худо имом билан бирлашиб кетган деб, имомга ибодат қилишгача бордилар. Ҳокимийларга яқин бўлган яна бир тоифа друзлардир.

Нусайрийлар ботинийлар каби шариатнинг зоҳири ва ботини бор, деб эътиқод қиладилар. Сабаийлар каби Али ибн Аби Толиб ўлмаган, балки тирик деб илоҳийлаштирадилар ва унга ибодат қиладилар.

«**Мўътазила**» сўзининг маъноси «ажралиб чиққан», дегани. Мўътазила таълимоти беш асосий масалада суннийлик билан ихтилофга борди.

«**Муржиа**» сўзининг луғавий маъноси “умид қилдирувчи” ва “ортга сурувчи” деган икки хил ифодадан иборатдир. Бу тоифага мансуб кишилар мусулмон киши ҳар қанча гуноҳ қилса ҳам имони мукаммал тураверади, гуноҳнинг имонга мутлақо зарари йўқ, деган ғояни илгари сурдилар.

Қадарийлар банда ўз ишларини қилишга қодирдир, уларни яратувчидир деган даъвони кўтариб чиқдилар. Улар ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик Аллоҳнинг тақдир қилиши билан бўлишини инкор қилдилар.

Жабарийлар. Фирқа номи араб тилидаги «жабр», яъни мажбурлаш сўзидан олинган. Бу тоифа Уммавийлар даврида юзага келган. Жабарийлар инсон тақдирида белгиланган нарсани қилишга мажбур, унда ҳеч қандай эркинлик йўқ, деган ғояни илгари сурдилар. Уларнинг қарашларини биринчи бўлиб Жаъд ибн Дирҳам ва унинг шогирди Жаҳм ибн Сафвон акс эттирди.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Хорижийликка мансуб фирқалар ҳақида маълумот беринг?
2. Хорижийларнинг бошқаларга нисбатан энг зарарли фирқаси қайси ?
3. Айни пайтда хорижийлар борми, жавобингизни асосланг ?
4. Шиалик фирқаларининг бир-биридан фарқи ҳақида нималарни биласиз?
5. Шиаликдаги имомат тушунчасини изоҳланг?
6. Мўътазила таълимотининг асосчиси ким?
7. Мўътазилийларнинг даъволари қайси масалаларда намоён?
8. Муржиа фирқасининг суннийликдан фарқлари қандай?
9. Жабарийларнинг юзага келиш сабаблари ҳақида нималарни биласиз?
10. Қадарийлар қандай ғояни илгари сурдилар ?

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган

манба ва адабиётлар:

1. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда: “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар – Т. : Ўзбекистон, 1999.

2. Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
3. “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” Ўқув қўл./Масъул муҳаррир Очилдиев А.С. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
4. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т.: Академия, 2000.
5. Васильев Л. История религий Востока. – М.: 1998.
6. “Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги ҳавфи” махсус курсни ўрганиш бўйича методик тавсиялар. – Т., 1999.
7. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. – Т.: Маънавият, 2000.
8. Каримов. А. Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари ва замонавий кўринишлари. – Т.: Мовароуннахр, 2011.
9. Ҳасанов А. Ислом тарихи. Ўқув қўл/ – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
10. Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи ва таржимон: Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.
11. Ҳуснидинов З., Абдусатторов А. “Исломдаги оқимлар: хорижийлар ва шиалик” ўқув-услубий қўлланма. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002.
12. Большаков О. История Халифата. – Москва : Восточная литература, 1998.
13. Калинина Т. Сведения ранних ученых арабского халифата : тексты,переводы,комментарий. – Москва: Наука, 1988.
14. Farid Ahmed, Publisher: Muhammad Abdur Rab, Muslim Ummah in the contemporary world, 2004
15. Абдулкарим Шахристоний. Ал-милал ван-ниҳал. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992.

16. Абдулқоҳир Бағдодий. Ал-фарқ байнал-фирақ. – Байрут: Ал-Мактаба ал-асрия, 1996.

9-БОБ. XVIII–XX АСРЛАРДА ШАКЛЛАНГАН ОҚИМЛАР

- 9.1. Ваҳҳобийлар
- 9.2. Ал-ихвон ал-муслимун
- 9.3. Ҳизбут–тахрир
- 9.4. Салафийлар
- 9.5. Нурчилар
- 9.6. Акримийлар
- 9.7. Замонавий хорижийлар

9.1. Ваҳҳобийлар

Ваҳҳобийлик XVIII асрда Арабистон ярим оролида вужудга келган оқимдир. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб 1703–1798-йилларда ҳаёт кечирган. Арабистон ярим ороли Нажд ўлкасининг Уяйна деган жойида таваллуд топган. Бу даврда унинг отаси Абдулваҳҳоб ибн Сулаймон маҳаллий амир ҳокимиятида қозилик лавозимида хизмат қилар эди. Ибн Абдулваҳҳоб ёшлигидан диний илмларни ўз отаси раҳбарлигида ўргана бошлади. Миср, Сурия, Ироқ, Эрон мамлакатларига сафар қилган. Тарихий манбалар унинг қайсар, жанжалкаш ва ихтилоф чиқаришга мойил кимса эканини таъкидлайди. Ибн Абдулваҳҳоб ўз фаолиятини очиқ-ошкора отасининг вафотидан сўнг 1730 йилларда бошлайди. Аммо унинг ғоялари олимлар томонидан рад қилинди. Маълумки, Арабистон ярим оролида ҳанбалий мазҳаби кенг тарқалган. Бу мазҳаб вакиллари ваҳҳобийлик ғояларини танқид қилдилар ва уларга қарши китоблар таълиф этдилар. Вазият бундай тус олганини кўрган Ибн Абдулваҳҳоб ўз ғояларига ҳаммаслақ ва ҳомий қидира бошлади. Диръия шаҳри амири Муҳаммад ибн Саъуд билан танишуви боис мутаассиб ғояларини тарғиб қилиши учун қулай имкон топди. Сабаби, Ибн Саъуд бошқа амирлар билан

курашиб, Марказий Арабистонда устунликка эришишга интилар, Ибн Абдулваҳҳоб таълимоти эса унинг бу мақсади йўлида ғоявий қурол вазифасини ўтар эди. 1745 йили Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Диръия водийсига Муҳаммад ибн Саъуд таклифига биноан кўчиб ўтди ва иккови биргаликда ўша пайтда араб диёрида ҳукмрон бўлган усмонли турк ҳокимиятига қарши кураш олиб бордилар.

Маълумки, суннийлик таълимотига кўра давлат ҳокимиятига қарши чиқиш ман этилади ва бошқа инсонларни бегуноҳ ўлдириш эса оғир ҳисобланади. Бундай шароитда ваҳҳобийлар қандай йўл тутдилар? Улар мазҳабларга эргашган суннийларни ширк ва куфрда айблаб, бу айбловларини уруш ва жанжал учун восита қилдилар. Оқибатда, қанча-қанча кишилар қатағонга учради.

Ибн Саъуд эса бундай юришлардан фойдаланиб, ўз ҳокимияти чегараларини кенгайтирди. Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб 1792 йили вафот этди. Ибн Сауд ва унинг сулоласи олиб борган урушлар дастлаб Нажднинг бирлаштирилиши, 1932 йилда эса Саудия Арабистони давлатининг тузилиши билан якунланди.

Ваҳҳобийлик таълимоти диний масалаларни ҳар ким Қуръон ва суннатдан мустақил олиши керак, бу борада мазҳабларга эргашишнинг ҳожати йўқ деб даъво қилди. Улар барча муҳолифларини бидъатчиликда, яъни динга янгилик киритганликда айбладилар.

Афсуски, ваҳҳобийлик бугунги кунда ҳам кишилар ўртасида ихтилоф ва зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлаётган оқимдир. Оқим тарафдорлари суннийлик йўналишининг Имом Мотуридий ва Имом Ашъарий каби ҳидоят пешволарини танқид қиладилар. Уларга эргашганларни адашган дея эълон қиладилар. Бу айблов билан қанча-қанча олимларни хатокорга чиқарадилар. Шунингдек, бу тоифа ҳанафий, моликий, шофеий ва ҳанбалий мазҳабига эргашганларни ҳам адашганга чиқаради.

Баъзилар ваҳҳобийларни ҳанбалий мазҳаби билан боғламоқчи бўладилар. Аслида, ҳанбалий мазҳаби олимлари бу фирқага қарши раддиялар келтирганлар, асарлар таълиф этганлар. Ваҳҳобийларни ҳанбалий мазҳабида дейишнинг иккита оқибати бор:

Биринчиси, ҳанбалий мазҳабини суннийликдан чиқаришга олиб келади. Ваҳҳоланки, ислом уламулари бу мазҳабни қолган уч мазҳаб қаторида “Аҳли сунна вал жамоа”дан эканига иттифоқ қилганлар.

Иккинчиси, ваҳҳобийларни суннийлик йўналишига яқин қилиб кўрсатади ва бу уларнинг фаолияти авж олишига сабаб бўлади. Чунки, суннийлик йўналиши мўътадил ва исломнинг асл моҳиятини акс эттирувчи таълимот сифатида маълум ва машҳур.

9.2 Ал-ихвон ал-муслимун

“Ал-Ихвон ал-муслимун” – “Мусулмон биродарлар” фирқаси. 1928 йили Мисрнинг Исмоилия шаҳрида ташкил этилган. Асосчиси Ҳасан Абдурахмон ал-Банно. У мусулмон ўлкаларда ислом давлатини барпо қилиш ғоясини илгари сурди ва бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмаслик, ҳатто ўзини қурбон қилиш даркорлиги ҳақида даъво қилди. “Ҳар бир мусулмон ўзини қурбон қиладиган ва эвазига ҳеч нима талаб қилмайдиган Аллоҳнинг аскаридир”, деган мутаассибона фикрни уқтирмақчи бўлган Банно ўз қарашларини “Фаннул-мавт” – “Ўлим санъати” асарида ифода этди ва мазкур асарда илк марта ўзини ўзи қурбон қилиш шаклида жангарилик амалиётини оқлаб фатво берди. У асос солган “ал-Ихвон ал-муслимун”: “Аллоҳ– бизнинг мақсадимиз, Қуръон–қомусимиз, Пайғамбар–бизнинг етакчимиз, жиҳод–бизнинг йўлимиз ва Аллоҳ йўлида қурбон бўлиш бизнинг энг олий орзуимиздир” деган мазмундаги кескин ва мутаассиб ғояни илгари сурди.

Ислом мусаффо таълимоти ни ўзи да акс эттирган суннийлик йўналиши да бундай қарашларнинг қанчалик ҳақиқатдан йироқ ва залолат экани ўз ифодасини топган.

Биринчидан, мусулмон киши ислом давлатини қуришга интилиши лозимлиги ҳақида на Қуръони карим ва на ҳадис шарифда бирорта ишорат мавжуд эмас. Исломга амал қилиш, шариатга мувофиқ иш қилиш ҳақида такрор-такрор кўрсатмалар бор, лекин бунинг учун ислом давлати барпо қилиш зарурлиги ҳақида, агар ислом давлати бўлмаса ибодатлар қабул бўлмаслиги тўғрисида ҳеч қандай асос мавжуд эмас. Балки, мусулмон киши ўзи яшаётган ҳудуддаги раҳбарларга итоат қилиши ва ҳар бир ишни мавжуд қонунлар асосида амалга ошириши таъкидланган.

Иккинчидан, давлат қуриш баҳонасида мавжуд ҳукуматларга қарши бош кўтариш, гуруҳлар тузиш, жангарилик қилиш ислом таълимоти, бу таълимотни ўзи да акс эттирган ҳанафий мазҳаби, мотуридия қарашларига тамомила зиддир.

Учинчидан, шариат бўйича инсон ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказиши, озор бериши ҳаромдир. Бинобарин, ўзини ўзи ўлдириш имонсизликка йўлдир. Ҳанафий мазҳаби уламолари ўзини ўзи қатл қилган кишига, ҳатто жаноза намози ўқиш мумкин эмас, дея фатво берганлар. Зеро, Аллоҳ инсонни бахт-саодат учун яратган, бандаси ўзини ўлдириши учун эмас.

Тўртинчидан, Ҳасан ал-Банно дунё уламолари, мазҳаб вакиллари эътироф этган мужтаҳид ёки муфтий даражасидаги олим эмас. Ваҳоланки, ҳанафий мазҳаби таълимоти бўйича фатво беришга мусулмон диёрида расман тайин қилинган ёки уламолар кенгаши томонидан сайланган муфтийгина ҳақли. Ал-Банно кўтарган зиддиятли масалалар ислом дини моҳиятига зид эканини кўзга кўринган уламолар, суннийлик йўналиши фақиҳлари баён этганлар.

Лекин, афсуски, Ҳасан ал-Банно қарашлари асосида шаклланган “Ал-ихвон ал-муслимун” давлат тепасига фақат шафқатсиз кураш, жиҳод йўли билан келиш мумкин ва бу мақсадга эришиш йўлида ҳар қандай тўсиқларни енгиш керак деган ғоя асосида фаолият олиб борди. Шунинг учун ҳам соҳа мутахассислари томонидан Ҳасан ал-Банно ислом ниқобидаги экстремизмнинг “отаси” деб аталган. Кейинчалик “Ал-Ихвон ал-муслимун”дан “Ал-Жамоа ал-исломия”, “Жундуллоҳ”, “Ат-Такфир вал-ҳижра”, “Ал-Жиҳод”, “Ал-Қоида”, “Ҳизбут-тахрир ал-исломий, “Акромийлар” ва “Ҳизб ан-Нусра” каби экстремистик ва террористик ташкилотлар ажралиб чиққани юқоридаги фикрнинг тасдиғидир.

XX асрнинг 60-йилларида “Ал-Ихвон ал-муслимун”га ғоявий раҳнамолик қилган Сайид Қутб (1906–1966) бу ташкилотни фаоллаштиришга ҳаракат қилди. “Араб жамияти “жоҳилия” даврига қайтиб, маънавий таназзулга учради, бундай вазиятда асл диндорлар жамиятдан ажралиб, алоҳида жамоалар тузишлари ҳамда жоҳилияга айланган жамиятни исломлаштириш учун “жиҳод” олиб боришлари лозим” деган Сайид Қутб ўзининг “Йўлдаги белгилар” номли китобида “жиҳод” тушунчасини динсизларга ҳатто, унинг талқинига қўшилмаган мусулмонларга қарши кураш маъносида қўллаган. Бундан ташқари, Сайид Қутб илк марта дунёвий ҳукумат ва ўзига қўшилмаган мусулмонларга нисбатан “такфир” (кофирликда айблаш)ни қўллаган ҳолда исломга умуман ёт бўлган – “фитна” (амалдаги давлат тузумига қарши қуроли қўзғолон кўтариш амалиёти)ни ёқлаб чиқди. Шуниси диққатга сазоворки, ҳозирда фаолият юритаётган қатор диний-экстремистик ташкилотлар учун ҳам бундай ёндашув мафкуравий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Сайид Қутб ғояларининг нақлга ҳам, ақлга ҳам тўғри келмаслиги кундек равшан:

Биринчидан, мусулмон диёрини жоҳилия, яъни исломдан мутлақо узоқ бўлган жаҳолат ўлкаси деб аташлик асоссиздир. “Аҳли сунна вал жамоа” уламолари бир одамда 100 аломат бўлса, унинг 99 таси куфрга далолат қилса-ю, биттаси имонга далолат қилса, уни мусулмон деб умид қилиш ҳақидаги қарашларни баён этганлар. Ислом таълимотининг моҳияти ҳам инсонлардан имон умид қилиш, уларга раҳмат ва марҳамат йўллари кўрсатишдан иборат, мусулмонман деганга эзгулик билан муомала қилиш ўрнига, уни имонсиз ва жоҳилга чиқариб, яна кураш эълон қилишда ҳеч қандай маъно ва мантиқ йўқ.

Иккинчидан, ислом таълимотини жамиятга етказиб беришларига қандайдир ноқонуний тузилган жамоалар эмас, балки давлат раҳбари ва унинг рухсати билан фаолият юритувчи муфтий ва имомлар масъулдир. Ҳар бир раҳбар қўл остидагилар учун масъул экани ҳақидаги ҳадисдан келиб чиқадиган бўлсак, инсон ўзидан юқори ташкилотлар учун масъул эмаслиги маълум бўлади.

Учинчидан, “жиҳод” масаласи, бу ҳам иккинчи масала билан боғлиқ, яъни мамлакатда уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этиш ваколати фақат давлат раҳбарига берилган. Давлат раҳбарининг изнисиз бирон кимса бошқага нисбатан уруш ёки қотилликка киришиши шариатга ҳам шароитга ҳам мутлақо зид ишдир. Демак, мусулмон киши ҳар бир ишни қонун билан белгиланган ваколат доирасида амалга ошириши даркор.

Тўртинчидан, “фитна”, яъни кўзғолон масаласи. Ҳанафий мазҳаби ва мотуридия таълимотига кўра давлатга қарши кўзғолон кўтариш ман этилгандир. “Саҳиҳи Бухорий”нинг шарҳи “Фатҳул-борий”да келтирилишича, Маккада Ҳажжож Золим номи билан тарихга кирган Ҳажжож ибн Юсуф ҳоким бўлган пайтда қанча инсонларга жабру зулм қилди. Лекин, ўша пайтда ҳаёт бўлган Анас ибн Молик каби саҳобалар унинг бу қилмишларига сабр этдилар. Чунки, саҳобалар исломнинг

рахбарга итоат қилиш ҳақидаги таълимотини яхши билар ва унга амал қилар эдилар.

“Ал-Ихвон ал-муслимун” фирқасининг мутаассиб ғояларига ўнлаб, балки юзлаб саҳифада раддиялар ёзиш мумкин. Лекин бир ҳолат аниқки, бу ташкилот Миср Араб республикаси ва бошқа мусулмон мамлакатларида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан фақат зарар келтирди, холос. Бу зарарларни балки вақт ўтиб қоплаш, ўрнини тўлдириш мумкиндир, аммо террор оқибатида ҳалок бўлган минглаб қурбонларнинг ҳаётини, бахту саодатини тиклаб бўлмаслиги равшан.

9.3. Ҳизбут–тахрир

“Ҳизб ат-тахрир ал-исломий” – (“Ислом озодлик партияси”). Ташкилотга 1953 йилда Тақиюддин Набаҳоний (1909–1979) томонидан асос солинган. Даставвал, Фаластинни озод қилиш ғоясини илгари сурган Набаҳоний, кейинчалик мусулмон давлатларини бирлаштирувчи халифалик давлатини куришни бош мақсад деб эълон қилди. Таълимот назарияси Набаҳоний ва унинг издоши Абдул Қаддим Заллумнинг “Ислом низоми”, “Ислом давлати”, “Халифалик”, “Исломий оламга қайноқ нидолар” ва “Ҳизбут-тахрирнинг тушунчалари”, “Демократия – куфр низоми” ва “Сиёсий онг” каби асарларида баён этилган.

Юртимизда “ҳизбчилар” фаолияти 90-йилларда сезила бошлади. Халқ орасида “халифачилар” дея ном олган бу фирқа диёримиз мусулмонлари асрлар давомида амал қилиб келган ҳанафий мазҳаби таълимотига зид ғояларни одамлар онгига сингдиришга уринди: ягона халифалик барпо этиш фарзлиги, халифалик давлати қурилмагунча жума намози ва баъзи бошқа ибодатлар фарз бўлмаслиги, дунёвий давлатда яшаётган инсонларнинг қилаётган солиҳ амаллари қабул бўлмаслиги, давлатга қарши бўлган гуруҳлар тузиш, “байтул-мол” ташкил этиш, “табарруёт” солиғини жорий этиш каби асоссиз ғоялар билан афсуски, илми оз ва саёз бўлган баъзи жоҳилу ғофил кимсаларнинг онги заҳарланди. “Ҳизбут-

тахрир” даъволари таниқли олимлар томонидан қаттиқ танқид қилинди. Уларга илмий ва мантикий асосда раддиялар берилди. Мазкур раддияларнинг баъзилари қуйидагилар:

Халифалик масаласи. “Ҳизбчилар” даъво қилишича 1924 йилгача халифалик бўлган. Энди айнан уни қайта тиклаш керак, дейдилар. Аслида, ислом аввалида халифалик бор йўғи 30 йил давом этгани, ундан сўнг амирлик ва подшоҳликлар фаолият юритгани маълум ҳақиқат. Гарчанд, уммавийлар, аббосийлар, усмонлилар сулолалари халифалик деб аталган бўлса-да, улар моҳиятан амирлик ва подшоҳликлар эди. Бу сулолаларнинг илк ислом даврида 30 йил давом этган халифаликка мос келмайдиган жиҳатлари кўп эди. Шунингдек, “аҳли сунна вал жамоа”нинг тўрт мазҳабига тегишли биронта манбада мусулмонкиши халифалик қуриши лозимлиги ҳақида маълумот йўқ. Аксинча, ҳар бир имонли инсон ўзи яшаётган давлат қонун-қоидаларига риоя қилиш вожиблиги таъкидланган.

Ягона халифа остида бирлашиш. Бу ҳам шариат мўминлар зиммасига юклаган амал эмаслиги маълум. Сабаби, 657 йилда саҳобалар орасида “Таҳким” воқеаси содир бўлиб, ундан сўнг халифалик ҳокимияти иккига бўлинган: Али ибн Аби Толиб Кўфада ва Муовия ибн Аби Суфён Шомда ҳукмрон бўлди. Агар мусулмонлар учун битта раҳбар бўлиши шарт бўлганида, Али ибн Аби Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуддек ислом илмини дунёга тарқатган зотлар бунга йўл қўймаган бўлар эдилар.

Халифалик қурилмагунча баъзи ибодатлар фарз бўлмаслиги. Ибодатларнинг фарз бўлиши Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар билан собит бўлган. Бирон ибодатни адо қилиш шартида уни айнан халифалик остида бажариш зарулиги собит бўлмаган. Бу борада ҳатто заиф хабар ҳам йўқ. Бинобарин, Аллоҳ фарз қилган ибодатларни фарз эмас дея даъво қилаётган “ҳизбчилар” ўзларини ундан ҳам устун қўймоқчимилар?

Дунёвий давлатда яшаётган инсонларнинг қилаётган солих амаллари қабул бўлмаслиги. Пайғамбар (а.с.)дан “Илмни Хитойдан бўлса ҳам талаб қилинг” деган ҳадис нақл қилинган. Хитойга борган инсон ибодати қабул бўлмаслиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Агар Хитойга илм излаш учун борган инсоннинг ибодати бекор бўлса, нега бу ҳақда инсонларга ибодатни таълим берган Пайғамбар ҳеч нарса демади? Хитойнинг мусулмон мамлакати эмаслиги маълум-ку?!

Ҳар ким ўзича “Байтул-мол” ташкил этиб, кишилардан маблағ йиғиши. “Байтул-мол” бугунги кунда давлатнинг ғазнасига тўғри келадиган тушунча. Мусулмон мамлакатларда давлат ғазнаси “Байтул-мол”, яъни “Молу дунё уйи” деб аталган. Аҳолидан тушадиган закот, ушр, фитр садақа ва бошқа солиқлар унга тўпланиб, давлат манфаатлари йўлида сарф этилган. Бу масала давлат миқёси доирасида ҳал этилган ва давлат раҳбари ва тегишли мутасаддилар ваколатида бўлган. Лекин, бирор кимса ноқонуний гуруҳ тузиб, уни таъминлаш учун ўзича “байтул-мол” ташкил этиши ва бошқалардан бу мақсад учун закот каби садақаларни йиғиши ҳамда уни ботил мақсадларини амалга ошириши учун сарфлаши шариатга зиддир.

“Табарруъот”. Бу “ҳизбчилар” “кашф” этган ва биронта шаръий манбаларда кўрсатилмаган молиявий солиқдир. “Ҳизбут-тахрир” раҳбарлари оқим аъзоларидан шундай йўл билан маблағ йиғиб, уни ўзлари ва оилаларини таъминлаш ҳамда турли фасод ишларини молиялаштириш учун сарф этишга уринадилар. Бу эса шаръан ҳаром амаллиги ўз исботини топган.

Бировнинг ҳисобига яшаш, ноҳақ йўллар билан кишилар молини ейиш Куръон оятлари ва ҳадиси шарифлар билан қаттиқ ман этилган. Ҳанафий мазҳаби уламолари инсоннинг ҳақи Аллоҳнинг ҳақидан ҳам устунлигини таъкидлаганлар. Зеро, Аллоҳ таоло ҳеч ким ва ҳеч нарсага муҳтож эмас. У

ўз ҳақидан кечиб юбориши мумкин. Аммо инсон эҳтиёжманд мавжудот. Унинг ҳақиға тажовуз қилиш оғир жиноят.

Ҳозирги замон ислом уламолари «Ҳизбут-тахрир»ни оҳод ҳадисларга, қабр азобига, сирот кўпригига ишонмаслиги учун “Аҳли сунна вал-жамоа” сафидан чиққан деб ҳисоблайдилар.

“Ҳизбут-тахрир” 1960–70-йилларда бир неча бор ҳукуматга нисбатан фитна тайёрлашда қатнашганидан сўнг унинг фаолияти Иордания ва Мисрда, кейинроқ Сурия, Ироқ, Ливия, Тунис ва деярли барча мусулмон давлатларида, 2003 йилдан Россия ва Германияда ҳам ман қилинди.

9.4. Салафийлар

Суннийлик йўналиши тўрт фикҳий мазҳаб: ҳанафий, моликий, шофеий ва ҳанбалий ҳамда иккита ақидавий таълимот: мотуридия ва ашъариядан иборат эканига дунё олимлари иттифоқ қилганлар. Суннийлик асрлар давомида ислом моҳиятини аниқ ва тўлиқ акс эттирган йўналиш сифатида эътироф этилган. Бироқ, баъзи “илм аҳли” орасида бу таърифга қўшилмаган кимсалар ҳам вақти-вақти билан учраб турганини қайд этиш лозим. Яъни, суннийлик мазҳабларига эргашишни инкор қилган ҳолда ҳар бир инсон Қуръон ва ҳадисдан ўзи мустақил фатво олиши мумкин, деган қарашдаги кишилар. Уларнинг бу иддаолари оқибатида “салафийлик” оқими юзага келди. Шу ўринда мутаассиб оқим ва фирқалар ислом таълимотида мўътабар бўлган тушунчалар маъносини сохталаштириб, уларни ўзларига шиор қилиб олишларини таъкидлаш жоиз. Масалан, ваҳҳобийлар ислом эътиқодининг бош ғояси бўлган тавҳидни васф этишда унинг асл моҳиятидан узоқ бўлган талқинларни киритишга уриндилар ва бу талқинларга қўшилмаганларни куфр ва ширкда айбладилар. Шиалар бутун ислом олами учун ҳурматли бўлган “аҳли байт”, яъни Муҳаммад (с.а.в.) оилалари ва авлодларини эҳтиром этишда мўътадиллик чегарасидан чиқиб кетдилар ва ўзларининг кўпчилик уламолар томонидан рад этилган

нотўғри талқинларини зўр бериб тарғиб этишга уриндилар. Салафийлар фаолияти ҳақида ҳам шунга ўхшаш ҳолатларни кўриш мумкин. Аслида “салафи солихлар” деганда саҳобалар, тобеинлар, улар билан замондош бўлган ёки уларга эргашган улуғ имомлар ва уламолар тушунилади. Салафи солихларсиз ислом ва унинг таълимотини тасаввур этиш мушкул. Лекин ўзини салафий деб атаётган кимсалар бирор мазҳабни тан олмай, салафлар йўлидан юришларини даъво қиладилар. Бу оқимнинг номи шундан келиб чиққан.

Қизиғи, ўзини салафий деб ҳисоблаётганлар салафи солихлар даврида юзага келган тўрт мазҳабни тан олмай, улардан 500-600 йил кейин яшаган Ибн Таймия ва Ибн Қаййим Жавзийнинг фикрларига эргашадилар. Демак, улар аслида салафий эмас, балки бу номга даъвогарлар холос.

Тақиюддин Ибн Таймия салафийликнинг илк тарғиботчиси ва ғоявий раҳнамоси сифатида танилган. Лекин, унинг таълимоти ихтилоф ва зиддиятларга боис бўлгани сабаб ўша давр уламолари томонидан танқидга учраган. XVIII асрда Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Ибн Таймия қарашларини жонлантирди, улардан келиб чиққан ҳолда ваҳҳобийлик оқимига асос солди. Бугунги кунда бу икки оқим бир-бири билан боғланиб кетганки, уларни айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Зотан, салафийлик қарашлари билан танишганда уларнинг ваҳҳобийлик ғоялари билан яқин экани намоён бўлади.

Биринчидан, салафийлар Қуръон ва суннатдан ҳар ким мустақил фатво олиши мумкин деб ҳисоблайдилар. “Аҳли сунна вал-жамоа” таълимоти бўйича оят ва ҳадис маъноларини изоҳлаш ва ҳукм чиқариш фақат мужтаҳид ва муфтийлар ваколатига тегишли деб ҳисобланади.

Иккинчидан, ақида масалаларида суннийликнинг икки мазҳаби мотуридия ва ашъарияга хилоф қарашларни илгари сурадилар. Хусусан, Аллоҳнинг исм ва сифатлари борасида ихтилоф қиладилар.

Учинчидан, салафийлар таассуби шу даражага бордики, ўтган улуг имомлардан кимки мотуридий ва ашъарий таълимотига мансуб бўлса, уни адашган ва хатокорга чиқариб, бу борада китоблар таълиф қилдилар. Биз салафларга эрагашамиз, дейилса-ю, лекин амалда ўзидан олдин ўтган солиҳ имомларни, уламоларни танқид қилишдан, уларни адашганга чиқаришдан тоймаса, бу мантиқсизликнинг айни ўзидир.

Тўртинчидан, тўрт фикҳий мазҳабдан бирига эргашиб, қолганларига ҳурматда бўлган мусулмонларни “мазҳабий” деб атаб, мутаассиб ва адашганга чиқарадилар. Ваҳоланки, ер юзи мусулмонларининг 92,5 фоизи суннийликдаги тўрт мазҳабдан бирига мансубдир.

Айтиб ўтилган ихтилофлардан маълумки, салафи солиҳларга эргашишни даъво қилаётган, ўзини салафий деб атаган тоифа аслида суннийлик йўналишига ва унинг асосчилари бўлмиш салафи солиҳлар равишига зид иш қиладиган сохта даъво эгасидир.

9.5. Нурчилар

Бу оқимнинг келиб чиқиши ва аталиши туркиялик Бадиуззамон Саид Нурсий фаолияти билан боғлиқдир. Оқим мақсади – мавжуд ҳокимиятга қарши чиқувчи мутаассиб кишиларни тарбиялашдан иборат.

“Нурчилар” оқими ўтган асрнинг 90-йилларида юртимизда турк лицейлари ва ўқув марказлари ташкил этиш орқали фаолият юритишга ҳаракат қилди. “Холис” мақсаднинг оқибати аста-секин кўрина бошлади. “Нурчилар” таъсирига тушган ёшлар бошқа мўмин-мусулмонлардан ўзига хос қарашлари ва хатти-ҳаракатлари билан ажрала бошлади. Жумладан, ўзига таълим берган “нурчи” муаллимини ҳаддан ортиқ эҳтиром қилиш, унинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришга интилиш, уларни эъзозлашда юртимиз мусулмонлари асрлар давомида амал қилиб келган ҳанафий мазҳаби ва мотуридия таълимоти асосларига ҳилоф қилиш, диний қарашларни ўзи яшаётган диёр уламоларидан эмас, балки фақат “нурчи”

ўқитувчисидан олиш каби ҳолатлар бу оқимнинг ижтимоий хатарини белгилаб берди.

Нурчилик оқими суннийлик йўналишига қуйидаги масалаларда хилоф қилади:

Биринчидан, мўмин-мусулмонларнинг орасида ихтилоф қўзғайдиган алоҳида фирқа тузиш шаръан ман этилган ишдир. Қуръони карим ва ҳадиси шариф мазмунига кўра турли гуруҳларга бўлиниш қайтарилган ишдир.

Иккинчидан, Саид Нурсий дунё уламолари томонидан эътироф этилган мужтаҳид ёки аллома эмас. Унинг ини дастур ва шиор қилиб олиш жоиз эмас. Аксинча, унинг қарашларида зиддият ва чалкашлик борлиги мутахассислар томонидан таъкидланган.

Учинчидан, ҳақиқатни фақат бир миллат вакилларига мансуб деб, фақат шу миллат олимлари ёзган китобларни ушлаб олиш мутаассибликдан бошқа нарса эмас. Чунки, ислом дини мусулмонлар жамоасига эргашишни буюради, бунда бир миллатни бошқа миллатдан, бир халқни бошқасидан устун ёки заиф кўрилмайди. Агар бундай ҳолат юзага келадиган бўлса, қанча-қанча ихтилоф ва зиддиятлар келиб чиқиши табиий.

Тўртинчидан, мавжуд ҳокимиятга қарши чиқиш, ноқонуний йўллар билан унга эгалик қилишга интилиш мотуридия таълимоти ва ҳанафий мазҳабига зид иш экани маълум. Мавжуд давлат ҳокимиятига қарши тарғибот олиб боровчи кишилар тарихда хорижийларнинг “қаъадий” гуруҳига мансуб бўлиб, улар хорижийларнинг энг зарарлиси дея эътироф этилганини таъкидлаш ўринли.

Юқоридаги мисоллар “нурчилик” оқимининг хатарли ва ижтимоий хавфли эканини исботлайди.

9.6. Ақромийлар

“Ақромийлар” гуруҳи асосчиси – Ақром Йўлдошевдир. У Абдували Мирзаев сингари салафийлик ва мазҳабсизлик ғояларини тарғиб этган кимсалардан таълим олди ва оқибатда дунё уламолари томонидан адашган фирқа дея эътироф этилган “Ҳизбут-таҳрир” аъзосига айланди. Мақсади раҳбарликка ва ҳокимиятга интилиш бўлган А. Йўлдошев бора-бора “”ҳизб” раҳнамоси А. Қосимов билан келиша олмай, “Ҳизбут-таҳрир”дан чиқди. Лекин унинг ғоялари асосида “ақромийлар” оқимига асос солди. У ўз қарашларини 12 дарсдан иборат бўлган “Имонга йўл” рисоласида баён этган. Мазкур рисола сабаб “ақромийлар” халқ орасида “имончилар” деган ном билан аталган.

А.Йўлдошев мавжуд қонуний ҳукуматни ағдариш ва ҳокимиятни қўлга олиш учун “сирли”, “моддий”, “маънавий”, “узвий майдон” ва “охират” ёки “тўнтариш” деб номланган 5 босқичли ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Бу бешала босқичнинг ҳар бири ислом таълимотига зид эканини таъкидлаш жоиз:

Биринчи, сирли – ҳокимиятга қарши чикувчи гуруҳларни тузиш, хоҳ маҳфий, хоҳ ошкора бўлсин шаръан ман қилинган ишдир. Ақромийларнинг “сирли” босқичи шиаликдаги “тақия” ва хорижийларнинг “қаъадия” гуруҳига ўхшаб кетади ва суннийлик таълимотига хилофдир.

Иккинчи, моддий – “ақромийлар” аъзоси ўз даромадининг йигирма фоизини “Байтул-мол”, яъни оқим манфаатлари йўлида ташкил этилган ғазнага топшириши. Бу шаръан мутлақо ман этилган иш. Қонунга хилоф тарзда ҳеч ким ўзича ғазна ёки жамғарма ташкил этиши мумкин эмас. Суннийлик таълимоти бўйича инсон тамагирлик билан, ўзгаларнинг ҳисобига ҳаёт кечириши ҳаромдир. Шунинг учун ҳам ислом илмлари бўйича дунёга машҳур бўлган алломаларнинг ҳам ўз касблари бўлган ва

шу касблари сабаб кун кечирганлар. Имом Абу Ҳанифа тижорат, Қаффол Шоший қулфсозлик, Баҳоуддин Нақшбанд матога гул босиш билан шуғулланган ва ҳоказо кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Меҳнат қилиш ҳам қарз, ҳам фарз. Лекин, қандайдир гуруҳлар тузиб, бу орқали ўзгаларнинг ҳисобига тирикчилик қилишни мақсад қилиш жиноятдир.

Учинчи, маънавий – оқим аъзолари ўзларининг бузғунчи мақсадлар йўлида бирлашишларига шундай ном берганлар. Аслида, қўпоровчилик ва қотилликда ер юзини хароб қилишдан бошқа нима маъно бор? Аллоҳ Қуръонда эзгулик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилишга ҳамда гуноҳ ва адоват йўлида ҳамкорлик қилмасликка буюргани маълум ва машҳурдир. Бегуноҳ инсоннинг қонини тўкиш инсониятнинг қатлига тенг экани оят каримада баён этилган. Ислом сўзи исён эмас–итоат, уруш эмас–тинчлик маъносини билдириши кундек равшан. Демак, “акромийлар” тарғиб этган “маънавий” босқич, аслида тубанликдир.

Тўртинчи, узвий майдон – бу ақлга ҳам, нақлга ҳам тўғри келмайдиган ишдир. Акромийлар “узвий майдон” орқали давлат тузумининг керакли жойларига ўз аъзоларини жойлаштириш ва тўнтаришга тайёргарлик кўришдан иборат деб ҳисоблайдилар. Инсон қўпоровчилик ниятида бирор ишни қилса, у жазога мустаҳиқ бўлиши тарихий ва мантиқий далиллар билан такрор-такрор исботланган.

Давлат ҳокимиятига қарши инқилоб қилиш ва уруш қилиш орқали бирор халқ барака топмаган. Аксинча, ҳар томонлама орқага кетган. Бунга ўтган ва ҳозирги асрларда дунёнинг турли мамлакатларида содир бўлган жараёнлар, жумладан, “рангли инқилоблар” такрор ва такрор исбот этди.

Бешинчи, охират ёки тўнтариш – “акромийлар” бу босқични ҳокимиятни қўлга киритиш учун сўнггиси деб ҳисоблайдилар. Давлат ҳокимиятига қарши чиқиш, бу мақсадда турли гуруҳлар тузиш ислом таълимотида оғир гуноҳ ҳисобланади. Давлатга қарши чиқиш суннийлик йўналишида “боғийлик” деб аталиб, бу фаолият билан шуғулланган

кимсаларга ўлгандан сўнг жаноза ўқимасликка ҳанафий мазҳабининг “Ҳидоя” каби мўътабар китобларида фатво берилганини таъкидлаш ўринли.

Шунингдек, А.Йўлдошев “Имонга йўл” рисоласида имон масаласини юртимизда азалдан анъанавий ҳисобланиб келган ҳанафий мазҳаби ва мотуридия таълимотига зид тарзда талқин қилган. Масалан, китобда “Имон комил бўлиши учун, тилда айтилган нарса амалда тасдиқланмоғи шартдир”, деган таъкид бор. Ваҳоланки, мотуридия таълимоти бўйича имоннинг шарти иккита: Аллоҳнинг бирлиги ва Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар эканига тил билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлашдир. “Акромийлар” имоннинг таърифига амалнинг шарт сифатида қўшишдан мақсадларини англаш қийин эмас. Одатда, мутаассиб фирқалар бу орқали имони ва иқрори бўлса-да, ислом арконларига амал қилмаганларни кофирга чиқариш ва унга қарши жазо эълон қилиш мақсадида ишлатадилар. Бунинг оқибатида эса ҳокимият учун кураш ётибди.

2005 йил 13 майда Андижон шаҳрида бўлиб ўтган ходисалар, “акромийлар” фирқасининг давлатга қарши бош кўтариши, шаҳар ҳокимиятига ва ички ишлар идорасига ҳужум қилиб, бир қанча бегуноҳ одамларни ўлдирганлари уларнинг асл мақсадларини ошкор қилди. Аллоҳга шукри, бузғунчилар фитнаси тезда тўхтатилди, Юртбошимизнинг қатъий саъй-ҳаракати ва оғир вазиятда қабул қилган оқилона қарорлари сабаб, водийда юзага келган жуда катта хавф-хатарнинг олди олинди. Бинобарин, “акромий” бўладими, “ҳизбий” бўладими, “салафий”ми ёки бошқасими, бундай гуруҳларнинг таҳдидларидан ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиш, уларга қарши тура оладиган, бундай касалликларни бартараф қиладиган иммунитетга эга бўлиш ҳар бир имонли инсоннинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

9.7. Замонавий хорижийлар

XX аср фан тараққиёти, информацион технологиялар, космонавтика асри бўлиши билан бир қаторда, бир эмас иккита жаҳон уруши, дунёга ҳукмронлик қилиш учун манфаатлар тўқнашуви асри бўлди. Аммо мусулмон олами дунёда бўлаётган шунча ўзгаришларга қарамай ҳамон ўзаро ихтилоф ва зиддиятлар гирдобидида қолмоқда. Афғонистон, Покистон, Фаластин, Ироқ каби мамлакатларида кунда-кунора содир этилаётган террористик ҳаракатлар ҳар бир онгли инсонни ташвишга қўйиши табиий.

2007 йил 14-15 август кунлари Тошкентда ўтказилган “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” номли халқаро анжуманга ташриф буюрган турли халқаро ташкилот вакиллари, дин арбоблари ва муфтийлардан иборат меҳмонларнинг бир гуруҳини Президент Ислам Каримов қабул қилди. Улар билан мулоқот чоғида Юртбошимиз бугунги кунда мусулмон оламида рўй бераётган ўзгаришларни чуқур таҳлил этиб, ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча муаммоларни, хусусан, мусулмонлар орасида тарқоқлик ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор бериш, қашшоқлик ва камбағалликка қарши курашиш кабиларни таъкидлади. Ҳақиқатан, айти пайтда ислом оламига таҳдид солаётган энг катта хавф бу мутаассиблик, жаҳолат ва дангасаликдир. Бу уч илдиз ўзаро туташиб, экстремизм ва терроризмни озиқлантирмоқда. Зотан, мутаассиблик ҳақиқатни инкор этишга, яъни жаҳолатга етаклайди. Бу икки салбий иллат дангасаликка, ўзгаларнинг ҳисобига ҳаёт кечириш, яратувчанлик эмас, бузғунчилик билан шуғулланишга олиб боради. Бежизга ислом таълимотида илм олиш фарз, меҳнат қилиш фарз дейилмаган.

Баъзи оммавий нашрларда дунёда мавжуд 500га яқин террористик ташкилотларнинг 80 фоизи ислом номидан иш кўриши таъкидланади. Аммо Yandex.ru интернет қидирув тизимида келтирилган маълумотларга

қараганда, мавжуд террористик ташкилотларнинг умумий сони 223та бўлиб, улардан 26 таси, яъни 11 фоизи ўзини ислом дини билан боғлиқ қилиб кўрсатади. Wikipedia.org интернет–энциклопедияси маълумотларига қараганда, террористик ташкилотлар сони 122та бўлиб, улардан 45таси, яъни 37.5фоизи ислом дини номидан иш кўришини даъво қилади. Агар сўнгги иккала маълумотни ўртачасини оладиган бўлсак, 24 фоиз натижа ҳосил бўлади.

Юқоридаги боблардан бирида, фақат жамиятдан ажралиб чиқиш эмас, балки ўзаро тафрикага бориш, пароканда бўлиш мутаассиб оқимларга хос экани ҳақида сўз борди. Бинобарин, ислом номидан иш кўрувчи жангари тоифаларнинг ҳар бири айри ҳолда юзага келган эмас, балки бир қанча йирик террористик ҳаракатлардан ажралиб чиққанлардир. Масалан, “Ал-ихвон ал-муслимун”дан “Ал-Жамоа ал-исломия”, “Жундуллоҳ”, “Ат-Такфир вал-ҳижра”, “Ал-Жиход”, “Ал-Қоида”, “Ҳизбут-тахрир ал-исломий” ва “Ҳизб ан-Нусра” каби оқимлар ажралиб чиқди. “Ҳизбут-тахрир”дан “Акромийлар” алоҳида бўлиб ажралди.

“Ал-Қоида” айна пайтда ўзида турли террористик оқимлар учун асос вазифасини ўтамоқда. Зеро, “ал-қоида” сўзи араб тилидан таржима қилганда “асос” маъносини англатади. Мазкур террористик ташкилот халқаро миқёсда фаолият олиб бориб, дунёдаги турли экстремистик ва террористик оқимлар билан алоқалар ўрнатганини ва ер юзининг турли нуқталарида муттасил кўпуровчилик ҳаракатларини амалга ошириб, қанча-қанча инсонларнинг умрига зомин бўлаётганини таъкидлаш жоиз. 2011 йил Покистонда АҚШ хавфсизлик кучлари томонидан ўтказилган ҳарбий амалиёт чоғида “Ал-Қоида” етакчиси Усома ибн Лодин ўлдирилди. Аммо, мазкур террористик ташкилот ҳамон ер юзидаги барқарорлик ва тинчликка таҳдид солмоқда.

“Ал-Қоида” билан бевосита алоқада бўлган яна бир оқим Афғонистонда Мулла Умар бошчилигида юзага келган “Толибон”

ҳаракати бўлиб, у ҳам ўз навбатида, бир қанча экстремистик ва террористик гуруҳларни бирлаштирган. Интернетда нашр этилган маълумотларга қараганда, мазкур ҳаракат айти пайтда 100 га яқин гуруҳга бўлиниб кетган.

Салафийлик оқими қарашлари ҳам бугунги кунда юзлаб тоифаларга асос бўлмоқда. Масалан, 90-йилларда Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солган “Адолат”, “Тавба”, “Ислом уйғониш партияси”, “Ўзбекистон ислом ҳаракати” кабилар айти салафийлик қарашлари асосида юзага келди. Бу гуруҳлар аҳоли орасида “салафийлик” ғояларини тарғиб этиб, мавжуд конституцион тузумга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва ислом давлатини тиклаш шиори остида ҳокимиятни куч билан эгаллашни мақсад қилди.

Мазкур мутаассиб, жангари оқимларнинг барчасини асосан иккита хусусият бирлаштириб туради:

Биринчидан. Улар ўз йўлларига юрмаган мусулмонларни турли баҳоналар билан кофирга чиқарадилар. Бундан иккита мақсадни кўзлайдилар: ўз сафларига қўшилганларни бошқалардан ажратиб олиш ва адоват руҳида тарбиялаш.

Иккинчидан. Ўз сафларига қўшилмаганларга қарши уруш эълон қилиш. Буни ўзларича, жиҳод деб номлайдилар, ваҳоланки, бундай ҳаракатлар исломда “боғийлик” деб аталади. Уни юрт ва миллатнинг ҳимояси учун қўлланиладиган жиҳод тушунчасига алоқаси йўқ.

Юқоридаги икки хусусият мусулмонлар орасидан илк ажралиб чиққан исёнкор йўналиш бўлмиш хорижийларнинг сифатлари эди. Бинобарин, таниқли олим ва мутахассислар ҳозирги даврда “Ал-Қоида”, “Туркистон ислом ҳаракати”, “Толибон” “Ҳизбуллоҳ” сингари ўзини турли номлар билан атаётган экстремистик ва террористик гуруҳларни ягона ном билан “хорижийлар” деб аташни таклиф қилдилар. Агар мазкур мутаассиб гуруҳлар фаолиятига назар ташланса, улар олиб бораётган кўпоровчилик

ҳаракатлари VIII асрда фаолият олиб борган хорижийлардан фарқ қилмаслигини кўриш мумкин.

Асосий таянч тушунчалар:

Ваҳҳобийлик – XVIII асрда Арабистон ярим оролида вужудга келган оқим. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобдир.

Ваҳҳобийлик таълимоти диний масалаларни ҳар ким Қуръон ва суннатдан мустақил олиши керак, бу борада мазҳабларга эргашишнинг ҳожати йўқ деб даъво қилди ва бугунги кунда ҳам кишилар ўртасида ихтилоф ва зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

“Ал-Ихвон ал-муслимун” – “Мусулмон биродарлар” фирқаси 1928 йили Мисрнинг Исмоилия шаҳрида ташкил этилган. Асосчиси Ҳасан Абдурахмон ал-Банно. Мазкур оқим қарашлари айна пайтда бошқа кўп диний-экстремистик ташкилотлар учун ҳам мафкуравий асос бўлиб хизмат қилмоқда

“Ҳизбут-тахрир” 1960 – 70-йилларда бир неча бор ҳукуматга нисбатан фитна тайёрлашда қатнашганидан сўнг унинг фаолияти Иордания ва Мисрда, кейинроқ Сурия, Ироқ, Ливия, Тунис ва деярли барча мусулмон давлатларида, 2003 йилдан Россия ва Германияда ҳам ман қилинди

Ҳозирги замон ислом уламолари “Ҳизбут-тахрир”ни оҳод ҳадисларга, қабр азобига, сирот кўпригига ишонмасликлари учун уларни “Аҳл ас-сунна вал-жамоа” сафидан чиққан деб ҳисоблайдилар

Салафийлар таассуби шу даражага бордики, ўтган улуғ имомлардан кимки мотуридий ва ашъарий таълимотига мансуб бўлса, уни адашган ва хатокорга чиқардилар.

Нурчилар оқими асосчиси Бадиуззамон Саид Нурсийдир. Оқим мақсади – мавжуд ҳокимиятга қарши чикувчи мутаассиб кишиларни тарбиялашдан иборат.

Мусулмонларнинг орасида ихтилоф қўзғайдиган алоҳида фирқа тузиш шаръан ман этилган ишдир. Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар мазмунига кўра турли гуруҳларга бўлиниш қайтарилган ишдир.

“Акромийлар” гуруҳи асосчиси – Акром Йўлдошевдир. У “Ҳизбут-тахрир” ғоялари асосида “акромийлар” оқимига асос солди. Ўз қарашларини 12 дарсдан иборат бўлган “Имонга йўл” рисоласида баён этган А.Йўлдошев мавжуд қонуний ҳукуматни ағдариш ва ҳокимиятни қўлга олиш учун “сирли”, “моддий”, “маънавий”, “узвий майдон” ва “охираат” ёки “тўнтариш” деб номланган 5 босқичли ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Бу бешта босқичнинг ҳар бири ислом таълимотига зиддир.

Давлатга қарши чиқиш суннийлик йўналишида **“боғийлик”** деб аталиб, бу фаолият билан шуғулланган кимсаларга ўлгандан сўнг жаноза ўқимасликка ҳанафий мазҳабининг “Ҳидоя” каби мўътабар китобларида фатво берилган.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Ваҳҳобийлик оқимининг зарарли оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
2. “Ал-Ихвон ал-муслимун” фирқаси ҳақидаги фикрларингизни баён қилинг?
3. Сизнингча, “Ал-Ихвон ал-муслимун”нинг энг катта хатари қайси?
4. “Ҳизбут-тахрир”нинг ислом таълимоти моҳиятига хилоф қарашлари ҳақида нималарни биласиз?
5. “Ҳизбут-тахрир” фаолиятига билдирилган муносабатларни баён қилинг?
6. Салафийликнинг суннийликдан фарқи нимада ?
7. Салафийларнинг салбий оқибатларини баён қилинг?
8. “Акромийлар” қандай фирқа?

9. “Ақромийларнинг ислом таълимотига зид қарашлари ҳақида нималарни биласиз?

10. “Боғийлик” ҳақида маълумот беринг?

11. Замонавий хорижийлар иборасини изоҳланг?

12. Бугунги кунда халқаро тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи террористик ташкилотларнинг неча фоизи ислом дини номидан иш юритишини даъво қилади?

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган

манба ва адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. : Ўзбекистон, 2008.

2. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Ўқув қўл./Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.

3. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т.: Академия, 2000.

4. Жўраев Ш. Бузғунчи даъватчилар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

5. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. – Т.: Маънавият, 2000.

6. Мелиқўзиев Ж. Ҳалокат тузоғи. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

7. Каримов. А. Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари ва замонавий кўринишлари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011

8. Шермухамедов К. Жаҳолат тўри. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

9. Ҳасанов А. Ислам тарихи. Ўқув қўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.

10. Абдуллатиф қори Ҳошимжон қори ўғли. Залолатга кетманг: Ҳизбут-таҳрир фитнасидан огоҳ бўлинг. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003.

11. Мирский Г. И. Исламизм, транснациональный терроризм и ближневосточные конфликты. – Москва, 2008.

10-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОРЛИККА ТАХДИД СОЛУВЧИ ОҚИМЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

10.1 Мустақилликнинг илк йилларида турли оқимларнинг ижтимоий барқарорликка таҳдиди

Ўзбекистон мустақилликка эришгач барча соҳаларда бўлгани каби виждон эркинлигини таъминлаш борасида кенг имкониятлар, диндорларнинг ўз эътиқодлари тақозоси билан ҳаёт кечиришлари учун барча шароитлар яратилди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддалари билан виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳуқуқи қонуний асосда мустаҳкамланди. Собиқ Иттифоқ конституциясида ҳам виждон эркинлиги акс эттирилган эди, бироқ ҳаётда бунинг тамомила аксини кўриш мумкин эди. Мустабид тузум динга қарши кураш эълон қилганини, унинг ҳудуди даҳрийликка чорловчи эълонлар билан тўлдирилгани маълум ҳақиқат.

1991 йил 14 июнда ҳали Иттифоқ таркибида эканимизда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши маънавий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Минглаб масжидлар, зиёратгоҳлар мусулмонлар ихтиёрига топширилди. Қуръони карим маънолари ва ҳадиси шарифлар ўзбек тилига таржима қилинди. Ўнлаб мадрасаларда диний таълим йўлга қўйилди. Ота-боболаримиз учун аср армони бўлган ҳаж ибодатига юртимиз фуқаролари қулай шароитларда қатнай бошладилар. Ўзбекистон аҳолиси бундай ўзгаришлардан мамнун эди. Чунки, барчанинг фикрида ислом фақат эзгулик дини, унга эътиқод қиладиганлар доимо яхшилик қилишни кўзлайдилар, уларнинг қўлидан асло ёмонлик келмайди, деган қараш

шаклланиб келаётган эди. Ҳақиқатан ҳам ислом тинчлик ва эзгулик дини. Бироқ...

Бироқ мустақиллик арафасида, ўз ҳудудимиз ва чегараларимизга ўзимиз эга бўлишимиз учун ҳаракатлар бўлаётган бир пайтда баъзи хорижлик даъватчилар пайтдан фойдаланиб қолишга уриндилар. Халқимизнинг соддалиги, диний илми оз ва саёзлигини ҳисобга олиб, ғаразли мақсадларини амалга оширмоқчи бўлдилар. Чунки, одамларимиз ким диндан гапирса, унинг билимини зўр ҳисоблаб, ташқаридан келган баъзи “холис”ларни очик чехра билан кутиб олдилар. Афсуски, улар “тузимизни еб, тузлиғимизга тупуриб кетдилар”. Диёримизга турли экстремистик ва террористик ғояларни кўтариб келганлар қилмишини бошқача таърифлаш қийин. “Қарс икки кўлдан чиқади”. Фуқаролар орасида мутаассиб ғояларни кўллаб-қувватлайдиган илмсиз ва жоҳил кимсалар ҳам топилгани вазиятни янада мураккаблаштирди.

Ўзбекистонда диний эркинликни суистеъмол қилиш нимадан бошланди, деган саволга ибодат масаласидаги ихтилофлардан, дея қатъий жавоб бериш мумкин. Илк ихтилоф намозда бош кийим кийиш масаласидан бошлангани маълум. Мутаассиб ғояларга берилган “аҳли илм”лардан бири: “дўппи бу ўзбекларнинг миллий кийими, уни намозга алоқаси йўқ”, деб берган “фатво”си сабаб, кекса ёшдаги намозхонлар ва бу “фатво”га амал қилган ёшлар ўртасида кўплаб масжидларда зиддиятлар келиб чиқди. Тўғри, дўппи ўзбек халқининг миллий кийими, аммо у шунчалик халқ ҳаётига сингиб кетган эдики, кекса ёшдагилар дўпписиз намоз у ёқда турсин, овқат ейишни, ҳатто “холи жой”га киришдан ҳам ҳаё қилганлар, шаръий жиҳатдан қаралганда, ҳанафий мазҳаби манбаларида беузр ҳолатда бош кийимсиз намоз ўқиш макруҳлиги қайд этилган эди. Шундай экан, буни била туриб, нега масжидларда ихтилофларга йўл қўйилди? Зиддият фақат дўппи масаласида эдими? Йўқ. Намозда оёқни кериб туриш, “омийн” лафзини бақриб айтиш, фарздан сўнг суннатни

ўқимай кўпчилиқни бостириб ўтиб, чиқиб кетиш каби кутилмаган янгиликлар ибодатларга киритила бошланди ва бу ишларнинг барчаси диёримиз мусулмонлари асрлар давомида амал қилиб келаётган таълимотга қарши қаратилган эди.

Ҳанафий мазҳабини тушунган ва уни ҳимоя қилган масжид имомлари ва илм аҳлларининг саъй-ҳаракатларини ҳам эътироф этиш лозим. Уларнинг фаолияти оқимларнинг хатарини бир мунча камайтиришга муайян даражада сабаб бўлди. Бироқ, диний соҳанинг бундай вакиллари кам эди. Намозни қайси мазҳабда ўқишнинг аҳамияти йўқ ёки бизга мазҳабнинг нима кераги бор деган “олимлар” мутаассиб оқимларнинг тегирмонига сув кўйдилар. Чунки, масжидларда ибодат борасида бошланган ихтилоф бора-бора ўзининг ижтимоий хатарини намоён қилди. Кейинчалик, сиёсий мураккабликларга сабаб бўлди ва ҳатто мавжуд давлат ҳокимияти учун жиддий хатарга айланди.

Қайси жойда кишилар онгида “ғоявий бўшлиқ” пайдо бўлса, у бўш турмайди, балки ўрнини бошқа ғоялар эгаллаши табиий. Экстремистик гуруҳлар, аввало, юртимиз мусулмонлари асрлар давомида амал қилиб келган ҳанафий мазҳабига ҳужум қилдилар. Мақсадлари шу йўл орқали ихтилофларни кўпайтириш ва ўз ғоялари билан кишилар онгини заҳарлаш эди. Ҳақиқатан, баъзи илмсиз мусулмонлар Имом Аъзам мазҳаби таълимотини англамасликлари, бошқаларининг эса оқимлар сафсаталарига алданишлари оқибатида, ягона ҳанафий мазҳабининг ўрнига юртимизда ўнлаб бошқа бидъатчи гуруҳлар даъво қилдилар: “вахҳобийлар”, “салафийлар”, “Тавба”, “Адолат”, “таблиғчилар”, “Ўзбекистон ислом ҳаракати”, “ҳизбчилар”, “акромийлар”, “нурчилар”, “маърифатчилар”, “шоҳидийлар”. Бу ҳолат ўзининг салбий оқибатларини кўрсата бошлади.

1991 йил декабрь ойида Наманган шаҳри ҳокимияти биноси Тоҳир Йўлдош ва Жума Намангоний бошчилигидаги мутаассиб оломон томонидан босиб олинди. Ўзбекистон раҳбари И.Каримовнинг жасорати,

оломон орасига ёриб кириб, мақсадни дадил ифода этиб, амалга оширган оқилона саъй-ҳаракатлари сабаб Намангандаги нотинчликнинг олди олинди. Аста-секин барқарорлик қўлга киритилди.

Юртбошимиз И.А.Каримов 1997 йилда чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида»: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари номли асарида диний мутаассиблик ва ақидапарастлик таҳдидини аниқ далиллар мисолида исботлаб берди ва фуқароларни бу балодан огоҳ бўлишга чақирди. Дин соҳасида юзага келаётган турли мураккабликларнинг олдини олиш мақсадида Парламент томонидан 1998 йил 1 майда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Қонун юртимизда фаолият юритаётган барча диний муассасаларни қайтадан рўйхатга олишни кўзга тутган эди. Бунинг оқибатида турли мутаассиб оқимлар томонидан “уя”га айлантирилган диний ташкилотлар маскани ва фаолиятини қонун назорати остига олиш, зарур бўлса уларни бартараф қилиш ишлари олиб борилди.

Аммо, хорижлик “холис”лар туздонимизга тупуриб кетган захарни ялаган баъзи кимсалар, хусусан, фикри тор ва онги ғўр айрим ёшлар экстремистик ғояларидан осонликча воз кечганлари йўқ. Улар ўз мақсадларини амалга ошириш учун қулай фурсат пойлашди. Оқибатда, 1999 йил 16 февралда Ўзбекистон Президентига суиқасд уюштирилди. Айни пайтда Тошкентнинг бир нечта нуқталарида портлашлар уюштирилди. Қанча бегуноҳ инсонлар қурбон бўлди. Бахтимизга Аллоҳ Юртбошимизни ўз паноҳида асради. Президент экстремизм ва терроризм ислом таълимотига ёт тушунча эканини ўзининг “Оллоҳ қалбимизда ва юрагимизда” асарида баён этди. Мутаассиб гуруҳлар домига тушиб қолган ёшларнинг бизга бегона эмаслигини, улар ҳам шу юрт фуқаролари эканини эътиборга олишга ва уларни тарбия қилишга чақирди. Ислом маърифатига катта эътибор қаратишда давом этиб, 1999 йил 7 апрелда Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетини таъсис этиш ҳақидаги Фармонга имзо чекди.

Диний соҳа тараққийоти учун яратилган имкониятларни қадрига етмаган, бу имкониятни суистеъмол қилишга уринган кимсалар афсуски, ўзларининг иддаоларидан воз кечмадилар. Оқибатда 2003 йил март ва июль ойларида Тошкент ва Бухоро шаҳарларида кўпоровчилик ҳаракатлари амалга оширилди. 2005 йил май ойида Андижонда “акромийлар” томонидан амалга оширилган ҳокимиятга қарши хуруж эса терроризмнинг диёримиздаги сўнгги талвасаси бўлди.

Оққан дарё оқаверади, ит ҳуради, карвон ўтаверади. “Тоғга калла қўйиб уни бузмоқчи бўлган нодон, тоғнинг емирилишини эмас, аввало, ўз бошининг парчаланишини ўйласин”, дейди машойихлар. Ўзбекистон халқи ўзининг доно раҳнамоси бошчилигида турли таҳдидлар ва қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтди.

“Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси остида ихтилофларга барҳам берилиши, бирдамлик ва барқарорликнинг таъминланиши

Ўзбекистон қадимдан бағрикенглик, илму маърифат, маданият ва тараққийот диёри бўлиб келган. Шунинг учун ҳам бу юртда диний низолар бўлмаган. Бу халқ ўз тарихи давомида кескин ва мутаассиб фикрларни қабул қила олмаган. Бу халқнинг Мотуридий сингари фарзандлари ихтилоф ва зиддиятларга қарши курашиб, “Тўғри йўлга бошловчи раҳнамо” сифатида танилган. Бу халқнинг Бухорий сингари фарзандлари бутун оламга сохта ва ҳақиқий ҳадисларни ажратиб берган. Бу халқ фарзандининг Қуръон оятлари маъноларини шарҳлаш борасида битган “Кашшоф” тафсири бўлмаса, баъзи оятларнинг нозик маънолари очилмай қоларди, дейди дунё уламолари. Бу халқ фарзандининг “Ҳидоя” асарини бугун шарқу ғарбда ислом ҳуқуқи борасида асосий қўлланма сифатида ёдлашмоқда ва ўрганишмоқда. Бу халқ фарзандининг “Дил ба ёру даст ба

кор” деган табаррук сўзи дунёнинг барча қитъалари мусулмонларининг севимли шиорига айланган. Қадимдан бу диёр халқи маърифатни севган, уни ардоқлаган ва бошқаларни ҳам унга чорлаган.

Мустақилликнинг илк йилларида Ватанимизга таҳдид солган турли бузғунчи ғояларга ҳам бу эл маърифий йўл билан курашди. Юртбошиси тимсолида “Ғояга қарши фақат ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураш олиб бориш” лозимлигини баён қилди. Жаҳон халқларига терроризмнинг хатарли оқибатларини аён қилди.

Бешигида не-не алломаларни вояга етказган бу халқ, “соғлом, кучли, билимли ва доно” авлод учун ғам еди. Янги-янги Бухорий ва Термизийларни, Ибн Сино ва Хоразмийларни тарбия этиш сари дадил қадам қўйди.

Бугун Ўзбекистонда 16 диний конфессия, 130дан ортиқ миллат эркин фаолият олиб бораётгани, 2000 дан ортиқ масжид, 10 та таълим муассасаси мўмин–мусулмонлар ихтиёрида экани бу диёрда виждон эркинлигининг тўла қафолатланганининг ёрқин далили, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолик Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Аҳрор Валий, Қафқол Шоший каби алломаларнинг зиёратгоҳлари обод этилгани ва асарлари нашр қилингани маърифий соҳа тараққиётининг муҳим омили бўлди. Бу борада эришилган ютуқларни дунё тан олди. 2007 йилда нуфузли халқаро ташкилот – Ислом Конференцияси Ташкилоти(ИКТ)нинг Таълим, фан ва маданият бўйича Бошқармаси – ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши Ўзбекистонда диний–маърифий соҳада эришилган ютуқларнинг навбатдаги инъикоси бўлди.

Маърифат нури жаҳолат зулматини парчалайди. Имон зиёси мутаассиблик зимистонини бартараф қилади. Бугунги Ўзбекистон барча соҳаларда тараққиёт йўлидан илгариламоқда. Аммо, эришилган ютуқлар осонлик билан қўлга киритилмаганини, бунинг ортида қанча-қанча

инсонларнинг фидокорона меҳнати, юрт учун чеккан заҳмати ётганини унутмаслик даркор. Бу хушёрлик чекка-чеккаларда фурсат пойлаётган хавфлардан огоҳ бўлишга чорлайди. Бу огоҳлик бизни дунёда содир бўлаётган турли бўҳронлар, мураккаб вазиятлардан тўғри хулоса чиқаришга ундайди.

Асосий таянч тушунчалар:

1991 йил 14 июнда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши маънавий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Конституциясининг моддалари билан виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳуқуқи қонуний асосда мустаҳкамланди.

Бироқ мустақиллик арафасида, ўз ҳудудимиз ва чегараларимизга ўзимиз эга бўлишимиз учун ҳаракатлар бўлаётган бир пайтда баъзи хорижлик даъватчилар пайтдан фойдаланиб қолишга уриндилар. Ўзбекистонга экстремизм ва терроризм таҳдиди хавф сола бошлади.

Юртбошимиз И.А.Каримов 1997 йилда чоп этилган “**Ўзбекистон XXI аср бўсағасида**” номли асарида диний мутаассиблик ва ақидапарастлик таҳдидини аниқ далиллар мисолида исботлаб берди ва фуқароларни бу балодан огоҳ бўлишга чақирди.

Дин соҳасида юзага келаётган турли ихтилоф ва зиддиятларнинг олдини олиш, экстремизм ва терроризм хавфини тўхтатиш мақсадида Парламент томонидан **1998 йил 1 майда** “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг **янги таҳрири** қабул қилинди.

1999 йил 16 февралда Тошкентда, 2003 йил март ва июл ойларида Тошкент ва Бухоро шаҳарларида қўпоровчилик ҳаракатлари амалга оширилди. 2005 йил май ойида Андижонда “акромийлар” томонидан

амалга оширилган ҳокимиятга қарши хуруж эса терроризмнинг диёримиздаги сўнгги талвасаси бўлди.

Ўзбекистон халқи ўзининг доно раҳнамоси бошчилигида турли таҳдидлар ва қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтди.

Бугун Ўзбекистонда **16** диний конфессия, **130**дан ортиқ миллат вакиллари хотиржам ҳаёт кечираётгани, **2000** дан ортиқ масжид, **10** та таълим муассасаси мўмин–мусулмонлар ихтиёрида экани бу диёрда виждон эркинлиги тўла кафолатланганининг ёрқин далилидир.

2007 йилда нуфузли халқаро ташкилот – Ислом Конференцияси Ташкилоти(ИКТ)нинг Таълим, фан ва маданият бўйича Бошқармаси – ISESCO томонидан **Тошкент шаҳри ислом маданияти пойтахти** деб эълон қилиниши Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада эришилган ютуқларнинг навбатдаги иникоси бўлди.

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган

манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
4. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда: “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар – Т. : Ўзбекистон, 1999.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрири. – Т.: Адолат, 1998.
6. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Ўқув кўл./ Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.

7. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. – Т.: Маънавият, 2000.
8. Раҳматов О. Огоҳлик – муқаддас бурч. – Тошкент: Мовароуннахр, 2000.
9. Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик: унинг илдизи қаерда? Мақсади нима? Унга қарши қандай курашиш керак? – Т.: Янги аср авлоди, 2000.
10. Султонмурод Олим. Миллий мафкура - халқ таянадиган куч. – Т.: Маънавият, 2000.
11. Юсупов О. Истиқлол ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2000.
12. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002
13. Февраль воқеалари: 1999 йил 16 февраль, Тошкент / Тўпловчилар: С.Остонов, Ж.Раззоқов, Р.Шоғуломов. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
14. Закурлаев А., Ғоялар кураши. – Т.: Мовароуннахр, 2000.
15. Муаллифлар жамоаси: Абдуҳалимов Б., Қаямов А., Ҳасанов С. ва бошқ., Тузувчи: Раҳимжонов Д., Масъул муҳаррир: Исломов З., Маърифат – тинчлик асоси. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
16. Материалы международной конференции «Межрелигиозное согласие-важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан)». Ташкент, 2002.
17. Our Greet Ancestors / responsible editor: Z.Islamov. – Т.: Publishing house of “Tashkent Islamic university”. 2002.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Мустақил Ўзбекистонда виждон эркинлиги таъминланишининг ҳуқуқий асосларини баён қилинг?

2. Конституциянинг қайси моддаларида дин ва диний ташкилотлар мақоми ҳақида сўз боради?

3. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун ҳақида нималарни биласиз?

4. Диний экстремизм ва терроризм хавфининг юзага келиш сабаблари нимада ?

5. Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид солган террорчилик ҳаракатлари ҳақида нималарни биласиз?

6. Юртимизда экстремизм ва терроризмнинг олдини олишда қайси тамойил асос қилиб олинди?

7. Бугунги кунда диёримиздаги турли дин ва конфессия вакиллари фаолияти тўғрисида маълумот беринг?

8. Нуфузли ислом халқаро ташкилоти томонидан 2007 йилда Тошкент ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишининг омилларини баён қилинг?

Фойдаланиладиган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т. : Ўзбекистон, 2008.
4. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда : “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар – Т. : Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири. – Т.: Адолат, 1998.
7. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Ўқув қўл./Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
8. Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Ўқув қўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий. Сунани Термизий. – Т.: Адолат, 1999.
2. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ҳадисларнинг биз англаган ва англамаган ҳикматлари. Таржимон: И.Усмонов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2006.

3. Абдуллаев А.Ғ. Қуръоншунослик. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.
4. Абдулвахҳоб Халлоф. Усулул- фикҳ. – Т.: Мовароуннаҳр, 1999.
5. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т.: Академия, 2000.
6. Алимов У. IX-XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши. – Т.: Мовароуннаҳр, 2008.
7. Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг X-XII асрларда Мовароуннаҳр маданиятида тутган ўрни. Маърузалар тўплами. – Т.: 1999.
8. Алоуддин Мансур. Имоми Аъзам-буюк имомимиз. – Тошкент: Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.
9. Ақоид матнлари. Нашрга тайёрловчи ва таржимон: Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.
10. Бегматов А. Бир мазҳаб тарихи. – Т.: 1997.
11. Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2008.
12. “Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги ҳавфи” махсус курсни ўрганиш бўйича методик тавсиялар. – Т., 1999.
13. Жўраев Ш. Бузғунчи даъватчилар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
14. Абдуллатиф қори Ҳошимжон қори ўғли. Залолатга кетманг: Ҳизбут-таҳрир фитнасидан огоҳ бўлинг. – Тошкент : Мовароуннаҳр, 2003.
15. Закурлаев А. Ғоялар кураши. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000.
16. Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000.
17. Имоми Аъзам (Абу Ҳанифа). Ал-фикҳ ул-акбар – Тошкент: Адолат, 2003.
18. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. – Т.: Маънавият, 2000.

19. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида, – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002.
20. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
21. Каримов. А. Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари ва замонавий кўринишлари. – Т.: Мовароуннахр, 2011.
22. Мансуров А. ва бошқ. Ҳадис илми сабоқлари. Ўқув қўл. – Т.: Ғ.Ғулом номли. адабиёт ва санъат нашриёти. 1999.
23. Муаллифлар жамоаси: Абдуҳалимов Б., Қаюмов А., Ҳасанов С. ва бошқ., Тузувчи: Раҳимжонов Д., Масъул муҳаррир: Исломов З., Маърифат – тинчлик асоси. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
24. Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим Ал-Бурсавий. Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди. Масъул муҳаррир ва сўнгсўз муал.: Ҳожи Сайфиддин Сайфуллоҳ. – Т.: Мовароуннахр, 1999.
25. Мелиқўзиев Ж. Ҳалокат тузоғи. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
26. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон. 2000.
27. Оқилов С. Абул-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва Мотуридия таълимоти. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
28. Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик: унинг илдизи қаерда? Мақсади нима? Унга қарши қандай курашиш керак? – Т.: Янги аср авлоди, 2000.
29. Раҳматов О. Огоҳлик – муқаддас бурч. – Т.: Мовароуннахр, 2000.
30. Самарқандий Васлий. Имом Аъзам тарихи: Ал-калому-л-афхам фи маноқиби имоми Аъзам / масъул муҳаррир: Алибек Рустам. – Тошкент: Ёзувчи, 1995.

31. Султонмурод Олим. Миллий мафкура - халқ таянадиган куч. – Т.: Маънавият, 2000.
32. Уватов У. Имом Мотуридий меросининг моҳияти. – Т.: Маънавият, 2000.
33. Уинтер Т. (Абдулҳаким Мурод) XXI асрда ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш) – Тошкент : Шарқ, 2005.
35. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: Имом Ал-Бухорий халқаро жамғармаси, Фридрих Эберт жамғармаси, 2002.
36. Февраль воқеалари: 1999 йил 16 февраль, Тошкент / Тўпловчилар: С.Остонов, Ж.Раззоқов, Р.Шоғуломов. – Тошкент : Ўзбекистон, 1999.
37. Шермухамедов К. Жаҳолат тўри. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
38. Юсупов О. Истиқлол ва миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2000.
39. Ҳасанов А. Ислом тарихи. Ўқув кўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
40. Ҳуснидинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
41. Ҳуснидинов З., Абдусатторов А. Исломдаги оқимлар: хорижийлар ва шиалик. Ўқув-услубий кўл. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002.
42. Абдулваҳҳоб Зоҳид. Ҳаёт ал-аимма ал-арбаъа. – Чонжу. 2003.
43. Муҳаммад Абу Заҳра. Тарих ал-мазаҳиб ал-исламия. – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1996.
44. Абдулкарим Шаҳристоний. Ал-милал ван-нихал. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1992.
45. Абдулқоҳир Бағдодий. Ал-фарқ байнал-фирақ. – Байрут: Ал-Мактаба ал-асрия, 1996.
46. Муҳаммад Абу Заҳра. Абу Ҳанифа: ҳаётуху ва асруху ва ороухул-фикҳия – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1997.

47. Мухаммад Абу Захра. Молик: ҳаётуху ва асруху ва ороухул-фикҳия – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1997.
48. Мухаммад Абу Захра. Аш-Шафийй: ҳаётуху ва асруху ва ороухул-фикҳия – Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабий, 1997.
49. Васильев Л. История религий Востока. – М.: 1998.
50. Мухаммад Али ал-Кутб. Основатели четырех мазхабов. – Санкт-Петербург: ДИЛЯ, 2005.
51. Большаков О. История Халифата. – Москва: Восточная литература, 1998.
52. Калинина Т. Сведения ранних ученых арабского халифата: тексты, переводы, комментарий. – Москва: Наука, 1988.
53. Мирский Г. Исламизм, транснациональный терроризм и ближневосточные конфликты. – Москва, 2008.
54. Ирмияева Т. История мусульманского мира. От халифата до блистательной поры – Челябинск : Урал LTD, 2000.
55. Материалы международной конференции “Межрелигиозное согласие-важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан)”. – Тошкент, 2002.
56. Our Greet Ancestors / responsible editor: Z.Islamov. – T.: Publishing house of “Tashkent Islamic university”. 2002.
57. Farid Ahmed, Publisher: Muhammad Abdur Rab, Muslim Ummah in the contemporary world, 2004

**ИСЛОМДАГИ МАЗҲАБЛАР
ВА ОҚИМЛАР
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2012

Мухаррир: **Бобомурод Эралиев**
Мусахҳих: **Умида Инсонбоева**
Дизайнер: **Ильнур Караджаев**
Саҳифаловчи: **Зулҳумор Улуғбекова**

Босишга 2012 йил 26 июнда берилди.
Бичими 84×108 1/32 Шартли б.т. 12 б.т. Нашр т. 12,1 б.т.
Адади 60 дона. Буюртма № 124
Баҳоси шартнома асосида.

“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.

